

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРЗАЕВА САЛИМА РАЙИМЖОНОВНА

ЎЗБЕК

ХАЛҚ АФСУН-ДУОЛАРИНИНГ

ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БАДИИЯТИ

Тошкент-2005

МУНДАРИЖА

Муқаддима

Ўзбек халқ афсун-дуолари фольклор жанри сифатида

Ўзбек афсун-дуоларининг мавзу ва вазифадошлик жиҳатидан таснифи.
.....

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг бадиияти.

Хотима.

**Андижон Давлат университети илмий-техник кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган.**

Ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби ғоят ранг-баранг ва қадимий бўлиб, асрлар давомида халқимиз қалбидаги эзгу ғояларга қанот бахш этиб келган. Аждодларимизнинг умидбахш орзуларини ўзида мужассам этган фольклор намуналаридан бири афсун-дуолар ҳисобланади. Сўзнинг сеҳр-жоду кучига эгаллиги билан боғлиқ қадимий тасаввурлар асосида юзага келган афсун-дуолар мазмунан теранлиги, тарихий асослари жуда олис замонларга бориб тақалиши, ўзига хос ҳаётий-маиший вазифалари ва ижро ўрнига эга. Фольклоршунослар томонидан мисқоллаб тўпланган халқ оғзаки ижоди дурдоналари орасида афсун-дуолар салмоқли ўрин тутди. Қўлингиздаги монография афсун-дуоларнинг жанр хусусиятлари, мавзу йўналиши ва бадииятига бағишланган.

Монография фольклоршунос ва этнограф олимлар, аспирант, докторант ва тадқиқотчилар, шунингдек, филология факультети талабалари, магистрлари ҳамда халқ ижодиёти билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р л а р :

Филология фанлари доктори, профессор БАҲОДИР САРИМСОҚОВ

Филология фанлари доктори МАМАТҚУЛ ЖЎРАЕВ

Т а қ р и з ч и л а р :

Филология фанлари доктори, профессор К.ИМОМОВ

Филология фанлари доктори М.ЁҚУББЕКОВА

Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти.-Тошкент.: Истиқлол, 2005 йил, бет.

**Ушбу монографияни яратилишида ўзининг самимий
маслаҳатларини берган устозимиз, профессор Б.Саримсоқовга ўз
миннатдорчилигимни билдирамиз.**

МУҚАДДИМА

Ўз ҳаётини яхши ва кўнгилдагидек ўтказиш учун ҳар бир инсон курашади. Бунинг учун табиат кучларига, уларнинг бешавқат хуружига қарши чора-тадбирлар ўйлаб топади, бевосита инсонлар томонидан, қилинадиган таъсир ва зарбаларнинг олдини олиш учун хилма-хил восита ҳамда усуллар кидиради. Мана шу тариқа ўйлаб топилган ҳар бир чора-тадбир халқ тажрибасида узоқ йиллар синовлардан ўтказилиб, барча томонидан қўлланила бошлайди. Халқ ўртасида қадим-қадим замонлардан қўлланилиб келинаётган афсун-дуолар ҳам узоқ аждодларимиз томонидан турли хилдаги касалликларга, жонли ва жонсиз табиий зарбаларига, шунингдек, бевосита инсонларнинг ўзаро салбий муносабатларига қарши ўйлаб топган чораларидан бошқа нарса эмас.

Афсун-дуолар сўз, инсон нигоҳи ва хатти-ҳаракатида сеҳр-жоду қудрати бор деб қаралган замонларда вужудга келган бўлиб, ўша вақтлардан буён улар кишилар ўртасида гоҳ очиқ, гоҳ яширин ҳолда яшаб келади.

Халқ афсун-дуоларига нисбатан турлит даврларда турлича муносабатлар ҳукм суриб келди. Биргина шўро тузуми даврида афсун-дуоларга бўлган муносабатга назар ташласак, минглаб йиллар мобайнида халқ ўртасида руҳий терапия вазифасини ўтаб келган халқ донолигининг маҳсули афсун-дуоларга нисбатан ҳурматсизлик, бешавқат муносабат қай даражада амал қилганлигини кўрамиз. Турли муносабат билан халқ мурожаат этадиган қанчадан-қанча дуохонларимиз, азайимхонлар шафқатсиз қатағонларга дучор қилинди. Мана шунинг оқибатида жуда кўплаб афсун-дуоларимиз нутилди ва беиз йўқолиб кетди. Мана шунинг ўзи халқ маънавий бойлигининг кадрланмаганлигидан, топталганлигидан далолат беради.

Эндиликда давр ўзгарди, халқ яратувчилигининг барча намуналарига муносабат бутунлай бошқача тус олди. Ҳолбуки, бу даврга келиб кўплаб афсунхонларимиз ўзлари билан маънавий бойлигимизнинг каттагина қисмини йўқлик оламига олиб кетдилар. Шунга қарамай, бир нарсага шукр қилиш лозимки, халқ барибир катта куч. У ўз ҳаётида, айниқса, ўз маънавий дунёсида мавжуд бўлган ва амал қилган кўп нарсаларни асраб-авайлаб сақлаб қолади. Афсун-дуолар ҳақида ҳам бу нарсани эътироф этиш жоиз. Кўп йиллик кидиришларимиз натижасида ҳозир биз йўқолиб кетди, деб юрган афсун-дуоларнинг ўн бешга яқин турларининг тўпланиши фикримизнинг далили бўла олади. Тўпланган материаллар ҳажми ва кўлами эса улар ҳақида махсус илмий тадқиқот иши ёзишга тўла ҳуқуқ берди.

Ўзбек халқ афсун-дуоларини ўрганишнинг долзарблиги куйидаги икки жиҳат билан белгиланади:

Биринчидан, халқ ҳаётининг турли-туман жабҳаларида ҳар хил муносабат билан қўлланилиб келинган афсун-дуоларни жамлаш, уларни вазифадошлик нуқтаи назаридан тасниф этиш ва афсун-дуоларнинг ноёб, мукамал намуналари билан кўпчиликни таништириш.

Иккинчидан, эндиликда афсун-дуолар ва уларнинг инсонга таъсири масаласи билан табобат илми, биология, биохимия, биофизика, руҳшунослик каби турли-туман соҳа олимлари жиддий шуғуллана бошладилар. Бу нарса яхши самаралар бериши шубҳасиз. Аммо яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, афсун-дуолар энг аввало сўз орқали шаклланади. Бинобарин, афсун-дуолар билан филология, унинг фольклоршунослик соҳаси ҳам бақамти шуғулланиши зарур.

Мана шу ҳаётӣ-илмий талаб бизни халқ афсун-дуоларнинг жанр хусусиятлари, уларнинг мавзу жиҳатидан таснифи ва бадиияти масалаларини ўрганишга даъват этадики, буларнинг барчаси мазкур монографиянинг юзага келишига имкон беради.

Мазкур тадқиқотдан кўзланган мақсад битта. У ҳам бўлса халқ афсун-дуоларининг моҳиятини ёритиш ҳамда фольклор жанри сифатида уларнинг бадиий хусусиятлари нималарда зоҳир бўлишини кўрсатиб беришдан иборат.

Маълумки, ҳар қандай тадқиқот ўз-ўзидан вужудга келмайди. Худди шу маънода айтганда, ҳар бир тадқиқот коллектив меҳнат маҳсули ҳисобланади. Чунки тадқиқотга жалб этилган фактик материал омма томонидан яратилиб, кўпчилик томонидан истифода этилади. Қолаверса, ҳар бир тадқиқотчи ўз фаолиятида ўзидан олдин ўтган олимларнинг тадқиқот усуллари ва йўлидан боради, уларга ўз мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда айрим ўзгаришлар, янгиликлар киритади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, мазкур монографиянинг яратилишида П.Г.Богатўрев, В.Я.Пропп, Е.Г.Кагаров, Б.Н.Путилов, В.К.Соколова, Х.Т.Зарифов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, М.Муродов, З.И.Власова, В.Н.Ильинская каби олимларнинг тадқиқотчиларига суяниб иш юритдик.

Туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқ афсун-дуолари муайян ғоявий тазйиқлар туфайли етарлича илмий кузатишлар объекти бўлган эмас. Дастлаб ушбу масалага у ёки бу муносабат билан А.А.Диваев, М.Ф.Гаврилов, Е.М.Пешчерева, А.Л.Троицкая, Г.П.Снесарев, К.Шониёзов каби этнографлар тўхталиб ўтганлар¹.

Ўзбек халқ афсун-дуоларига фольклор жанри сифатида илк марта мурожаат этган тадқиқотчи проф.Б.И.Саримсоқов бўлди. 70-йилларнинг иккинчи ярми 80-йилларнинг биринчи ярмидаги совет ҳокимиятининг ашаддий ҳимоячилари, уларнинг ғоявий ҳомийлари томонидан кўрсатилган жуда қаттиқ қаршиликларга қарамай, у халқимиз ўртасида шу кунгача яшаб келаётган бадик, кинна, ёмғир чиқариш маросимларида ижро этиладиган «Суст хотин», «Чала хотин», шамол тўхтатиш маросимида айтиладиган «Чой момо», шамол чақариш маросимида айтиладиган «Ё, Ҳайдар» каби кўплаб айтимларни илмий таҳлил майдонига олиб кирди. Юқорида санаб кўрсатилган айтим-дуолар Б.Саримсоқов томонидан етарлича таҳлил этилганлиги сабабли биз уларни ўз тадқиқотимизга жалб этмадик.

Энг муҳим томони шундаки, Б.Саримсоқов бадик, кинна каби сўзнинг сеҳр-жоду кудратига асосланувчи жанрлар хусусида тўхталиб, уларни «руҳий терапия» воситаси сифатида илк марта баҳолайди². Биз ҳам унинг бу фикрини тўла тасдиқлашга ҳаракат қиламиз.

Халқ дуолари ҳақида иккинчи бўлиб илмий-оммабоп ёндошганлардан бири Рустам Обид ҳисобланади. У ўзининг «Дуонинг кучи» номли рисоласида халқ дуоларини биологик, физикавий, руҳий хоссаларини Г.М.Заднепровский, А.И.Вейник, В.И.Альтухов каби олимларнинг тажриба ҳамда кузатишларига таянган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилади³. Бироқ муаллифнинг халқ афсун-дуолари ҳақидаги шахсий фикр-мулоҳазалари эътиборга лойиқ эмас. Айниқса, унинг халқ афсун-дуолари борасидаги фольклоршуносликдаги қарашларни билмай туриб, ўзбек олимлари бу борада ҳеч қандай иш қилмадилар дейиши эътироз туғдиради. Бизнингча, ҳар қандай масалани тўғри ҳал қилиш унинг тарихини чуқур ўрганишдан бошланса, юқоридагига ўхшаш нотўғри фикр-хулосалар туғилмайди.

Афсун-дуоларни, айниқса, диний манбалар асосида халқ ўртасида кенг тарқалган дуоларни тарғиб этишда Маҳмуд Умар, Маҳмуд Ҳасаний ва Ҳайдарбек Бобобековлар

¹ Диваев А. Киргизский заговор против укуса ядовитых насекомых и пресмикающихся //Этнографическое обозрение//, 1910, вып.1-2, С.128-130; Гаврилов М.Ф. Остатки ясы и юсуна у узбеков. Ташкент, 1925; Пешчерева Е.М.Праздник тюльпана лола в сел. Исфара Какандского уезда. //Сборник В.В. Бартольд//. Ташкент, 1927, С. 374-384; Троицкая А.Л.Некоторые старинные обычаи, обряды и поверья таджиков долины верхнего Зеравшана Среднеазиатский этнографический сборник. Л., 1971, С. 250; Снесарев Г.П. Реликты домусульманский верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969; Шониязов К. Узбеки-карлуки.- Ташкент, 1962.

² Саримсоқов Б. Ўзбек меросим фольклори. Тошкент, 1986.

³ Рустам Обид. Дуонинг кучи. Тошкент, Фан, 1992.

томонидан чоп этилган «Дуолар хосияти» номли рисола катта аҳамият касб этади⁴. Ушбу китобча Асрор Самаднинг кичкина кириш мақоласи ва дуо матнларидан ташкил топган.

Дуо текстларининг эълон қилинишини табриклаган ҳолда китоб сўзбошисидаги олқиш ва дуоларни изчил фарқламасдан айтилган фикрларни қувватлай олмаймиз. Бизнингча, халқ олқишларини диний руҳдаги дуолардан фарқлаш, уларнинг инсон руҳий дунёсига кўрсатажак таъсирларини тўғри баҳолаш, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида муносабатда бўлиш зарур. Сўзбоши муаллифи эса мана шу нарсага нозик фольклоршунос назари билан ёндоша олмаган.

Халқ афсун-дуоларига, айниқса, диний дуоларга қизиқиш нафақат республикамизда, балки хорижий туркий мамлакатларда ҳам кучайди. 1990 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида чоп этилган «Очиқламали буюк дуо мажмуаси» номли китоб фикримизни тўла қувватлайди⁵. Китобда турли вазиятларда, ҳолатларда ўқиладиган дуолар туркча таржимаси билан берилган. Биз ўрни билан китобдаги айрим матнларга ҳам мурожаат қилдик. Таассуфли ўрни шундаки, китобда дуолар, уларнинг инсон руҳий оламига кўрсатажак таъсири ҳақида илмий мулоҳазалар билдирилмаган. Шунга қарамай мазкур китобча дуо-афсунларни ўрганишда катта илмий аҳамият касб этади.

Ушбу монографияда ўзбек халқ афсун-дуолари илк бор изчил тўплаб тадқиқ этилган. Унда биз ҳар бир дуонинг ижрочилари, ижро шароити, ижро тарзи, дуонинг мазмуни, бадиий жиҳатлари ва образлар тизимини кенг кўламда ёритишга ҳаракат қилдик.

ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСУН-ДУОЛАРИ ФОЛЬКЛОР ЖАНРИ СИФАТИДА

Халқимиз ўртасида «афсун қилмоқ» «дуо ўқимоқ» «дам солмоқ» каби бирикмали атамалар билан юритилувчи айтимлар борки, улар фольклоршуносликда деярли ўрганилмаган. Халқ афсун-дуолари таҳлилига ўтишдан олдин икки оғиз юқоридаги атамалар хусусида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки айрим манбаларда юқоридаги атамалар нотўғри изоҳланган. Жумладан, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «афсун» атамаси форс-тожик тилидан олинган дейиладик¹, аслида бу атама араб тилидан олинган

⁴ Дуолар хосияти. Тошкент, «Нашр», 1992.

⁵ Сулаймон Оташ. Ачи=ламали буюк дуо мажмуаси. Ан=ара, 1990

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Икки томлик. 1-том, М., 1981, 63-бет.

ва «сеҳр» «жоду» маъноларини англатади². «Дуо» атамаси ҳам араб тилидан олинган сўз бўлиб, худога ва бошқа ғайритабиий кучларга сиғиниш орқали ўзгаларга яхшилик ёхуд ёмонлик тилаш маъносини англатади³. «Дам» эса форс-тожик тилига мансуб сўз бўлиб, у нафас маъносини ифодалайди⁴.

Юқоридаги қисқача изоҳлардан шу нарса маълум бўладики, халқ турмушида кенг қўлланилиб келинган айтимларнинг аксарияти араб, форс-тожик атамалари билан юритилади. Бунинг энг асосий сабаблари, бизнинг назаримизда, қуйидагиларда:

Биринчидан, халқ ўртасида кенг қўлланилувчи ва махсус маросимлар таркибида ўқилувчи айтимлар ҳам борки, улар соф туркий тилга мансуб атамалар билан юритилади. Масалан, бадик, бурей-бурей кабилар шулар жумласидан бўлиб, улар Б.Саримсоқовнинг тадқиқотларида батафсил таҳлил этилган⁵.

Иккинчидан, Ўрта Осиё араблар томонидан тўла истило этилгандан сўнг ерли халқнинг ҳукмрон мафқураси ислом бўлиб қолди. Худди мана шунинг учун ҳам халқ ўртасидаги айтимлар билан ислом динига хос айтимлар ўзаро сингишиб кетди. Мана шу сингишиш оқибатида таомилга кирган айтимлар билан бирга арабча, тожикча айтимлар ҳам бевосита қабул қилинди.

Учинчидан, туркий халқларнинг жуда қадим замонлардан тожиклар билан ёнма-ён ва айрим жойларда аралаш яшаши, қолаверса, жуда узоқ вақтлар форс-тожик тилининг Ўрта Осиё халқларида адабий тил вазифасини адо этиши ҳам халқ ўртасидаги айрим айтимларни тожикча атамалар билан номлашга олиб келган.

Умуман, халқ айтимларининг ерли аҳоли билмайдиган тилларга мансуб сўзлар билан номланиши ана шу айтимларга сирлилик, ғайритабиийлик бағишланган. Шунинг учун ҳам халқ шу айтимларни ўз тилидаги сўзлар билан аташга нечоғлик имкониятларга эга бўлишига қарамай, уларнинг номларини ўзгартирмай келмоқда.

Афсун-дуолар халқ ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида жуда қадим замонларда вужудга келган. Чунки кишилар ўзларини турли-туман касалликлардан, офат ва фалокатлардан, зиён-захматлардан, ўғри ва қароқчилардан, йирткич ва даррандалардан сақлаш керак бўлганда, ўзгаларга таъсир кўрсатиш ёки зарар етказишга ҳаракат қилганлар. Худди мана шундай интилиш ва истак аста-секин ранг-баранг хатти-ҳаракатлар воситасида айтиладиган айтимларнинг яратилишига олиб келган.

Бу хилдаги айтимлар эса узоқ даврлар айтилавериш оқибатида тобора қатъий шакл ва мазмунга эга бўлган афсун-дуолар шаклини олган. Албатта, бундай айтим-дуоларнинг келиб чиқиши қадимги аждодларимизнинг табиат кучлари олдида ожизликлари, ночорликлари оқибатидан бошқа нарса эмас. Чунки инсон ўз тарихий ривожининг қайси босқичи, ўз умрининг қайси нуқтасида бўлмасин, ҳамма вақт тинч, омон ҳаёт ҳадеб бўлавермайди. Бир маромда оқиб ўтаётган турмуш баъзан табиат рафтори, баъзан эса инсонларнинг ўзлари, баъзан эса бошқа сабаблар билан бузилиб туради. Ана шундай пайтларда эса ночор қолган узоқ аждодларимиз ҳар хил нарсаларга, жумладан, инсонни барча маҳлуқотдан ажратиб турувчи ўзининг сўзлаш иқтидорига, аниқроғи, сўзнинг сеҳрли кучига мурожаат қилган.

Демак, маълум бўладики, халқ афсун-дуолари, фольклоршунос Б.Саримсоқов тўғри таъкидлаганидек, сўзнинг сеҳр-жоду (магик) қудратига таянувчи жанрлари ҳисобланади. Бу ҳақда у қуйидагиларни ёзади: «Қадимги инсон ўзини сал нохуш сезадими ёки қоқилиб-сурилиб кетадими, ёки қиличининг дами қайтадими-буларнинг барчасини у ғайритабиий ҳаракат, ёмон кўз билан қараш ёки сўз қудратидан деб билади. Бу нарса истар-истамас инсондаги юқорида айтилган уч жиҳат олдида кишиларни сажда қилишга олиб келади.

² Фаршанги зебони тоиқи. Т-1, М., 1969. Саш.102.

³ Фаршанги зебони тоиқи. Т-1, М., 1969. Саш.400.

⁴ Фаршанги зебони тоиқи. Т-1, М., 1969. Саш.317.

⁵ Саримсоқов Б.И. Узбекский обрядовый фольклор, его жанровый состав, генезис и поэтика. АДЦ, Ташкент, 1987.-с. 27-35

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам у хатти-ҳаракат ва сўзнинг сеҳрли қудратидан нажот кутган. Чунки у ўзидаги сўзлаш иқтидорини илоҳий қудрат деб билган»⁶.

Албатта, сўз ва унинг сеҳр-жоду кучи олдида сажда қилиш, унга нажот кўзи билан қараш узоқ ўтмишдан ҳозирга қадар маълум даражада сақланиб келади. Бевосита мана шу нарса туфайли турли-туман афсун-дуолар яратилган. Мана шунга таяниб айтиш мумкинки, сўзнинг жоду кучига, таъсир қудратига асосланиш афсун-дуоларнинг халқ оғзаки ижодига мансуб мустақил жанрлар сифатидаги хусусиятларидан бири саналади.

Бироқ ёлғиз сўзнинг сеҳр-жоду кучи ҳамма вақт афсун-дуолар учун белгиловчи жанр хоссаси бўла олмаган. Баъзан афсун-дуолар матнини ташкил этувчи сўзларнинг сеҳр-жоду кучи магик қудратга эга деб қаралган нарсалар (масалан, исирик, қалампир, нон, пичок, пул, туз ва ҳоказолар) кўмагида кучайтирилган. Ҳаттоки, инсондаги хатти-ҳаракат ҳам бевосита сўз сеҳрини кучайтирувчи восита саналган.

Сеҳр-жоду нуқтаи назаридан қаралса, бизнингча, хатти-ҳаракат сўзга қараганда қадимий магик восита саналади. Чунки, инсон ҳали сўзлаш иқтидорига эга бўлмаган даврларда ҳам хатти-ҳаракат бўлган ва у киши ночор қолган кезларида бевосита такрорланувчи хатти-ҳаракатдан нажот кутган. Бу нарса бизни хатти-ҳаракат жодуси сўз жодусига қараганда ҳам қадимий, ҳам кучли таъсир кўрсатиш қудратига эга, деган ҳулосага олиб келади. Демак, афсун-дуоларга хос икинчи муҳим жанр хусусияти шундаки, мазкур жанрга алоқадор айтимлар фақат муайян хатти-ҳаракат ҳамкорлигида ижро этилади.⁷

Сеҳр-жоду(магия)нинг муҳим хусусияти шундаки, у ғайритабиий кучлар воситасида бирор нарсага ёки кишига таъсир кўрсатиш ва шу орқали кўзланган натижага эришишни назарда тутади. Магиянинг бу жиҳатини яхши билган таниқли инглиз олими Фрезер ўзининг «Олтин бутуқча» асарида сеҳр-жодунинг қуйидагича кўринишларини, уларнинг таъсир кўрсатишдаги ўзига хосликларини алоҳида қайд этади, унинг кўрсатишича, икки хил магия мавжуд: 1) Гомеопатик магия; 2) Мулоқот магияси⁸.

Гомеопатик магия (гомео-юнонча «ўхшаш», «бир хил» демакдир) талабларига кўра, ўхшаш нарсалар ўхшаш нарсаларни келтириб чиқаради.

Демак, ибтидоий кишилар тасаввурича, бирор кишининг бирор нарсасига таъсир кўрсатиш орқали унинг ўзига ҳам таъсир кўрсатиш мумкин деб қараганлар. Масалан, унинг қўйлагини ғижимлаш орқали унинг жонига оғриқ келтириш мумкин. Ёхуд бошқа мисол: бирор кишининг юраги деб фараз қилинган бир сиқим хамирга игна санчиш орқали ўша кишининг юрагида санчиқ кўзгаш мумкин.

Мулоқот магиясида эса ўзаро мулоқотда бўлиш орқали мулоқотда бўлувчи томонлардан бирида бўлган бир хусусият иккинчисига юқиши мумкин деб қаралган. Масалан, кинна кирган шахс олдида туриш ундаги киннанинг юқи иккинчисига ҳам ўтади деб қаралган.

Хуллас, магиянинг ҳар икки турида таъсирнинг кучини ошириш ёки ана шу таъсирни қайтариш мақсадида турли-туман афсун-дуолар яратилган. Чунки афсун-дуолар магияни ё кучайтириш ё сингдириш учун хизмат қилганлар.

Ҳар икки ҳолда ҳам афсун-дуо махсус хатти-ҳаракат ва нарсалар воситасида ижро этилади. Бу нарса афсун-дуоларнинг таъсир кучини оширишга кўмаклашади.

Бу ўринда бир нарсага алоҳида аҳамият бермоқ лозим. У ҳам бўлса афсун-дуолар тарихида хатти-ҳаракатлар ёки айтимлар қадимийлигини аниқлашдан иборат. Н.Познанский бу масалада алоҳида тўхталиб, хатти-ҳаракат бирламчи, айтимлар эса иккиламчи деган фикрни билдиради⁹.

⁶ Саримсо=ов Б.И. Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар состави, генезиси ва поэтикаси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1987.189-бет

⁷ Петров В.П. Заговory //Из истории русской советской фольклористики. Л., 1981.- С.79.

⁸ Фрезер Дж. Золотая ветвь. Выпуск I. Магия и религия. М., 1928.-С.37-38.

⁹ Познанский Н. Заговory. Опыт исследования происхождения и развития заговорных формул. Пг., 1917,-С.142-143.

Албатта, хатти-ҳаракат қадимий, аммо афсун-дуоларнинг тўлақонли изчил вазифага йўналтирилган маросим сифатида шаклланишида айтимларнинг ҳам роли катта. Худди шу маънода биз халқ афсун-дуоларида хатти-ҳаракат ва айтимлар бир хил мавқега эга деб қаровчи В.П.Петровнинг фикрини тўла қувватлаймиз¹⁰.

Демак, афсун-дуоларга хос муҳим хусусиятлардан бири уларнинг махсус хатти-ҳаракатлар ва нарсалар воситасида ижро этилиши ҳисобланади. Бу хусусият афсун-дуолар ижросидаги қадимий синкретик табиатнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Халқ афсун-дуоларига хос муҳим жанр хусусиятларидан яна бири уларнинг, кўпинча, ўзга тилларда, яъни афсун-дуо ўқийдиган ва унга ишонадиган кишиларга номаълум бўлган тилларда бўлиши ҳисобланади. Бу нарса афсун-дуоларга нисбатан кишиларнинг қизиқишини, ихлосини оширади. Номаълум тилда айтилаётган дуо тингловчига кўпроқ таъсир кўрсатади, чунки матннинг мазмунидаги номаълумлик афсун-дуога сирлилик бағишлайди. Бу сирлилик эса афсун-дуонинг кўрсатадиган таъсир кучини орттиради.

Афсун-дуоларга хос бундай хусусият ўзбек материали учунгина эмас, балки бошқа халқлар фольклори материали учун ҳам тарихий-типологик ҳолат саналади. Таниқли рус фаольклоршуноси П.Г.Богатиревнинг қайд этишича, славян халқларидаги афсун-дуолар ҳам славянлар учун номаълум бўлган қадимги яхудий ва бошқа тилларда сақланиб қолган¹¹. Шу боис ҳам афсун-дуоларга хос бу умумий хусусият бевосита афсун-дуоларга хос етакчи жанр хусусияти саналади. Масалан, илон чаққанда ўқиладиган қуйидаги афсун-дуо парчасида қадимги яхудий, ҳинд, форс-тожик, араб ва туркий тилларга хос сўзлар ва сўз бирикмалари учрайдики, улар умуман олганда, матнга сирлилик бағишлаб турадилар: «Отатурака, бужур сарайа, бужур банди, ғунда макр, чал-чалака, муллака, зивалака, алакони бисмиллоҳи муҳр учун, кулли куръони юз учун. Баҳакки Сулаймон дами билан куф, чик!»

Келтирилган мисоллардаги ўзга тилларга хос сўзлар, бирикмалар афсун-дуога сирлилик бағишлаш орқали унинг таъсир кўрсатиш кучини оширади ҳамда П.Г.Богатирев айтганидек, тушунарли бўлган тил унсурларининг таъсир кучидан кудратлироқ бўлади¹².

Хулоса қилиб айтганда, халқ афсун-дуоларининг ўзга тилларда бўлиши уларнинг табиатида сирлиликни таъминлашга ва шу орқали афсун-дуоларнинг кишилар руҳиятига кўрсатадиган таъсир кучини орттиришга хизмат қилиш баробарида бевосита мана шу хусусият афсун-дуоларнинг мустақил жанрлар мажмуаси сифатида ўзига хослигини ҳам намоён этиши.

Халқ афсун-дуоларига хос жанр аломатларидан яна бири уларнинг ҳамма вақт буйруқ, (императив) оҳангида ижро этилиши саналади. Дарҳақиқат, ўзбек халқи ўртасида кенг истифода этиладиган исталган афсун-дуони олманг, унда ҳамма вақт кескин буйруқ оҳанги мавжудлигини кўрасиз. Масалан, қоракурт чаққанда ўқиладиган афсун-дуодан келтирилган қуйидаги парчада ҳам асар матни кескин буйруқ оҳанги билан яқунланади:

**Ола ғундол, бало ғундол,
Кал келди, кади келди.
Пайғамбарнинг сўзи билан
Худойимнинг амри билан.**

**Арбайтиган олим ўзим,
Қўймайтиган золим ўзим.
Куф-суф, чик, куф-суф, чик!**

¹⁰ Петров В.П. Заговоры. Қырситилган манба, 79-бет

¹¹ Магическое действие, обряды и верования, Закарпатье // Богатирев Г.П. Вопросы теории народного искусства, М.; 1971,-С.189.

¹² Богатирев П.Г. Қырситилган асар, 188-190-бетлар.

Афсун-дуолар оҳангидаги кескин буйруқ оҳанги бевосита жанрнинг ички семантик моҳияти, ҳаётӣ вазифаси билан чамбарчас боғланган. Бу боғлиқлик эса афсун-дуо асосидаги конфликт билан, яъни киши танасига кириб олган захар ва уни сиқиб чиқаришга интилувчи авровчи ўртасидаги шиддатли руҳий кураш билан алоқадор.

Маълумки, ибтидоий кишилар қорақурт ёки бошқа ҳашорат, махлуқлар чақиши оқибатида киши танасига киритилган захарни зиён-заҳмат сифатида тасаввур қилганлар. Бу зиён-заҳмат эса маълум бир сеҳрли нафасга эга бўлган кишилар амрига бўйсунди деб қаралган. Мана шунинг учун ҳам авровчилар ўз афсунлари ижросида ўзи ёки бошқа авлиё, пирлар мададига бўйсуниб зиён-заҳматни киши танасини тарк этишга даъват этадилар. Аслида эса киши танасига киритилган захар таъсир кучининг сустрлашиши ёки унинг бутунлай танани тарк этиши авровчининг хатти-ҳаракати, руҳий ҳолати орқали зарар кўрган киши руҳиятига таъсир кўрсатиши, унинг организмда захарга қарши курашувчи ҳолатнинг қўзғатилиши билан боғлиқ. Бу ҳақда қуйида батафсил фикр юритамиз. Биз учун эса энг муҳими шундаки, афсун-дуолар оҳангидаги буйруқ тарзининг етакчилик қилиши мазкур жанрларга хос умумий хусусият бўлиб, бу нарса афсун-дуоларнинг семантикаси, уларнинг асосида ётувчи конфликт билан боғлиқ эканлигини қайд этиш ҳисобланади.

Афсун-дуоларнинг фольклорнинг мустақил жанр сифатидаги ўзига хосликлари уларнинг образлари таркибида ҳам кўзга ташланади. Бу образлар эса афсун-дуонинг кимга ёки нимага қарши йўналтирилганлигига қараб турлича кўринишга, сифатга эга бўлади. Масалан, илон, қорақурт, чаён ёки ари каби газандалар чакқанда ўқиладиган афсун-дуоларда фақат икки образ-авровчи ҳамда газанда томонидан киши танасига киритилган ва бевосита ана шу газанда билан бир нарса сифатида тасаввур этиладиган захар образи иштирок этади. Шунинг учун ҳам бу хилдаги афсунлар матни бошдан-оёқ шу икки образ ўртасидаги шиддатли оғзаки курашдан ташкил топади. Албатта, ҳар икки образ ҳам афсунларда реал, аниқ қиёфада эмас, балки ўта мавҳум бир қиёфада иштирок этади.

Бўри каби йиртқич ҳайвонларга қарши йўналтирилган ёки ўғри, қароқчи каби салбий ижтимоий кучларга қарши қаратилган афсун-дуоларда эса бўри ва ўғри образлари ҳамда дуохон образи иштирок этиб, асар матни ана шу икки куч ўртасидаги зиддиятни, курашни ифодалашдан ташкил топади.

Кўз оғриғи, тиш оғриғи, қорин оғриғи, бош оғриғи каби хасталикларга қарши йўналтирилган афсун-дуоларда дуохон ва хасталикни келтириб чиқарган зиён-заҳмат образлари ўртасидаги кураш ифодаланади.

Хуллас, афсун-дуонинг нимага ёки кимга қарши йўналтирилганлиги ёхуд нима ёки кимни ёқлашга қаратилганлигига қараб уларда иштирок ётувчи образлар таркиби, уларнинг вазифалари ҳам ўзгариб борадики, бундай ҳолат халқ афсун-дуоларига хос бўлган хусусият саналади.

Халқ афсун-дуоларига хос хусусиятлардан яна бири мазкур жанрларнинг махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар томонидан ижро этилиши ҳисобланади. Мана шу хусусияти билан афсун-дуолар оммавий ижро этилувчи фольклор жанрларидан алоҳида фарқланиб турадилар.

Афсун-дуоларни ижро ётувчилар руҳлар томонидан адлоҳида танланган ёки махсус таълим-тарбия олган шахслардан иборат бўлади. Халқ ўртасида баҳши, кўшноч, фолбин, шомон, кинначи каби номлар билан аталувчи кишилар борки, улар ўзлари мансуб бўлган касбларнинг пирлари, руҳлар томонидан танланган ва муайян даражада руҳий таъсирга учраган шахслар ҳисобланадилар.

Кишилар у ёки бу хасталик туфайли ёрдам сўраб мурожаат қилганларида улар ўзлари танланган руҳлар воситасида даволашга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам беморларни даволаш пайтида улар ўзларининг ҳомий руҳлари ёки пирларини кўмакка чакирадилар, улардан мадад сўраб илтижо қиладилар. Албатта, бу хилдаги афсун-дуолар, уларнинг ғайритабиий руҳлар билан алоқаси, умуман, афсун-дуоларнинг беморларни даволашига хос сир-асрорлар ҳақида ҳозирги тиббиёт илми, руҳшунослик ва биология

фани конкрет, ишонарли бирор материалга эга эмас. Шу боис бизнинг ҳам бу борада бирор аниқ фикр юритишимиз қийин. Аммо умумий тарзда шуни алоҳида қайд этишимиз мумкинки, ҳар бир инсоннинг ўзига хос биоэнергияси, биомайдони мавжуд. Биоқуввати кучли кишилар эса ана шу биомайдон орқали кишиларга таъсир кўрсатишлари мумкин.

Бунда гипноз ҳодисаси ва шу орқали киши руҳиятига, руҳият орқали эса киши организмга таъсир кўрсатади. Бизнингча, бахши (қўшноч), авровчи, фолбин, шомон, кинначи каби афсун-дуохонлар фаолияти ана шу қонуниятга асосланиб иш кўрсалар керак. Ҳар холда, масаланинг бу томони бизнинг тадқиқотимиз доирасига кирмайди. Биз учун эса асрлар мобайнида шаклланган афсун-дуоларни ижро этувчи шахсларнинг ҳомий руҳлар томонидан танланганлигини эътироф этиш муҳим.

Халқ ўртасида яна бир хил афсун-дуохонлар борки, улар мадрасаларда таълим олган ўқимишли кишилардан иборат. Улар ислом динига мансуб китобларда ёзилган афсун-дуоларни яхши биладилар ва ўз фаолиятларида ана шу билимларини халқ афсунгарлиги материалларига уйғунлаштирган холда ишга соладилар. Дуохон, азойимхон, иситма-совутмачи, дам солувчи, мулла, отин каби атама билан номланувчи шахслар ана шулар жумласидандур.

Афсун-дуоларни ижро этувчи юқорида зикр этилган шахсларнинг иккала тоғиаси ҳам халқ ўртасида жуда кенг тарқалган бўлиб, улар ўзларининг фаолиятлари билан афсун-дуоларнинг фольклор жанрлари сифатидаги ҳуқуқларини таъминлайдилар. Шунинг учун ҳам афсун-дуоларнинг маҳсус тайёргарликка эга бўлган шахслар томонидан ижро этилиши уларнинг жанр ўзгачалигини таъмин этувчи омиллардан бири дейишга тўла ҳақлимиз.

Халқ афсун-дуоларининг фольклорнинг мустақил жанрлари сифатидаги ўзлига хослиги уларнинг таркибий тузилишида ҳам кўзга ташланади.

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг таркибий тузилиши ҳақида фольклоршунос Б.Саримсоқов фикр юритиб, афсун-дуолар асосан уч қисмдан: бошлама, эпик қисм ва тугалланмадан иборат эканлигини таъкидлайди¹³. Рус халқ афсун-дуоларининг бундай тузилишга эга эканлигини З.И.Власова ҳамда В.И.Ильинскаялар ҳам қайд этишган¹⁴. Бироқ, таниқли рус олими Е.Г.Кагаров эса афсун-дуолар беш қисмдан: худоларга, руҳларга мурожаат, эпик қисм, лирик қисм, мистик қисм, яқунловчи қисм кабилардан иборат деб кўрсатади.¹⁵

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг тузилишини кўздан кечириш бу борада З.И.Власова, В.И.Ильинская ҳамда Б.Саримсоқовларнинг фикри тўғри эканлигини тасдиқлайди, чунки барча халқ афсун-дуоларида асосан бошланма мавжуд ва бу қисмда афсунхон худога, барча азиз-авлиёларга мурожаат этиб, улардан мадад тилайди, сўнг афсун-дуонинг асосий мазмунини белгиловчи матн келадик, бу қисм шартли равишда «эпик қисм» деб юритилади. Мана шу қисмдан сўнг эса афсун-дуонинг яқунловчи қисми келади. Демак, уч қисмдан иборат тузилиш ҳам афсун-дуоларнинг мустақил жанр сифатидаги ҳуқуқларини белгилаб беради.

Маълумки, фольклор жанрлари ҳаётий вазифаларига кўра соф бадиий ва маиший мақсадларни адо этишга мўлжалланган. Мана шу нуқтаи назардан ҳам афсун-дуолар алоҳида ажралиб турадилар.

Ўзбек халқ афсун-дуоларидаги маишийлик ва бадиийлик ҳақида фикр юритганда, дастлаб, уларнинг қўлланилиш ўрни ҳамда шарт-шароитини ҳисобга олиш зарур. Чунки афсун-дуолар кишиларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш эмас, балки уларнинг дардларига малҳам бўлиш, уларни турли бахтсизликлардан халос этиш учун хизмат

¹³ Саримсоқов Б.И. Узбекский обрядовый фольклор, его жанровый состав, генезис и поэтика. АДД, Тошкент, 1987, -С.27

¹⁴ Власова З.И.К изучению поэтики устных заговоров // Русская народная проза, русский фольклор. Т.ХП.Л., 1972,- С.194-201; Ильинская В.Н. Заговоры и историческая действительность //Историческая жизнь народной поэзии. Русский фольклор. Т.ХVI. Л., 1976, -С.200-207

¹⁵ Кагаров Е.Г. Словесные формулы обряда // Из истории русской советской фольклористики. Л., 1981.-С.75.

килади. Шу боис халқ афсун-дуоларидан юксак бадийликни талаб этиш ва уларга ҳам соф эстетик вазифа бажарувчи жанрлар мезони билан ёндошиш мумкин эмас.

Афсун-дуолар халқ рухий муолижасининг бир кўриниши бўлиб, улар ўз мазмуни, оҳанги ва ижроси билан кишиларни у ёки бу бахтсизликдан, хасталик ёки фалокатдан сақлаб қолишга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам афсун-дуолар кишиларнинг кўнгил ёзиш истаклари туғилган пайтларда эмас, балки ҳаётий эҳтиёж туғилган пайтларидагина ижро этилади. Афсун-дуоларга юксак бадийлик талабларини қўйиб бўлмайди, чунки уларда бадийлик иккинчи ўринда туради. Хуллас: маиший (утилитар) вазифа бажариш халқ афсун-дуоларига хос етакчи вазифа саналади.

Афсун-дуолар фольклор жанри саналишга ҳақлими, деган савол туғилади. Ушбу саволга «ҳа, афсун-дуолар фольклор жанри саналишга ҳақли» деб жавоб қайтариш мумкин. Чунки, биринчидан, афсун-дуолар ҳам халқ ўртасида дастлаб оғзаки яратилиб, оғзаки ижро орқали яшайди ва авлодлардан авлодларга мерос бўлиб қолади.

Албатта, афсун-дуолар учун оғзакилик етакчи белги экан, бевосита мана шу жараёнда, яъни оғзаки яратилиш ва ижро жараёнида афсунлар мазмунан ҳеч қандай ўзгаришларга учрамасалар-да бироқ матнда муайян шаклий ўзгаришлар, фарқланишлар рўй беради. Бу нарса халқ афсун-дуоларида ҳам маълум даражада вариантликни келтириб чиқаради. Биргина мисол.

Ўзбекларда уйқуга ётиш ва уй кудан соғ-омон туриш ҳам катта бахт саналади. Уйқунинг осуда ва яхши ўтиши, киши ҳордиғининг чиқариши унинг меҳнат фаолияти, соғлиги учун катта аҳамият касб этади. Мана шунинг учун ҳам халқ ўртасида уйқудан олдин айтилувчи афсун-дуолар яратилганки, аждодларимиз наздида уларни уйқу олдидан такрорлаш фақат фойда келтирган. Биргина уйқу олдидан айтилган афсун –дуоларнинг жуда кўп вариантлари мавжуд бўлиб, улар шаклан хилма-хил бўлсалар ҳам, бироқ мазмунан бир хилдирлар. Чунки уларнинг барчасида бир мақсал уйқунинг тинч ва фойдали кечиши истаги билдирилади. Қуйидаги афсун-дуоларни ўзаро қиёслаш фикримизнинг далили бўла олади.

**Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ётдим тинч, ёстиғим нотинч,
Беҳиштда бир туп чинор, барглари маржон
Мендан салом қурай шоҳли илонга.**

Уйқу олдидан айтиладиган афсун-дуолардан яна бири эса қуйидаги шаклдадир:

**Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ётдим ёталок, турдим туғалок,
Ётдим тинч, турай омон,
Ётдим, ё обло, турай, иншоолло,
Ётдим, ё обло, сақлагайсан, сен олло!**

Қуйидаги афсун-дуо ҳам фақат уйқудан олдин айтиладиган афсун-дуолар сирасига мансуб:

**Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ётдим, ё обло, тинч ухлай, иншоолло,
Ёстиғим тагида каломулло, дейман, астоғфурулло!
Беҳиштда бор бир туп чинор, барглари, гавҳар,
Ўзи тилло, мендан саломлар бўлсин икки шоҳли
Мўйловдор, ёлли илон подшога, куф-суф, куф-суф!**

Биргина уйқу олдидан айтиладиган афсун-дуоларнинг ўзи халқ ўртасида турли жойларда турлича шаклларда учрайди. Биз улардан асосан Андижон ва Фарғона вилоятларида кўпроқ учрайдиган учта намуна келтирдик, холос. Албатта, бундай ва бунга ўхшаш намуналар анча кўп. Уларнинг бу ўринда барчасини келтиришга ҳожат йўқ.

Юқоридаги намуналарни келтиришдан мақсад шуки, бир хил вазифа бажаришга йўналтирилган афсун-дуолар шаклан неча хил бўлишларидан қатъий назар улар мазмунан

бир вазифани ўташга йўналтирилганликларини кўрсатишдан иборат. Бошқача айтганда, афсун-дуолар ҳам фольклор асари сифатида оғзаки яратилади, оғзаки яшайди ва мана шу жараёнда вариантлашади, бу вариантлар шаклан ранг-баранг бўлсалар ҳам, бироқ бир хил вазифа бажарадилар.

Афсун-дуолар вариантлашуви қонуний ҳодиса экан, мавжуд вариантларни муайян туркумларга бирлаштириб турувчи нарсалар борки, улар афсун-дуолар мазмуни ва тузилишидаги бир хилликдан иборат. Агар уйқудан олдин айтиладиган афсун-дуолар мазмунига диққат қилинса, уларнинг барчасида тинч ухлаб, тинч уйғонишга интилиш кўзга ташланади. Мана шу умумий мазмуний йўналиш мазкур туркумга мансуб барча асарларни бирлаштириб туради.

Мазмундаги умумийлик эса ушбу афсун-дуолар асосидаги эътиқодий қарашларнинг қадимий ва яхлитлиги оқибатида юзага келган. Чунки қадимги аждодларимиз инсондаги барча физиологик ҳолатларга, жумладан, уйқуга ҳам алоҳида магик ҳодиса деб қараганлар. Дарҳақиқат, улар уйқуни ўлим билан тенг кўришган, яъни киши ухлаганда унинг руҳи танани тарк этиб, сайр қилиб чиқиб кетар эмиш. Ана шу руҳнинг ёмон зиёнлардан омон-эсон ўз эгасига қайтариш жуда маъсулиятли ҳисобланган. Кишиларнинг турли-туман тушлар кўриши ҳам танани тарк этган руҳларнинг саргузаштидан иборат деб қаралган. Бинобарин, ухлаб ётган кишини чўчитмаслик, беҳосдан уйғотмаслик лозим, деб қаралган. Чунки у кўрқитиб уйғотилса, тарк этган рух ўз маконини топа олмайди, натижада, киши ўз руҳидан ажралади ва ўлишга маҳкум бўлиб қолади деб қаралган. Шунинг учун ҳам уйқудан олдин уйқунинг тинч, осойишта ўтиши, соғ-омон уйғониш каби истаклар худодан илтижо қилинади.

Уйқу пайтида руҳнинг танани тарк этиши ҳақидаги қадимий эътиқодий қарашлар дунёдаги жуда кўп халқларда мавжуд. Таникли этнограф Фрезернинг кўрсатишича, инсон жони кичкина қушча ёки сичқон шаклида бўлиб, кетади. Мана шу пайтда у беҳосдан уйғотилса, жон қайтиб баданган кира олмайди уйқу пайтида қаттиқ кўрқитиб уйғотилган кишиларнинг ўлиб қолиши ҳам жоннинг ўз танасини топа олмай қолишидан бошқа нарса эмас. Агар ухлаб ётган кишининг юзлари бошқа ранга бўяб қўйилса ҳам, жон қайтишда уни танимай қолиши ва у ўлишга маҳкум бўлиб қолади. Кўп ҳолларда, ёнма-ён ухлаган кишиларнинг жони қайтишида адашиб, бир бирларининг танасига кириб қолиши мумкин, бошқа жон кирган тана янги жоннинг талаби билан ўз вазифасини, қудратини ўзгартиради¹⁶.

Уйқунинг физиологик хусусияти, жон ва унинг хатти-ҳаракати ҳақидаги эътиқодий қарашларнинг тарихан бир-хиллиги ёки яқинлиги уйқу олдида айтилувчи афсун-дуоларнинг ҳам деярли бир хил ёки бир-бирларига яқин мазмунда юзага келишларига замин бўлган. Чунки ўхшаш тасаввурлар ўхшаш афсунларни келтириб чиқаради.

Энди афсун-дуолар тузилиши (структураси)даги бир хиллик сабабларига келганда шуни айтиб ўтиш керакки, афсун-дуолар йўналтирилган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги қарашлар бир хиллиги уларнинг таркибидаги бир хилликни ҳам келтириб чиқаради.

Юқорида уйқунинг табиати ҳақидаги қадимий тасаввурларнинг жуда кўп халқларда бир хил эканлигини кўрдик. Мана шундай бир хил ҳодисаларга йўналтирилган афсун-дуолар ҳам бир хил тузилишда юзага келади. Масалан, келтирилган учта афсундан иккитаси-биринчиси ва учинчиси уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм худо-таолога илтижо ва тинч, осойишта уйқу тилаш, иккинчиси қандай тинч ухланган бўлса, шундай тинч уйғониш ва ниҳоят, учинчи қисмида кишининг руҳига таъсир кўрсатувчи қурай шохли илонга саломлар йўллаш мотиви мавжуд. Дарҳақиқат, Б.Саримсоқовнинг кўрсатишича, қадимги афсоналарда жаннат эшигини улкан шохли илон кўриқлаб ётар эмиш. Киши ухлашдан олдин афсун-дуо ўқиб, ана шу

¹⁶ Фрезер Дж. Золотая ветвь. Кн. Табу-запреты. М., 1928. с. 23-33.

илонга салом йўлланса, у дунёда унинг жаннатга кириши осон бўлар эмиш ва уйқуси тинч ўтар эмиш¹⁷.

Албатта, ушбу афсун ўз илдизлари билан қадимги маъжусийлик даврларида яратилган бўлса ҳам, бироқ у кейинчалик ислом дини таъсирига учраган. Бинобарин, кишиларнинг кундалик фаолияти, жумладан, уйқулари ҳам дўзах азобларини ўйлаб беҳаловат ўтган. Демак, жаннат дарвозасининг кўриқчиси улкан шохли илонга салом йўллаш ва унинг муҳаббатига сазовор бўлиш орқали жаннатга киришга замин ҳозирлаш кишига руҳий таскин бағишлайди ва унинг уйқуси тинч ўтишига ёрдам беради. Юқоридаги афсунларнинг тинч, осойишта уйқуга ёрдам беришидаги руҳий таъсир кўрсатиш воситаси худди мана шу деталдадир.

Иккинчи афсуннинг ҳам дастлабки икки қисми, яъни оллога илтижо қилиш, уйқунинг соғ-омон кечиши ҳақидаги истаклар қилинган қисмлари дастлабки вариантдан фарқланмайди. Аммо жаннат эшигини кўриқлаб ётувчи илонга салом йўллаш қисми тушириб қолдирилган.

Бизнингча, бу нарса афсун айтувчининг хотира қуввати, афсун матнини билиш ёки билмаслиги даражаси билан боғлиқдир. Аслида афсун-дуолар авлодлар оғзидан авлодларга жуда катта масъулият билан анъанавий ҳолда ўтказилади. Бунда афсунни ижро этиш ўрни, ҳолати, тарзи, вақти, айтилувчи матннинг сўзлари ва ҳоказолар жуда ҳам аниқлик билан, нозиклик билан ўргатилади. Чунки юқорида айтилган шартларга риоя қилмаслик ёки уларни бузиш афсунларнинг таъсир кучини уларнинг кўрсатадиган фойдасини пасайтиради.

Иккинчи вариантдаги афсун матнидаги бир қисмнинг тушириб қолдирилиши эса афсун айтувчининг масъулиятсизлик билан матнга ёндошганлигидан далолат беради. Шунга қарамай иккинчи вариант ҳам ўз йўналиши ва мазмуни билан қолган икки вариантга ўхшаб кетади. Халқнинг у ёки бу нарса, ҳодисаларга бўлган қарашларидаги бир хиллик, уларга қарата йўналтирилган афсун-дуоларда ҳам бир хилликларни келтириб чиқаради.

Бу афсун-дуолардаги бир хилликни келтириб чиқарувчи жиҳат бўлса, иккинчи жиҳат шундан иборатки, афсун-дуоларнинг магик қудратига ишонч, бу магик олдида кўркиш ҳар бир афсуннинг барқарор анъанавий шаклда тарқалишига сабаб бўлади. Натижада, барқарор анъана барқарор матн ва структурага эга бўлган афсун-дуоларни келтириб чиқаради. Хуллас, бир хил анъанавий таркиб ва бир хил мазмунга эга бўлиш халқ афсун-дуоларига хос бўлган жанрий аломатлардан бири ҳисобланишига арзигулик фактдир.

Халқ афсун-дуоларининг тарихийлик принциплари ҳам алоҳидалик касб этади. Бироқ, ўзбек фольклоршунослигида афсун-дуоларнинг тарихийликка муносабати масаласи ҳозирга қадар махсус ўрганилмаган. Бинобарин, бизнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларимиз афсун-дуолар тарихийлиги масаласини ўрганишда дастлабки кадам, дастлабки тажриба ҳисобланади.

Маълумки, фольклоршуносликда, тарихийлик принциплари атамаси у ёки бу жанрнинг яратилиш тарихи, унда воқеликнинг акс этиш тарзи ва ушбу жанрнинг тарихий тараққиёти ҳамда қисмати каби маъноларини ўзида мужассамлайди. Биз ҳам атаманинг зикр қилинган маънолари нуктаи назаридан ўзбек халқ афсун-дуоларига ёндошамиз.

Афсун-дуолар вужудга келиш ҳамда яратилиш давридаги тарихий шароит ва кишилар онгининг даражаси жиҳатидан ибтидоий жамоа тузуми босқичига бориб тақалади. Чунки ибтидоий инсон наздида сўз ва ҳаракат бир хил кучга эга бўлган моддий нарса сифатида тасаввур этилган. Афсун-дуоларда иштирок этувчи сўз ва ҳаракатга моддий нарса сифатида мурожаат этиш уларнинг генетик асослари жуда узоқ ўтмишга, аниқроғи, ибтидоий жамоа тузумига бориб тақалишини кўрсатади.

¹⁷ Саримсоков Б.И. Узбекский обрядовый фольклор, его жанровый состав, генезис и поэтика. Диссертация. . .Ташкент, 1987.-С. 231.

Ушбу фикр нафақат ўзбек халқ афсун-дуолари учун, балки дунёдаги барча халқлар афсун-дуолари учун ҳам тааллуқлидир. Чунки сўз ва ҳаракатнинг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг бир-бирларига ўтиши кишилиқнинг «бахтли болалиги» даврларига хос хусусият эканлиги жуда кўп таниқли олимлар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилган¹⁸. Бу ҳақда таниқли этнограф Н.Крушевский қуйидагиларни ёзганида тўла ҳақ эди: «Ибтидоий инсон тушунчасида сўз ва ҳаракат ўртасида ҳеч қандай айирма йўқ, унинг учун бошқа нарсалар қай даражада моддий бўлса, афсундаги сўз ҳам шу даражада моддийлик касб этади»¹⁹.

Юқоридаги қайдлардан шу нарса маълум бўлдики, афсун-дуоларнинг дастлабки вужудга келиш даври ибтидоий жамоа тузуми бўлиб, бевосита ана шу вақтларда инсон ўзини табиатнинг бир парчаси сифатида, табиатни эа ўзининг мавжудлиги сифатида тасаввур қилган, ҳар бир нарсага, қисмга у ўзидаги каби жони руҳи бордек муносабатда бўлган.

Афсун-дуолар мазмунидаги бундай ибтидоий муносабат кейинчалик башарият бошидан кечирган турли-туман ўзгаришлар таъсирига озми-кўпми берилган ҳолда ўзининг етакчи ибтидоий мазмунини асосан сақлаб қолди. Шунинг учун ҳам муайян афсун-дуо матнига мурожаат қилинганда уларда қадимий руҳлар ҳақидаги анимистик, аждодлар ҳақидаги тотамистик, ғайритабиий илоҳийлаштириш каби фетешистик тасаввурлар барқарор сақланиб қолганлигини кўрамиз. Бу табиий, албатта. Чунки бундай тарихий қадимиятсиз афсун-дуоларнинг ўзи ҳам, уларнинг келтирадиган фойда ва зиёнлари ҳақидаги тасаввурлар ҳам йўқ. Бу нарса шундан далолат берадики, афсун-дуоларнинг тарихийлик принциплари узок ўтмишга хос тасаввурларга таянган ҳолда исталган даврларда кишиларга табиатга таъсир кўрсатиш қудрати мавжудлигини намойиш этишга асосланади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир шахс афсун-дуога мурожаат этар экан, унинг кўрсатажак таъсирига тўла ишонади. Бордию, у афсун-дуолар қудратига ишонмас экан, у ҳолда афсун-дуолар ҳам, уларнинг сеҳр-жоду қудрати ҳақидаги тасаввурлар ҳам ўз-ўзидан йўққа чиқади.

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жуда катта қисми кейинги даврларда илм-фан, техника тараққиёти таъсирида ўз аҳамиятини йўқотди ва унутилди. Уларнинг асосан кексалар хотирасида сақланиб қолишлигини сабаблари ҳам шунда.

Афсун-дуоларнинг жуда ҳам қадимда яратилганлигини тасдиқловчи факторлардан бири уларда сўз ва у ифодалаган нарса ўртасидаги боғланишнинг характери ҳисобланади. Қадимги инсон нарса ва уни ифодаловчи сўз ўртасида яқинлик кўрган. Бошқача айтганда, сўзда нарсани, нарсада эса сўзнинг ўзини қурган. Шунинг учун ҳам бирор нарсанинг номини айтишдан кўрқиб, уни бошқача номлар билан атаган. Чунки нарсанинг номи унинг ўзини чақирган ва чақирилган нарса кишига зиён етказди, деб тасаввур қилинган. Халқ ўртасида «чаён» дейиш ўрнига «сарик эшак», «илон» дейиш ўрнига «хунук нарса» дейиш каби таъқиқлар бевосита ана шундай қарашлар билан боғлиқдир. Халқ афсун-дуоларида бундай таъқиқ ва ўзгача номлашлар муайян даражада сақланиб қолган. Масалан, ари чакқанда ўқиладиган қуйидаги афсун-дуода ана шундай табуация излари мавжуд. «Зард ҳасти залил, фанг ҳасти хумор, миён баста ҳалол замбур, мо бадахан мегазем, ту бакунат магази, куф-суф, чиқ, чиқ!»

Келтирилган мисолдаги биринчи гапда «ари» дейиш ўрнига «зард ҳасти залил» деб унинг ранги ва захарли эканлигига ишора қилинган. Иккинчи гапда эса ари «замбур» деб айтилмоқда, аммо у ўзбеклар учун тушунарли бўлмаган тожик тилида ифодаланган, кейин унинг бели қисиклигига ишора қилинган. Учинчи ва тўртинчи гапларда эса арига хос орқаси билан найза санчиш хусусияти ҳақида сўз юритилган. Демак, афсун-дуолардаги сўз ва у ифодалаган нарса билан узвий боғлиқлик тушунчаси ибтидоий кишилар тафаккури, онги ва дунёқараши билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

¹⁸ Буслаев Ф.И. О народной поэзии и древней русской литературе // Исторические очерки русской народной словесности и искусстве СПб, 1861, Т-2,-С.31-32; Афанасьев А.Н. Поэтические воззрения славян на природу-И.1.- М., 1865,-С. 43-44.

¹⁹ Крушевский Н. Заговоры как вид русской народной поэзии. Варшава, 1876,-С.37.

Бундай қарашлар эса ўз моҳиятини сақлагани ҳолда ҳозирга қадар етиб келганки, айрим кекса кишилар ўртасида «жин, алвасти, бўри, илон, қорақурт, ўғри» каби номларни келтиришга монелик қилиш истаги узок ўтмишдаги аждодларимиз дунёқарашининг таъсири сифатида сақланиб қолган.

Айтилганлардан келиб чиқадиган асосий ҳулоса шуки, қадимги анимистик, тотемистик тасаввурлар таъсирида вужудга келган афсун-дуолар ўз тарихий тараққиётининг барча босқичларида ўзларининг дастлабки эътиқодий тасаввурларини барқарор сақлаб қоладилар. Бундай тасаввурларнинг сўниши эса афсун-дуоларнинг ҳам кадрсизланиши ва унутилишига олиб келади.

Афсун-дуоларнинг тарихийлик принциплари ўта турғун ва мустаҳкам эканлигини таъминлаган. Даврлар ўтиши туфайли уларнинг таркибига янги тарихий даврларга хос унсурларнинг киритилиши эса қадимги афсун-дуолар таркибида янги даврларга хос қатламларнинг вужудга келишига тўсиқ бўла олмайди. Дарҳақиқат, ибтидоий жамоа даврида яратилган айрим афсунлар таркибида Сулаймон, Муҳаммад пайғамбар каби улуғ зотлар номларининг кириб қолиши, бевосита уларнинг номларини келтириш орқали афсун-дуо кўрсатадиган таъсирининг кучини ошириш талабидан келиб чиққандир.

Қорақурт чакқанда ўқиладиган афсун-дуолар таркибида жамики ҳайвонот, ҳашорат ва паррандаларнинг тилини биладиган, уларни ўз ҳукмига бўйсундириб олган Сулаймон пайғамбар номининг келтирилиши фикримизнинг ёрқин далилидир:

**Баҳаққи Сулаймон дами билан,
Худонинг амри билан,
Яратганнинг қудрати билан
Куф-суф, чик! Куф-суф чик!**

Кўришиб турибдики, қадимги афсун матни, унинг мазмуни ислом дини таъсирида бойиган. Бундай бойиш эса ўзбек халқ афсун-дуолари матнида алоҳида қатламларни ташкил этади. Улар афсун-дуоларнинг мазмунига, уларнинг сеҳр-жоду қудратига салбий таъсир кўрсатмай, аксинча, уларнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Афсун-дуоларнинг тарихийлиги масаласи уларнинг тарихий тақдири масаласини ҳам ўз ичига олади. Шу жиҳатдан ўзбек халқ афсун-дуоларига мурожаат қилинса, ҳали улар халқ ўртасида жуда узок даврлар яшайди, деб ўйлаймиз. Чунки халқ ўртасида сўз ва бир хилда такрорланувчи хатти-ҳаракат магиясига, шунингдек, бироз таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган нарсаларнинг қудратига ишонч руҳи ҳали ҳам кучли. Демак, халқ афсун-дуолари ҳали яшайди. Уларнинг яшаш даврининг охириги чегараси эса юқорида айтилган сўз, ҳаракат ва айрим нарсалар табиатидаги магия ҳақидаги тасаввурларнинг сўниш даври билан белгиланади.

Афсун-дуоларнинг жанр хусусиятлари уларнинг ўзига хос тарзда қўлланилиши ва ижро ўрни мавжудлигида ҳам намоён бўлади. Чунки кўпгина фольклоршуносларнинг яқдиллик билан эътироф этишларича, ёзма адабиёт жанрларидан фарқли ўларок фольклор жанрларининг турмушда ўз қўлланилиш ўрни бор. Масалан, кинна матнини уйқудан олдин ўқиладиган афсун-дуо ўрнида ишлатиб бўлмаганидек, чаён чакқанда, кўз оғриганда ўқиладиган афсун-дуони ўқиб бўлмайди. Мана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ягона тасвир ёки ифода принципи, ягона поэтик хусусият, ягона қўлланилиш ўрни ва ягона вазифа бажариш халқ афсун-дуоларини фольклор жанрлари деб ҳисоблашга тўла ҳуқуқ беради.

Хуллас, халқ афсун-дуолари кишиларга ночор ҳолларда ёрдам бериши ёки, аксинча, кишиларга зиён етказиш мақсадида қўлланиладиган фольклорнинг мустақил жанрлар туркуми ҳисобланади.

ЎЗБЕК АФСУН-ДУОЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Яқин пайтларга қадар ўзбек афсун-дуолари, уларнинг ижтимоий-маиший ҳаётда тутган ўрни, вужудга келишлари, ижтимоий вазифалари, образлар тизими, поэтик табиати жиддий ўрганилмай келинди. Чунки халқ афсун-дуоларига диний фольклор тамғаси босилиб, илмий жиҳатдан ўрганишга арзимайдиган нарса сифатида четга суриб қўйилган эди.

XX асрининг 80-йилларига келиб афсун-дуоларга илк бор илмий қизиқиш фольклоршунос Б.Саримсоқов томонидан билдирилди. Унинг «Ўзбек маросим

фольклорининг жанрлар состави, генезиси ва поэтикаси» номли докторлик диссертациясида халқ афсун-дуоларига кичик бир бўлим ажратилди¹.

Тоталитар тузум ҳукм сурган, динга, халқ ижоди ва миллий мароисларга муносабат жиддий тўсиқларга, қаршиликларга учраб турган бир пайтда, афсун-дуолар «диний фольклор» ҳисобланган бир шароитда халқ афсун-дуоларига тўхталиш, уларни илк бор илмий истифодага киритиш, унинг айрим жанрлари ҳақида фикр билдиришнинг ўзи катта илмий жасорат эди. Шу боис ҳам унинг халқ афсун-дуолари ҳақидаги изланишлари «Ўзбек маросим фольклори» деб аталган фундаментал монографиясига киритилмаган эди². Бу нарсада тадқиқотчи эмас, балки тузум, шу тузумнинг «лаббай» деб ижрочиси бўлиб турган матбаамиз ва маълум маънода илмий муҳитимиз айбдор эди.

Мана эндиликда республикаимиз мустақилликка эришган эркин давлат ҳуқуқини олди. Энди ҳар бир тадқиқотчи миллий кадриятларимизнинг барча-барчасини тўплаш, чоп этиш ва илмий жиҳатдан ўрганиш ҳуқуқини қўлга олди. Натижада /арб маданиятига сажда қилиш оқибатида аста-секин унитилаётган афсун-дуоларни ўрганиш, уларнинг ижтимоий-руҳий санъат намунаси сифатидаги кадр-қимматини ёритиш имконияти вужудга келди. Шу боис ҳам биз монографиямизнинг ушбу бобида халқ афсун-дуоларининг таснифи, уларнинг у ёки бу намуналарига хос хусусиятлар ҳақида мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Халқ афсун-дуолари нисбатан оз ёзиб олинганлиги, тўпланган мавжуд намуналари ҳам муайян даражада ўзгаришларга, сохталаштиришларга учраганлиги, қолаверса, бу борада илмий тадқиқотларнинг ниҳоятда озлиги туфайли ўзбек фольклорининг мазкур турига мансуб материал жиддий тасниф этилмаган. Шунга қарамай, тўпланган материал ўзбек халқ афсун-дуоларининг тарихий асосларини ёритишга, уларнинг мазмун ва моҳиятни, поэтик табиати ва вазифаларини имкон доирасида ўрганиш ҳамда айрим тўхтамларга келишга имкон беради. Бошқача айтганда, ўз тадқиқотимизга жалб этилаётган фольклор асарлари ўзбек халқ афсун-дуоларининг XIX ва XX асрнинг биринчи ярмидаги ҳолати, кўринишлари ва вазифалари ҳақида маълум бир тасаввурларга келишга имкон беради.

Халқ афсун-дуоларини ўрганишнинг қатор ўзига хос сабаблари мавжуд. Улардан энг асосийлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳали соф илмий медицина вужудга келмаган бир пайтда кишилар турли хилдаги касалликлардан, тасодифий фалокатлар (илон, қорақурт, чаён чақиши) кабилардан қандай воситалар асосида қутулганлар? Афсун-дуоларнинг семантик табиатини, қўлланиш усуллари ва вазифаларини ўрганиш ана шу айтилганларга жавоб топишга имкон беради.

Иккинчидан, даврлар ўтиши, фан техника тараққиёти халқнинг маиший ҳаётини, унинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. Бинобарин, узоқ аждодларимизнинг эътиқодий қарашларини, удум-гутумларини, қадимий айтимларини, афсун-дуоларини тўплаш ва илмий асосда ўрганиш ана шу нарсаларни бутунлай унутилиб, йўқолиб кетишидан сақлаб қолади. Демак, халқ афсун-дуоларини илмий тадқиқотимиз доирасига киритишдан мақсад уларнинг табиатини ўрганиш ва улардан бугунги турмушимизда истифода этишга йўл очиб беришдан иборат.

Ўзбек халқ афсун-дуоларидаги дунёқараш ва бадиийлик ҳақида фикр юритганда, даставвал уларнинг қўлланилиш ўрни, шарт-шароитини ва вазифаларини ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки афсун-дуолар узоқ тарихий даврларни босиб ўтиб, ўзларида турли даврларга хос қатламлар ҳосил қилганлар сезиларли из қолдирган. Умуман, ўзбек халқ афсун-дуоларини мукамал тадқиқ қилиш, энг аввало, уларни изчил илмий тасниф этишдан бошланади. Чунки, бундай тасниф ҳозирга қадар амалга оширилмаган. Проф.Б.Саримсоқовнинг юқорида зикр қилинган докторлик диссертациясида эса фақат

¹ Б.Саримсоқов Узбекский обрядовый фольклор, его жанровый состав генезис и поэтики. АДЦ, Ташкент, 1987,-С.26-29.

² Саримсоқов Б.И. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, «Фан», 1986.

маросим билан алоқадор афсун-дуолар ҳақида жуда қисқа тўхталинган. Мана шу ҳолатни ҳисобга олиб халқ афсун-дуоларини қуйидагича тасниф этишни лозим топдик.

Турли хасталикларда айтиладиган афсун-дуолар. Улар тарихий асослари ҳамда тили жиҳатидан икки хилдир: А) диний афсун-дуолар. Бу хилдаги афсун-дуолар халқ орасида кенг тарқалган бўлса ҳам, бироқ улар тарихан халқ афсун-дуоларидан фарқланиб турадилар. Диний афсун-дуолар «Қуръон» ва бошқа муқаддас манбаалардан олинган бўлиб, асосан ўқимишли кишилар-муллалар, эшон ва отинбибилар томонидан ўқилган. Биз халқ афсунларининг у ёки бу тури ҳақида сўз юритганимизда имкон доирасида диний афсун-дуолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиз. Бундай йўл тутиш халқ афсун-дуоларини диний дуолар билан мазмуний ҳамда бошқа жиҳатлардан ўзаро қиёслашга имкон беради;

Б) соф халқона афсун-дуолар. Булар ўз илдизлари жиҳатидан халқнинг руҳлар, дастлабки аждодлар ҳақидаги эътиқодий қарашлари билан алоқадорликда вужудга келганлар. Аммо кейинчалик, бир томондан, узоқ даврлар мобайнида турли диний тасаввурлар тазйиқи остида, иккинчи томондан, етмиш йилдан ортиқроқ давом этган коммунистик ғоя-худосизлик ғояси таъсирида халқ афсун-дуоларининг каттагина қисми истифода этилмай аста-секин унутила бошланди. Бу хилдаги афсун-дуолар илмий адабиётларда «шомон фольклори», «шомон айтимлари» ҳам деб юриталиди³.

Шомонликнинг фалсафий асосларини Д.Банзаров қуйидагича белгилайди:

1. Инсон табиат таъсири остида яшайди ва ҳаракат қилади.
2. Инсон ўлгач, унинг руҳи ўлмайди ва абадий яшайди⁴.

Шомонимизда табиат дейилганда қуёш, ой, юлдузлар, уларнинг инсонга, жонли мавжудотга кўрсатадиган таъсири тушуниланган. Мана шунинг учун ҳам турли бало-қазолардан, хасталиклардан нажот қидирганда ана шу сайёралардан мадад тиланган. Бунинг учун улар шомон қиёфасидаги тирик инсонга ва руҳларга сиғинганлар. Чунки шомон руҳлар олами ва инсонлар ўртасидаги алоқани таъминловчи ғайри табиий кучга эга бўлган шахслар ҳисобланганлар.

Шомонликда қуёш, ой, осмонни ва осмондаги сайёраларни ўзига ҳукмрон деб билиб уларнинг таъсирига сиғинишади. Бу таъсир эса инсон туғилган кундан ўлимига қадар давом этади, деб қаралган.

Инсон ўлгач, ундаги руҳ эса тирик қолади. Марҳумнинг у дунёдаги, яъни руҳлар оламидаги ҳолати, шароити унга бу дунёда қилинган маросимларнинг қандай ўтказилишига боғлиқ бўлади. Агар марҳумга тез-тез яхши маросимлар ўтказилиб турилса, унинг арвоҳлари тинч бўлиб, ўлганнинг қариндош-уруғларига зиён етказмас эмиш. Агар унинг руҳига ис чиқарилмаса, арвоҳ нотинч бўлиши, ҳатто тирикларга зиён етказиши мумкин эмиш.

Шомонликда ислом, христиан ва бошқа динлардагидек гуноҳ деган тушунча йўқ, унга руҳлар томонидан етказиладиган зарар зиён-захматлар гуноҳ деган тушунча ўрнида тушуниланган. Масалан, киши қаллоблик ёки бирор бошқа ёмонлик қилса, унинг уй-жойига ўт кетиши, ҳайвонлари қирилиб кетиши, оила аъзолари хасталаниши мумкин ёки у муқаддас деб билинган ўт(олов)ни тепкиласа, касалланиши мумкин. Бундай бахтсизликлардан эса фақат шомонлар холос этиш қудратига эга бўлганлар.

Шомон-истеъдодли сеҳргар, ўзгалардан юқори турувчи билимдон, мусиқачи, шоир, ҳомий ва табиб. Туркий халқларда шомон “бахши”, “кушноч” деб юритилади.

³ Дьяконова В.П.Тувинские шаманы и их социальное роль в обществе. //Проблемы истории общественного сознания абригеннов Сибири. Л., «Науки», 1981,-С.129-164; Троицкая А.Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди населения Туркестана.//Бюллетень САГУ», Вып. Ю, Ташкент, 1925.-С. 145-155; Банзаров Д. Черная вера или шаманство у монголов, СПб., 1846; Пантусов Н. Таранчинские бакши//Изв.Туркестанск.отд.РГО. Вып.ГУ, 1907; Кастанье И. Из области киргизских верований//Вестник Оренбургского учебного округа. 1912; Сухарев О.А.К вопросу о генезисе профессиональных культов у таджиков и узбеков.//Памяти М.С АндрееваТруда Инст-та истории, археологии и этнографии АН Тадж ССР, т-120, 1980; Муродов О, Древние образы мифологии у таджиков долины Зерефшана. Душанбе, 1979, Мурадов О. Некоторые фольклорные жанры; связанные с древними верованиями таджиков.//Фольклор и этнография, Л., 1977,- С.82-96; Саримсо=ов Б. Узбек маросим фольклори. Тошкент, 1986 ва бош=алар.

⁴ Банзаров Д. Черная вера или шаманство у монголов. –СПБ.,1846.

Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда ислом дини қабул қилинган, қадимги шомонликнинг муқаддас культлари ўрнини аста-секин исломнинг азиз анбиё ва авлиёлари культлари эгаллаб олди. Шунинг учун ҳам бахшилар ўтказиладиган даволаш маросимларида ана шу анбиё ва авлиёларга, шунингдек, у ёки бу соҳанинг пир(патрон)ларига мурожаат этилади, улардан мадад тиланади.

Ўрта Осиё бахшилари парихон ва кинначилари ана шу қадимги шомонларнинг қолдиқларидан иборат бўлиб, улар мавжуд руҳларни яхши (раҳмоний) ва ёмон (шайтоний)каби турларга бўлганлар⁵.

Раҳмоний руҳлар кишиларга ғамхўрлик қилиб, уларни ёмон руҳлардан, зиён-заҳматлардан ҳимоя қилишади, деб тасаввур қилганлар. Шунинг учун ҳам бахшилар у ёки бу беморни даволашда азиз авлиёлар ва муқаддас руҳларга мурожаат қилишиб, улардан мадад тилаганлар.

Бахшилар фаолиятида учта нарса жуда ҳам сеҳрли, ғайритабиий қудратга эга деб қаралган. Бири-сўз, яъни афсун-дуолар. Иккинчиси-ўт ва унинг покловчилик хусусияти. Учинчиси-айлана (доира)жодуси. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек, бахшиларида ана шу уч нарса муайян даражада иштирок этади ва уларга муқаддас нарса сифатида қаралади.

Ўзбекларда илгари бирор шахс касал бўлиб қолса, унинг касаллиги ёмон руҳларнинг зарари деб қаралган ва даволаш учун бахшилар чақиртирилган ёки уларнинг ҳузурига бемор олиб борилган. Бахшилар бемор танасига жойлашиб олган зиён-заҳматни қувиш учун махсус айтимларни айтиб, маълум хатти-ҳаракатларни бажарганлар.

Европаликлар тилида бахшининг беморни даволаш жараёни «сеанс» деб юритилган бўлса, ўзбекларда «ўйин» деб аталган. Бу ўйинлар турли жондорларнинг қони воситасида ўтказилган. Чунки, қадимги ота-боболаримиз тасаввурида қон энг муқаддас ҳисобланган. Қон кишилар ўртасидаги низо ва қирғинларнинг сабабчиси бўлиши билан бирга улар ўртасидаги дўстлик, яқинлик ва аҳилликнинг ҳам сабабчиси бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам қадимда ва ҳаттоки ҳозир ҳам кишилар ўз гуноҳларини, айбларини қон билан ювганлар (юмшатганлар), бирор қотиллик учун қон билан қасд олганлар.

Бемор танасидаги ёмон руҳни қувишда турли жондорларнинг қонларидан фойдаланилган. Масалан, товук, улоқ (эчки боласи), каптар, қўй ва қушхона қони. Айтилган жондорларнинг қони кўрсатадиган таъсир кучига қараб бахшиларнинг ўйинлари бир неча марта такрорланиши мумкин. Бу ўйинлар эса қуйидагича ўтказилади.

Бир беморни ўйнаш учун тўрт нарса олинади, қалампир, кашнич, қон, мурч. Улар аралаштирилиб, касалнинг оғриган жойига суркалади. Бемордан тер чиққач, ана шу нарса унинг оёғига қўйилади.

Агар бахшининг ўйини эчки орқали ўтказиладиган бўлса, сўйилган эчкининг терисига бемор ўралади. Демак, қайси жондор қони орқали беморнинг ўйналишига қараб бахшининг ўйини (сеанси)бир неча ҳалқа, товук қонидан беш ҳалқа, улоқ қонидан ўн бир ҳалқа ва ҳ.к. Булар ичида энг оғир қон қушхона (қассобхона) қони ҳисобланади. Агар беморни даволашда қушхона қонидан фойдаланиладиган бўлса, етти ҳалқа ўйналиши зарур.

Агар бемор дев, парига йўлиққан бўлса, ҳаром нарсадан қон берилади. Масалан, итнинг қулоқларидан олинган қонга етти ҳалқа, қора мушук қонидан ўн уч ҳалқа. Чунки қора мушукда дев париси бўлади ва бу нарса унинг кўзларидан билиниб туради. Мана шунинг учун ҳам қора мушук қони энг кучли қон ҳисобланади. Агар сўйилган ҳайвон қўй ёки катта эчки бўлса, бемор тўққиз ҳалқа ўйналади.

Бахшининг ўйинлари пайтида асосий қуроли доираси ҳисобланади. Бахши доира воситасида лашкар (зиён-заҳмат)ни қувади ва ўзини ҳам улардан ҳимоя қилади. Ўйин олдидан чилдирма (доира)га лашкар яқинлаша олмаслиги учун унинг ичи ва тешиги

⁵ Троицкая А.Л.Лечение больных изгнанием злых духов /кучурук/ у оседлого население Туркестане.//Бюллетень САГУ.Вып. 10. Ташкент, 1925.-С. 145-146.

сўйилган жондор қонидан суркаб қўйилади. Бу қон эса қувилаётган ёмон руҳлардан ҳимоя воситаси саналади. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бахши доирани яхши чала билиши ҳам лозим. Чунки ўйин неча халқадан иборат бўлишига қараб доира ҳам шунча хил чалиниши лозим.

Ўзбек бахшилари қушноч ҳам деб юритилади. Биз ҳам “бахши” атамасининг халқ ўртасида кўпроқ дoston куйловчи маъносида қўлланилишини назарда тутиб, қуйида қушноч атамасини қўлладик. Қушночлар ўзларининг ҳомий руҳлари ёрдамида бемор танасидан ёмон руҳларни (бу руҳлар «зиён-заҳмат» деб юритилади) кувади. Беморни даволаш ўйин (сеанс)даврида қушночлар энг аввало сўз магияси (сеҳр-жодуси)га таянсалар, иккинчи навбатда турли нарсаларга ҳам мурожаат этадилар.

Бу нарсалардан энг муҳими ўт(олов)бўлиб, ўт қадимги оташпарастлардан қолган магик восита саналади. Оташпарастлик тасаввурларига кўра, ўт покловчилик хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам чорвачилик билан тирикчилик қилган уруғ ва қабилалар баҳорда ўз йилқи ёки сурувларини яйловга ҳайдаш ёки уларни отарларга қайтаришда ўт орасидан олиб ўтганлар. Уларнинг тасаввурларига кўра, ўт орасидан олиб ўтилган ҳайвонлар зиён-заҳматдан фориғ бўлганлар, кўзи бор кишиларнинг суқ-ҳасадларидан тозаланганлар. Мана шунинг учун ҳам ўзбеклар ўртасида ўт билан алас-алас қилиш анъанаси яқин вақтларгача сақланиб келди.

Алас-алас қилишда қушноч бир тоғора сув олади, бир таёкнинг учига етти хил рангдаги янги мото парчалари боғланиб, мойга ботирилиб олинади. Тайёр бўлган нарсадан машъала ёкилиб, беморнинг бошидан уч марта ўнг томонга, уч марта чап томонга, яна уч марта ўнг томонга жаъми тўққиз марта айлантиради. Сўнг ёқилган машъала тоғорадаги сувга ботирилади, бемор тоғорадаги сув устидан уч марта ҳатлайди. Баъзи қушночлар ўйин бошланишидан олдин тоғорадаги сувга танга ҳам ташлаб қўядилар. Ўйин охирида тангалар сувдан олиниб, кўчага ташланади. Уларнинг тасаввурига кўра, бемор танадаги зиён-заҳматлар ана шу тангаларга ўтади ва бемор улардан қутилади.

Қушноч алас-алас қилаётган пайтда махсус афсунлар айтади. Бу айтимлар махсус бошламалардан сўнг айтилган. Бошламаларда эса у худо ва пайғамбарларга, турли пир авлиёларга мурожаат қилиб, улардан кўмак сўрайди. Ҳозир бу бошламалар сақланиб қолмаган. Бироқ асримиз бошида Шарқий Туркистон халқларини ўрганиш учун келган рус шарқшунослари, этнографлари томонидан ана шундай айтимлар бошламаси ёзиб олинган. Ана шундай материаллардан бири Н.Пантусов эълон қилган бошлама бўлиб, унда қушночлар ўйинларида айтилган афсунлар бошламаси нисбатан тўлиқроқ сақланиб қолган. Мана унинг намунаси:

**Иш бошладим, бисмилло,
Ишни боши бисмилло.
Имон боши бисмилло,
Алҳамд боши бисмилло,
Ёсин боши бисмилло,
Қуръон боши бисмилло.
Ёсинларнинг дамидан,
Қуръонларнинг зўридан,
Бир талабим худодан,
Бир талабим пирлардан,
Ё олло, ё олло, ё олло.
Одам фарзандларига
Асир қилган лашкарлар,
Уч юз олтмиш олти томирдин
Офат урган лашкарлар.
Одам ўғли-қизига**

Нуксон қилган лашкарлар
 Уйга кирсам, бисмилло,
 Уйдан чиқсам, бисмилло,
 Йўлга кирсам, бисмилло,
 Йўлдан чиқсам, бисмилло,
 Сувга кирсам, бисмилло,
 Сувдан чиқсам, бисмилло,
 Бисмиллонинг нуридан,
 Ижобат қил, худойим
 Олло-олло, субҳон олло,
 Одамларга пир бўлган
 Ҳазрат Одам отадур,
 Дехқонларга пир бўлган,
 Ҳазрат Хизр отадур.
 Дехқонларга пир бўлган,
 Ҳазрат Хизр отадур.
 Жувозчига пир бўлган
 Ҳазрат Равшан отадур.
 Яғоччига пир бўлган
 Ҳазрати Нух отадур.
 Кийгизчига пир бўлган
 Ҳазрат Донёл отадур.
 Темирчига пир бўлган
 Ҳазрат Давуд отадур.
 Тевачига пир бўлган
 Ҳазрат Вайсилқародир.
 Қора молга пир бўлган,
 Ҳазрат Занги бободур
 Паҳлавонларга пир бўлган
 Аҳмад Жамшид отадур.
 Музадўзга пир бўлган
 Ҳазрат Солиҳ отадур,
 Бўзчиларга пир бўлган,
 Ҳазрати Шиш отадур.
 Томчиларга пир бўлган,
 Ҳазрати Иброҳим пайғамбар.
 Танурчига пир бўлган
 Ҳазрати Малик отадур.
 Бир талабим худодан,
 Бир талабим пирлардан.
 Худо ҳаққи тиларман,
 Пирлар ҳаққи тиларман,
 Ҳазрати Аюб ҳаққи тиларман,
 Ҳазрати Юсуф тиларман,
 Ҳазрати Яъқуб тиларман,
 Оятилкурси ҳаққи тиларман,
 Мундоғ қотиғ касалга,
 Шифо берган, худойим,
 Олло-олло, субҳон олло⁷.

⁷ Пантусов Н. Таранчинские бахши. Пери ыйнатмо=. Тошкент 1907.

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, кушноч бемор баданига жойлашиб олган зиён-заҳмат билан курашга киришар экан, энг аввало яратувчи тангрига, кейин анбиё ва авлиёларга, турли касб-ҳунарларнинг пир(патрон)ларига мурожаат қилиб, улардан мадад тилайди. Мана шу мурожаат пайтида у машғалани бемор боши узра айлантриб туради.

**Алас-алас, пок қилгин,
Алас-алас, пок қилгин.
Зиёнлардан холос эт,
Заҳматлардан холос эт.
Алас-алас, алас-алас,
Қон тиласанг қон берайин,
Жон тиласанг жон берайин,
Бу бечорани қўй тегма.
Бу бечорадан кет, тегма!
Алас-алас, алас-алас.**

Алас-алас қилиш пайтида айтилган асосий матн юқоридагидек бўлиб, у кушноч ўйинларининг мазмунини ойдинлаштиради. Бу мазмун эса бемор танасидан ёмон руҳларни қувиш ва уни соғайтиришга даъват этишдан иборат. Албатта, ўтмишда алас-алас маросими пайтида ижро этилган мателар ранг-баранг бўлган бўлиши лозим. Аммо бизга қадар улар тўла ва ўз шукуҳида етиб келмаган.

Ўзбекларда кушночлар ёмон руҳлардан зиён кўрган беморларни асосан кўчирик қилиш орқали даволашган. Номланишидан ҳам кўриниб турибдики, кушноч ўзининг ҳомий руҳлари ёрдамида бемор танасидан ёмон руҳларни “кўчирик” деб қувади. Кўчирик билан даволовчи қўшночлар ҳам ҳар хил бўлишади. Масалан, таниқли этнограф А.Л.Троицкаянинг маълумотларига кўра, Самарқанд шаҳрида уларнинг икки типи мавжуд бўлган. Бири ўз парилари ёрдамида йўқолган нарсаларни топишга, ўғриларни тутиб беришга ёрдам берган. Улар катта дастурхон ёзишиб, унинг ўртасига кун ботарга қарата катта ойнани ўрнатишган, ўзлари ойна қаршисида ўтириб, ойнага қараб, париларга мурожаат этишиб, йўқолган нарса ёки ўғрилар ҳақида хабар беришган⁸.

Иккинчиси-парилар ёрдамида, ёки яхши руҳлар кўмагида беморлар танасидан – зиён-заҳматни қувиб кўчирик қилувчи қўшночлар. Улар кўпроқ беморни бирор жондор сўйиб қонидан унинг юзига суртишиб, жондорнинг терисига ўзини ўрашиб, гаврон билан уришиб, кўчирик қилишган. Агар беморга зиён-заҳмат кўпроқ ўрнашган бўлса, қора жондор, сал озроқ бўлса-қизил, жуда ҳам оз бўлса оқ жондор сўйиш лозимлигини қўшночлар белгилаб беришган. Мабодо, бемор иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда бўлса, жондор товук ёки қаптар каби парранда билан алмаштирилган.

Кўчирик пайтида сўйилган жондор гўштидан шўрва солиб қўйилган. Кўчирик тугагач, шўрванинг сувидан беморга ичришган.

Халқ ўртасида кўчирикнинг турли-туман афсун-дуолари мавжуд. Улардан кенг тарқалгани шеърий шаклда бўлиб, қўшноч уларни кескин оҳангда доим айтиб, беморни гаврон билан, баъзан маҳсус қамчи билан секин-секин савалаб турган.

**Кўч-кўч, қўчасан,
Кўчар еринг ман айтаман,
Зиён берган одамга кўч,**

⁸ Троицкая А.Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) у оседлого население Туркистана.//Бюллетень САГУ. Вып. 10. Ташкент, 1925; Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманство у равнинных таджиков.// Домусульманские верование и обряды в Средней Азии, М., 1975.-С. 5-93; Снесарев Г.В. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.-м. Наука, 1969; Муродов О. Древние образн мифологии у таджиков долины Зерафшана Душанбе, 1979; Саримсо=ов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент. 1978.

Заҳмат етган ерга кўч,
 Эшик олди шўралар,
 Оёғимга ўралар,
 Энди кетиб борасан,
 Хуш кетибсан, жўралар.
 Кўч-кўч, кўчасан,
 Кўчар еринг ман айтсам,
 Олти кулча озиғинг,
 Олти ойлик ерга кўч!
 Етти кулча емишинг,
 Етти кунлик йўлга кўч!

Мана шу тариқа кўчириқ ёмон руҳлар кирган деб тахмин қилинган шахслар ёки зиён-заҳмат теккан деб тахмин қилинган жойларни айтади ва уларни ўз маконига кўчиришга интилади. Аста-секин у ёмон руҳларни имкони борича узоқ ерга кўчиришга даъват эта бошлайди. Бироқ кушноч зиён-заҳмат киришга сабабчи бўлган нарсаларни ҳам тахминий санаб, ўз даъватини кучайтира бошлайди:

Кўч-кўч, кўчасан,
 Кўчар еринг мен айтсам,
 Тожи давлат бошидан кўч,
 Шами чироқ кўзидан кўч.
 Чархи фалак бурнидан кўч!
 Келма айтган тилидан кўч,
 Тасбеҳ юритган қўлидан кўч,
 Кўч-кўч, кўчасан,
 Кўчирмасам кўчмайсан,
 Қонинг ичмай тўйиман,
 Бўл ўртада юрмайман.

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, кўшноч даъвати тобора кескинлашиб бормоқда. Баъзан шундай ҳам бўладики, кушноч ўз ўйини мобайнида жазавага тушиб йиқилиб ҳам қолади. Шундай пайтларда уни ўз холига қўйиб қўйишади. Бироз вақт ўтгач, у ўзига келиб, яна кўчиришни давом эттиради. Энди у беморнинг ёмон руҳлар ўрнашиб олган деб тахмин қилинган аъзоларини санай бошлайди.

Кўч-кўч, кўчасан,
 Кўчар еринг мен айтаман,
 Эски чолдеворларга кўч,
 Чангиб ётган тегирмонларга кўч!
 Қават-қават қулоғидан кўч,
 Билқиллаган байрагидан кўч,
 Сўлқиллаган юрагидан кўч,
 Умиртқанинг уйидан кўч,
 Қабирғанинг захидан кўч,
 Ўтатурган йўлидан кўч,
 Юратурган йўлидан кўч,
 Қилатурган ишидан кўч,
 Қари поя суягидан кўч!

Ёмон руҳлар ўрнашиб олган тана аъзоларидан зиён-заҳмат қувилиб бўлингач, кушноч яна шиддат билан кўчириқни давом эттиради. У бемор атрофида жазава билан ҳаракат қилиб, қурбонлик ҳайвон терисига ўралган беморни ўз гавронлари билан тинмай

савалайди. Энди у момолар культига, ўтган аждодлар руҳи арвоҳига мурожаат этади, улардан мадад тилайди.

**Кўч-кўч, кўчасан,
Кўчар еринг мен айтаман,
Момо бўлсанг, кўлга кўч,
Зиён бўлсанг, чўлга кўч,
Арвоҳ бўлсанг, гўрга кўч!**

Мана шундан сўнг халқ орасида инс-жинслар, руҳ-арвоҳлар яшайдиган макон деб тахмин қилинган жойлар тилга олиниб, бемор танасидаги ёмон руҳлар ана шу жойларга қувилади:

**Кўч-кўч, кўчасан,
Кўчар еринг мен айтаман,
Қизиб ётган гўрга кўч,
Ўлик ётган мозорга кўч,
Кўчиб юрган лўлига кўч!
Бор, жавобинг бераман,
Тегирмоннинг дўлига кўч,
Ийиқ билан бийиққа кўч,
Қизил эгар нақшига кўч!
Кўч-кўч, кўчасан,
Кўчар еринг мен айтаман,
Тов бошида арчага кўч,
Тил тушинмас ғалчага кўч,
Ҳаром десанг, туяга кўч.
Сутли десанг, бияга кўч,
Қон ялаган қассобга кўч,
Ун ялаган аллопга кўч.**

Албатта, юқорида айтилган мақомлар ва шахслар зиён-заҳматлар кўчиши имконсиз бўлган объектлар бўлиб, улар кўчирик қилинган беморлар руҳига таъсир кўрсатиш, шу орқали уни дарддан фориғ этишга кўмак беради. Қуйидаги мисралар ҳам ана шундай характерга эга:

**Кўч-кўч, кўчасан,
Эгри-бугри тоғларга кўч,
Ҳанграган эшакка кўч,
Миёвлаган пишакка кўч!
Носвойларни отганга кўч,
Чилимларни тортганга кўч,
Шақир-шуқур қилганга кўч,
Ўтирик ёлғон айтганга кўч,
Мен бормагич уйларга кўч,
Мен ўтмаган тўрларга кўч!**

Мана шундан сўнг кўчирик қилиш тугайди. Қушноч ва кўчирик қилишда иштирок этаётган кишилар кунботар томонга юзланиб, чўкка тушадилар, қушноч эса ўз ўйинини яқунлаб фотиҳа қилади. Фотиҳа матни барча қушночларда ўзига хос бўлиб, улар бир-бирларини такрорламайдилар. Масалан, “Илоҳо омин, дард чеккан иним (синглим ёки опам) ўз дардидан фориғ бўлиб, боқим нималигини, қоқим нималигини билмасин! Эй азиз-авлиёлар, руҳ, (арвоҳ)лар манга мададкор бўлинглар! Ушбу инимга ёмон кўзлардан ёмон сўзлардан, зиён-заҳматлардан кирган суқ-ҳасад, ёмон назар қурбонликка кўчсин, омин оллоҳу акбар!”

Қушноч ўз фотиҳасини тугатиб, беморни сўйилган жондор терисидан очиб олади ва уни иссиқ кўрпага ўраб, қурбонлик гўшtidан солинган шўрва сувидан ичиради. Бемор уйкуга кетгач, ўзига берилган назр-ниёзни олиб кетади.

Ўзбекларда кўчирик қилиш турли жойларда турлича, қолаверса, касаллик хилига караб ҳар хил шаклларда ўтказилади. Масалан, киши баданига қизилча тошганда қоракўллик қушноч Ҳ.Болтаева қуйидагича кўчирик қилган.

Бемор уй ўртасига, ёз фасли бўлса, ховлидаги супа ўртасида ётқизилиб, унинг юзларига қурбонлик учун сўйилган қизил жондорнинг қонидан суртилади. Ана шундан сўнг уч, беш ёки етти хил мото парчаларидан, сўнг ўткир пичоқ олиб бемор бошидан айлантириб, мана шундай айтимларни айтади:

**Кўч-кўч, кўчасан,
Қизил еминг бердим сенинг,
Кўк емингни бердим сенинг,
Қора еминг бердим сенинг,
Сарик еминг бердим сенинг,
Яшил еминг бердим сенинг,
Пушти еминг бердим сенинг,
Оппоқ еминг бердим сенинг,
Кўч-кўч, қизилча, кўч-кўч!
Эмингга ем бердим, кўч!
Қонингга қон бердим, кўч!
Жонингга жон бердим, кўч!
Бу ночорда нима бор,
Буни энди халос эт,
Кўч, қизилча, кўч-кўч!**

Айтим айтилиб бўлингач, қушноч машъалани бемор атрофида уч марта айлантириб, сўнг тоғорага қўйилган сув ботиради, қўлидаги ўткир пичоқни ҳам бемор бошидан уч марта айлантириб, ерга уч марта суқиб олади. Мана шундан сўнг у юзини қибла томонга буриб фотиҳа қилади: “Омин, азиз-авлиёлар, ҳазрати чорёрлар, ҳазрати Хизир пирим, ё чилтонлар, мадад беринглар, сизларга ишониб қўл урдим, шу беморни дардини қувинглар, оллоху акбар!”

Кейин қизил товук (хўроз)нинг шўрвасидан беморга ичирилади. Бундан мақсад шуки, агар зиён-заҳмат унинг ўпка, жигарга ўрнашиб олган бўлса, шўрва уларни қувади. Бироқ бемор шўрванинг гўштидан емаслиги лозим.

Қизилча, сув чечак, бадик тошганда ўтказиладиган маросим ва бадик айтимлари, уларнинг “бадик”, “гулафшо” каби номлар билан юритилиши, айтимларнинг мазмуни ва бадий хусусиятлари ҳақида Б.Саримсоков батафсил тўхталгани⁹ учун биз фақат улар эътибор бермаган юқоридаги материалларга тўхталдик, холос.

Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбеклар ҳам ислом динини қабул қилгач, халқнинг саводли қатлами кўпроқ диний дуоларга мурожаат эта бошладилар. Бу хилдаги дуо-афсунлар муқаддас “Қуръон” оятлари ва ҳадислардан олинган бўлиб, авом халқ уларнинг маъноларини билмайди. Яқин пайтларга қадар бу дуо-афсунларнинг қайси бири қайси хасталикка ва нимага бағишланганлигини фақат ўқимишли муллаларгагина маълум эди. “Қуръон” оятларини ёки ҳадислардан бир нечтасини қуруқ ёдлаб олган кишилар эса турли хасталиклар ва ҳолатларда ўзлари билган оят ва ҳадисларни пала-партиш ўқийверар эдилар. Бу нарса авом халқ учун, барибир, маълум даражада таъсир кўрсатар эди. Чунки мазмуни ноаниқ диний афсун-дуолар ҳам киши руҳига, айниқса, беморлар руҳига сезиларли таъсир кўрсатар эди. Шу боис ҳам халқ ўртасида диний дуоларга билиб-билмасдан мурожаат этиш кучайиб кетган эди. 1990 йилда Туркиянинг Анқара шаҳрида муқаддас диний дуолар таржимаси билан Сулаймон Оташ томонидан чоп этилди¹⁰.

Ушбу китобда турли ҳолатларда, вазиятларда, шунингдек, хасталикларда ўқиладиган дуолардан ҳам айрим намуналар берилган. Масалан, у ёки бу шахснинг кўзикиб қолмаслиги учун қуйидаги дуо ўқилиши лозим деб кўрсатилган: “Назар

⁹ Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, 1986, 147-180-бетлар.

¹⁰ Сулаймон Оташ. Буюк дуо мажмуаси. Анқара, 1990.

дегмасина қарши ўқиладжак дуо”: “Бисмиллох, Оллоҳуммаазҳоб ҳарраҳа ва бардаҳа ва васабаҳа”. Ва ё шу ўқунур: “Аузу би-калиматиллоҳит-тамати мин кулли шайтонин ва ҳимматин ва мин-кулли айнин ламмоҳ”¹¹.

Кўзикишга қарши ўқиладиган дуо берилган бўлса ҳам, бироқ унинг мазмуни таржимада берилмаган. Биз учун энг қимматли ери шундаки, диний дуолар ҳам турли нарсаларга бағишлаб яратилган ва уларни билиб ўз ўрнида қўллаш лозимлиги маълум бўлади.

Китобда яна бир дуо келтирилиб, уни хасталиқдан шифо топишида ўқилади дейилган, аммо ана шу дуо қайси хасталиқдан шифо топишида ўқилиши лозимлиги кўрсатилмаган. Дуо қуйидагича: “Оллоҳумма инна асаликал-офията фид-дуня вал-охирата, оллоҳумма инна асаминал афва вал-офията фи диня ва дуня ва аҳли ва моли, оллоҳуммаётур аврати ва омин равоти. Оллоҳуммахфазни мин байни ядайя ва мин халфи ва он йамини ва он шимоли ва мин фавкун ва аузу би-азаматика он угтола мин пахти. Оллоҳумма ва тамилни билофияти”.

Маъноси: Оллоҳим, сендан дунёда ва охиратда ҳузур ва соғлиқ истайман. Оллоҳим, сендан диним, дунём, бола-чақам ва молим учун авф ва имонлик истайман. Оллоҳим, айбларимни ёпгин, мени кўркувларимдан хавф-хатарсиз қил. Оллоҳим, мени ўнгимдан орқамдан, олдимдан, сўз томонимдан ва бошимдан келадиган ҳар турли хасталиқлардан, ёмонликлардан қўриқла. Остимдан келадиган бир ёмонликка тузоққа тушишимдан сенинг муқаддаслигинга сиғинаман. Оллоҳим, мени илм билан бойитгин, хили билан безатгин, такво билан қарамга яқинлаштир, тозалик билан гўзаллаштир¹².

Диний дуо мазмунидан маълум бўладики, турли хасталиқлардан зиён-заҳматлардан, ёмонликлардан сақлаш учун биргина оллоҳ қодир. Шу боис ҳам оллоҳга сиғиниш, унинг қудратига ишониш ва таяниш руҳи етакчилик қилади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз ўртасида турли хасталиқларда ўқиладиган афсун-дуолар ранг-баранг бўлиб, улардан айримлари соф шеърий шаклларда бўлиб, улар даволаш ўйинларини ўтказувчи, махсус мутахассислар томонидан, яъни кўшночлар томонидан ижро этилади. Айримлари, асосан диний афсун-дуолар эса, араб тилида бўлиб, улар муқаддас диний китоблардан олинган ва диний маълумотга эга бўлган шахслар-муллалар, отинбибилар, эшонлар томонидан ўқилган. диний дуолар қофияли наср-настри мусажжаъда яратилган бўлиб, равон ўқилади ва эса яхши қолади.

Халқ ўртасида торвоқ (эшак еми)тошганда айтиладиган афсун-дуолар ҳам кенг тарқалган. Баъзан киши ёқмайдиган овқат еса, унинг бадани, юзларига майда нарса ташиб қичишади. Шунда кўпни кўрган, кўп нарсаларни бошидан кечирган кишилар маслаҳати билан эшакеми тошган бемор тўн ёки яктагининг орқа этагидан бирор эшакка ем беради. Эшак еми еб бўлгунча, бемор уйига қайтгунча орқасига қарамаслик лозим. Ана шунда унинг баданидаги тошмалар ем еган эшакка ўтар экан. Илгари бемор эшакка ем бераётган пайтда маросимни бошқараётган кекса киши ёки аёл қуйидаги афсун-дуони айтиб турган:

Бисмиллоҳир-рахмонир раҳим.

Эшагим эррайим,

Емни сенга берайин,

Емим эм бўлсин,

Илоҳим, дардим кетсин,

Танамдан тарқалган,

Эшагим эррайим,

Сенга берайин емим.

Дардимга бўлсин эм,

Илоҳо, омин-омин¹³.

¹¹ Сулаймон Оташ. Буюк дуо мажмуаси. Анкара, 1990. 128-129-бетлар

¹² Сулаймон Оташ. Кўрсатилган асар, 128-бет.

¹³ Айтувчи: Абдорхон Ашмедов (Наманган вилояти, Уйчи тумани +изилработ =ишло\и, ызбек). Ёзиб олувчи проф.М.Муродов.

Келтирилган айтимдан кўриниб турибдики, эшакеми тошганда ўқиладиган халқона афсун-дуолар шеърий шаклга солинганлиги, мазмунан жуда содда ва очиқ-ойдинлиги билан алоҳида ажралиб турадилар. Бизнингча, бу хилдаги афсун-дуолар беморга қарашли кишиларнинг истакларини ифодалаш эҳтиёжи туфайли яратилган бўлиб, кейинчалик халқ ўртасида турли нусхаларда кенг тарқалган.

Бадик яраси тошганда, кинна кирганда айтиладиган афсун-дуолар Б.Саримсоқов томонидан жуда ҳам батафсил тадқиқ этилганлиги сабабли биз улар ҳақида тўхталиб ўтирмадик¹⁴.

Маълумки, Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлимида ёз фаслида илгари халқ ўртасида кўз оғриғи кўп учраган. Аҳоли ўртасида кўз оғриғининг олдини олиш чора-тадбирлари деярли йўқлиги туфайли касаллик кенг миқёсда тарқалган. Кўз оғриғининг келиб чиқиши ва тарқалиш сабабларини билмаган кишилар бу касалликка азиз авлиёларнинг таъсири ёхуд ёмон руҳларнинг таъсири деб қараганлар. Даволашнинг аниқ усул ва чораларини билмаган кишилар нажот излаб, умид билан турли-туман афсунлар яратганлар. Мана шундай афсунлардан бири ўзбеклар ўртасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар қалдирғочлар билан боғланади. Чунки мусулмонларда қалдирғочни муқаддаслаштириш мавжуд. Қадимги диний афсоналарга кўра, қалдирғоч инсониятни илонга емиш бўлишдан сақлаб қолган¹⁵.

Ана шундан буён кишилар бу қушга хайрихоҳлик билан қараб келадилар. Уларнинг тасаввурича, қалдирғоч жаннат қуши бўлиб, кимнинг уйига бу қуш ин қурса, ана шу хонадон бахтли ва осойишта бўлган. Шунинг учун ҳам кўз оғриғига гирифтор бўлмай деган кишилар эрта баҳорда эндигина иссиқ ўлкалардан учиб келган қалдирғочларга қарата шундай афсунни айтганлар: “Қалдирғоч, эсон-омон келдингми, бола-чақанг омонми, Гўзал момонинг кўзи яхши бўладими”?

Ушбу айтим шу ҳолича ҳеч кимга номаълум бўлиб қолади. Унинг нима мақсадда, нимага қарата айтилиши проф.Б.Саримсоқов томонидан келтирилган қуйидаги асотир орқали ойдинлашади. Унда айтилишича, қалдирғоч борадиган юртда Гўзал момо деган бир кампир бўлар эмиш. Ана ўша кампир қалдирғочга қарата “Мени сўраганлар, худоё, кўз оғриғига учрамасин” дер эмиш. Шу сабабли кишилар кўз оғриғига учрамайлик деб, эндигина учиб келган қалдирғочларга юқоридаги афсунни айтадилар¹⁶.

Айрим жойларда қалдирғочларга айтиладиган махсус шеърий айтимлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан баъзи намуналарни проф. М.Муродов ҳам ёзиб олган. Мана улардан бири:

**Омин-омин деяйлик,
Қалдирғочга деяйлик
Қалдирғоч, ғоч-ғоч-е,
Эсон-омон келдингми-е,
Йўлда-чўлда чарчамадингми-е,
Чарчаб йўлда сувсамадингми-е?**

Уй қалдирғочлари уйга қут-барака, тинчлик ва энг муҳими, кўзи оғриганларга даво келтирганлиги учун уларни уйларида ин қуришларига имкон яратиб берганлар. Ҳар баҳорда қалдирғочни кутиб, уни кўзга суртиш ҳар қандай кўз оғриғидан йил бўйи сақлайди деб қаралган. Шунинг учун ҳам кекса кишилар «кўзим равшан бўлсин» деб кўзларига қалдирғоч патларини суртиб қўйилган. Халқ тасаввурларига кўра, уй қалдирғочни шундай ният қилар экан:

**Қалдирғочман, ғоч-ғоч,
Эшигингни оч-оч!**

¹⁴ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Тошкент, 1986, 139-211-бетлар.

¹⁵ Насириддин Буршониддин Рабузий, +иссаси Рабузий. Биринчи китоб, Тошкент, 1990, 42-44-бетлар.

¹⁶ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар состави, генезиси ва поэтикаси. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1987, 227-бет.

Эшигингни очмасанг,
 Уйгинангга кирарман,
 Ҳақ саломин берарман.
 Ҳақ саломин берган сўнг,
 Сенинг билан бўларман,
 Уйгинангда қоларман.
 Боланг менга боладир,
 Ўзинг менга ошнадир,
 Боланг бўлсин ғуч-ғуч,
 Улар билан дўстлашай,
 Ишларига қарашай,
 Бош оғриғига бош бўлай,
 Кўз оғриғига кўз бўлай,
 Уйгинангда болалай,
 /уч-ғуч қилиб аллалай,
 Илон тура келганда,
 Ёнгинамга қўймагин!

Афсоналарга кўра, қалдирғочнинг энг ширин гўшт бақанинг гўшти экан деб берган хабари ёлгон эканлигини илон кейин билиб қолади. Бироқ вақт ўтган эди, чунки Нух алайҳиссалом илонга бақа гўштини ейишга фатво бериб бўлган эди. Мана шундан кейин илон қалдирғоч гўштига уч бўлиб, доим қалдирғочни таъқиб этар экан. Юқоридаги мисолнинг охири мисраларида ана шу афсоналарга ишора мавжуд. Бироқ, кўр қалдирғоч кишиларга ёмонлик тилар эмиш, шунинг учун ҳам уни ҳеч ким яқин йўлатмайди. Мана шу хилдаги ҳар хил халқ тасаввурларида махсус айтимлар шаклида ўз ифодасини топган. Қуйида ана шундай айтимлардан бирини келтирамиз:

**Қалдирғоч, дер ғоч-ғоч,
 Эшигингни оч-оч,
 Эшигингни очмасанг,
 Тўйнугиндан кираман,
 Аталангни ичаман,
 Аталангни ичволиб,
 Чуғурлайман-да қочаман,
 Мен кетаман узоққа.
 Алпоқ-шалпоқ,
 Кўзинг бўлар шалпоқ,
 Шалпоғинг шалпайсин,
 Аканг тура яйрасин.
 Мен айтаман ғоч-ғоч,
 Эшигингни оч-оч,
 Эшигингни очмасанг,
 Тешигиндан кираман,
 Тешигиндан кирволиб,
 Сўк ошингни ичаман,
 Сўк ошингни ичволиб
 Қозонингга чичаман.**

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, кўр қалдирғоч кишиларга, унинг оиласига ёмонлик тилаш билан бирга уларга кўз оғриғини ҳам раво кўради. Мана шунинг учун ҳам кўр қалдирғочга нисбатан одамларнинг муносабати яхши эмас.

Кўз оғриганда ёки унга оқ туша бошлаганда баъзи жойларда махсус афсунлар ўқиганлар. Ана шундай афсунлардан бирини профессор Б.Саримсоқов Тожикистон

республикасининг Хўжанд вилоятидаги Ўратепа туманидаги Шахристон қишлоқ жамоасига қарашли Бураган қишлоғидан ёзиб олган. Маълум бўлишича, бу жойларда афсуннинг бу хили “Бурий-бурий” деб аталар экан. “Бурий-бурий” афсунининг матнини биладиган махсус тайёргарликка эга бўлган аёллар қуйидагича ижро этишади.

**Бола-чақанг омонми-е
Қариндошларинг соғми-е,
Ўзинг омон-эсонми-е,
Момонг қалай, соғми-е,
Кўзлари оғримай юрарми-е,
Бўзанг қалай соғми-е,
Ўйнаб кулиб юрарми-е?
Қалдирғоч, эшик очайин-о,
Уйга сени сақлайин-о,
Илондан сени сақлайин-о,
Сақласам омон қолайин-о,
Бизлар билан тургин-о,**

Профессор М.Муродов материалларига қараганда, қалдирғочлар ҳам икки хил бўладилар. Бири уй қалдирғоч, иккинчиси кўр қалдирғоч. Уй қалдирғоч кишиларга яхшилик тиласа кўр қалдирғоч уларга ёмонлик тилар экан. Шу сабабли кишилар кўр қалдирғочларни уйга йўлатмайдилар. Бу ҳақда шундай айтимлар ҳам яратилган:

**Кўр қалдирғочни-ё,
Уйга қўйманглар-о,
Уй қалдирғочни-е,
Уйга қўйинглар-о!
Кўр қалдирғоч уйини-ё,
Бузиб ташланглар-о!
Кўнгли ёмон унинг
Раҳм қилманглар-о!
Уй қалдирғоч уйига
Қўл урманглар-о
Қалдирғоч, ғоч-ғоч,
Карим бува кўзини
Сенам бир кўргина,
Кўриб гапинг айтгин-о.**

Кўзи оғриган ёки кўзига оқ тушган шахс афсун айтувчининг тўғрисида ўтиргизилади ва унинг ияги остида бир коса тоза сув тутиб турилади. Агар кўзга оқ тушган бўлса, афсун ўқувчи ўз ўқиши мобайнида беморнинг қоши устидан оқ жўхори донасини биттадан косадаги сувга ташлаб туради. Агар кўз қизариб оғриган бўлса, бир донадан бугдой ёки майда тўғралган қизил гўштдан косага ташлаб туради. Бу нарса афсун матнини уч, беш ёки етти марта ўқигунга қадар давом этади.

Афсун ўқиб бўлингач, косадаги сувдан бемор кўзига пуркаб “Омин шифо топиб кет, оллоҳу акбар!” дейилади. Сувга ташланган гуруч ёки оқ жўхори, тўғралган гўшт қушларга ташланади. Бурий-бурий афсунининг матни қуйидагича:

**Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим,
Ола-була кўзичоқ, бурий-бурий,
Ола кўзга оқ тушмас, бурий—бурий,
Қошга, тишга қурт тушмас, бурий-бурий,
Опа-сингил эл бўлмас, бурий-бурий,
Эски пахта бўз бўлмас, бурий-бурий,
Манов киши кўзига; бурий-бурий,**

**Ҳеч қачонам оқ тушмас, бурий-бурий,
Омин, худо шифо берсин, оллоху акбар!¹⁸**

Бурий-бурий матнидаги “бисмилло” қисми, яъни бошланишидаги бир мисра ва якунидаги бир мисра ислом дини таъсирида вужудга келган бўлса, бироқ матннинг асосий қисми соф ҳалқона мазмунга эга. Кўз қизарганда ҳам ўша матн қуйидагича турли ўзгаришлар билан айтилади:

**Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим,
Қора-қора кўзичоқ, бурий-бурий,
Қора кўзлар қизармас, бурий-бурий
Қошга, тишга қурт тушмас, бурий-бурий
Опа-сингил эл бўлмас, бурий-бурий
Эски пахта бўз бўлмас, бурий-бурий
Манови киши кўзлари, бурий-бурий
Ҳеч қачонам қизармас, бурий-бурий
Омин-оллоху акбар, худо шифо берсин,**

Хуллас, юқоридаги афсунларни ўқиш орқали бемор кўзидаги касаллик гуруч, буғдой, оқ жўхори ёки тўғралган гўштга кўчирилиб, бошқа нарсаларга ўтказилади. Кўриниб турибдики, афсун ўқиш маросимида мулоқот сеҳри (магияси)нинг қолдиқлари сақланиб қолган. Оқ тушганда оқ жўхори, қизарганда буғдой ёки тўғралган гўшт ташланиши эса бевосита тақлидий магиянинг қолдиқларидан иборат¹⁹.

Фрезернинг кўрсатишича, тақлидий магия ибтидоий кишилар тасаввурича, кишиларни турли хасталиклардан халос этишда катта ёрдам беради. Масалан, сарик касалда сарик нарсанинг, кўз қизарганда қизил, оқарганда оқ нарсанинг хасталикни ўзига тортиб олиши фойда етказар эмиш²⁰.

Мана шу нуқтаи назардан қаралса, “бурий-бурий” афсунини айтиш пайтида кўзнинг хасталигига қараб ҳар хил рангдаги нарсалардан фойдаланиш ҳақиқатдан ҳам тақлидий магиянинг қолдиқларидан иборат эканлиги ортиқча изох талаб этмайди.

Хуллас, кўз оғриганда ўқиладиган халқ афсунлари ранг-баранг бўлиб, улар шаклан турлича бўлсалар ҳам, бироқ моҳият эътибори билан хасталанган кўзга шифо бахш этишга қаратилган. Кейинчалик замонавий тиббиётнинг ривожланиши, кўз хасталикларини янгича усуллар, дори-дармонлар билан даволаш кўз оғриганда ўқиладиган афсун-дуоларнинг камроқ қўлланилишига олиб келди.

2. Заҳарли ҳашаротлар чаққанда айтиладиган афсунлар ҳам қадим замонлардан кенг қўлланилади. Б.Саримсоқов бундай афсунларни “авраш афсунлари” ёки “аврашлар” деб номлайди. Ҳақиқатдан ҳам афсун-дуоларнинг бу хили махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар-авровчилар томонидан ўқилади. Улар маълум даражада кишини гипноз қилиш, яъни эс-ҳушини олиш қобилиятига эга бўлиб, заҳарли ҳашарот ёки илон заҳрини қайтариш иқтидорига эга бўладилар. Шунинг учун ҳам қорақурт, илон, чаён чаққанда ўқиладиган афсун-дуолар авраш афсунлари, маросимнинг ўзи аврашлар, афсунни ижро этувчилар эса авровчилар (халқ ўртасида арбовчилар) деб юритилади.

Маълумки, қорақурт кўпроқ сувсиз ёки камсув жойларда-бедазор, пичанзор, мувокзорларда бўлади. Унинг заҳари ўта кучли бўлиб, саратон ойларида кишини халок қилиши мумкин. Ўтмишда кишилар қорақурт чаққанда авраш орқали ёрдам кўрсатишдан бошқа чорани билмаганлар. Мана шу тариха халқ ўртасида авраш афсунларининг махсус анъанавий матнлари вужудга келган. Бу матнлар турли жойларда турлича шаклларда бўлиб, улар авровчиларга авлоддан авлодга устоздан шогирдга ўтиб келган.

¹⁸ Айтувчи: Муродилло ота Зиёдулло Ыли, Ызбек (Наманган вилояти, Янги-Ыр(он) тумани, Бекобод =ишло(и), ёзиб олувчи: М.Муродов.

¹⁹ Фрезер Дж. Золотая ветвь, М., 1980. –С.20-60.

²⁰ Фрезер Дж. Золотая ветвь, М., 1980. –С.25-26.

Айрим афсун-дуолар “Қуръон” суралари билан аралаш ҳолдаги қадимий сўзлардан иборат бўлиб, ҳозир изоҳлаб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган. Масалан, А.Диваевнинг материалларига қараганда, қорақурт чакқанда, “Ёсин” сурасидан кейин ўқиладиган қадимги афсун матни қуйидагича бўлиб, ҳозир унинг мазмунини очиб бўлмайди: “Арўсўнў, курўсўнў, муртўнў, чуртўнў, кўрганў, кириткани, чуя-чуя, чига-чига, бара-бара, дава-дава, ашиндау-бушиндау, дариндау-мирандау, килгони, пило сасўр, барў-було, исиндау, фишиндау, амандау, шимандау, чнў, чнў, чнў-бў, чўнў ходжа тўнў би, худай бастан, ман жастан, чига барсун бери бастан”²¹.

Б.Саримсоқовнинг берган маълумотига қараганда, айрим жойларда соф ўзбек тилидаги афсунлар ҳам қорақурт чакқанда ўқилади. Масалан:

**Бийма кур, бийрама кур,
Ҳайдама кур, жудама кур,
Саддима кур, маддима кур,
Олтой коржима кур,
Калла бужи, уранак бошли,
Сахро сиздан, куф-суф биздан,
Мор-мор қилмасам,
Зор-зор қилмасам,
Менинг отим айманди,
Асли жонинг куйманди,
Тула бийдан уч тўккиз,
Тураберсанг тўймайди,
Оқ курт, март курт,
Сангор босди курт**

Мана шу афсун ўқилгач, авровчи бошқа афсунларда бўлганидек, Сулаймон пайғамбарга, худонинг қудратига мурожаат этиб, бемор танасидаги қорақурт захрини чиқаришга ундайди:

**Сулаймон пайғамбар дами билан,
Худонинг амри билан,
Яратганнинг даргоҳи билан,
Куф-суф, чик куф-суф, чик.**

Худди шундай афсун матнларидан бирини фольклоршунос проф. М.Муродов ҳам ёзиб олган бўлиб, у қуйидагичадир:

**Бисмиллоҳир-рахмонир-рахим,
Э-э; хой, қоровой, қоровой-эй,
Бу нима қилганингиз-ей,
Ана-мана бало қорақурт-ей,
Қорни қора қорақурт-ей,
Қоровой бобом қораси бор,
Тортиб юрар турвоси бор,
Турволарини зўрға тортади.
Одам тегса кишиларни ўлдиради**

²¹ Диваев А.А. Киргизский заговор против укуса ядовитых насекомых и пресмикающихся //Этнографические обозрения», 1910, вып. 1-2. -С. 128-130

Лто турко, лотто,
 Бото турко ботто,
 Қобурундо бундо,
 Мабирундо мундо,
 Санавункой сандо
 Тобонунот танбо,
 Хадир-мадир.
 Бандир-тандир,
 Бисмилло-бисир,
 Қоравойим қисир,
 Куф-суф, куф-суф,
 Оффор, куф-суф,
 Баффо, куф-суф
 Ё олло, ё баллаш, таллаш!
 Қорни катга қорақурт,
 Кўзи ола қорақурт,
 Турки совуқ қорақурт,
 Қорақурт, ҳай санмисан,
 Ёмон ниятда келганмисан
 Болага зиён қилганмисан?
 Сенинг туйнугингни бузайин,
 Сенинг бўйнигинангни узайин,
 Қоравойнинг тўрваси,
 Тўрвасида шўрваси,
 Шўрвасини тўкса-чи,
 Кишини тўкилар шўрваси,
 Қуриб қолар шўрваси,
 Даф-даф, куф-суф.
 Ана сув келди, сув келди,
 Энди яна чақасанми?
 Куф-суфимни айтасан,
 Боладан чиқасанми,
 Менинг куф-суфиммас,
 Сув бобонинг куф-суфи,
 Куф-суфу, куф-суф,
 Сигири қолади қисир,
 Қисир сигир боқмасман,
 Сен дод бўлмай қолмассан,
 Дилингни тортмай қўймасман,
 Золварингни золлатай,
 Ўзгинагни бўзлатай,
 Куф-суф, куфо-суф,
 Дамгинагга дам берса,
 Сени яксон қилмасам,
 Куф-суф, куф суф²².

Келтирилган мисолдан шу нарса маълум бўладики, авровчи зўр профессионал эмас. Шунинг учун ҳам унинг, матни ритмик жиҳатдан изчил эмас, айрим ўринларда оддий даъваткор сўзлардан иборат бўлиб қолган.

²² Айтувчи: Олим =ар\а (74 ёшда, деш=он, ызбек, Хыжа шартон =ишло\и), ёзиб олувчи: М.Муродов.

Худди шунга ўхшаш соф ўзбек тилидаги афсун нуманаси Б.Саримсоқов томонидан ҳам ёзиб олинган. Масалан:

**Олагина, булагина,
 Чақир-чуқур сайдагина,
 Чўп бошидай майдагина,
 Қўй келади қўзи билан,
 Пайғамбарнинг сўзи билан,
 Арбойтигон олим ўзим,
 Қуймотигон золим ўзим,
 Куф-суф, чиқ, куф-суф, чиқ!
 Ола ғундол, бало ғундол,
 Кал келди, кади келди!
 Пайғамбарнинг сўзи билан,
 Худойимнинг амри билан,
 Арбайтигон олим ўзим,
 Қуймотигон золим ўзим,
 Куф-суф, чиқ, куф-суф, чиқ²³.**

Авраш афсун-дуоларининг қадимий намуналарининг тили ҳозир тушунарли эмас. Чунки уларнинг аксарияти қадимги ҳинд афсун-дуоларидан олинган бўлиб, жуда кўп сўзлар бизнинг тилда нотўғри талаффуз этилганлиги сабабли ўз шаклини йўқотиб, шаклан бузилиб, бизга тушунарсиз шаклга келиб қолган. Шунга қарамай бу хилдаги тушунарсиз матнларнинг таъсир кучи, олимларнинг кўрсатишича, тушунарли тилдаги афсунларнинг таъсирига қараганда анча юқори бўлган²⁴. Чиндан ҳам тушунарли бўлмаган матнлар оддий кишилар назарида ҳамма вақт сеҳрли бўлиб туюлган.

Барча учун тушунарли бўлган соф ўзбекча матнлардан ташкил топган авраш афсунлари эса, бизнингча, қадимги авраш матнларининг унутилиши оқибатидир, яъни ихтисосли, малакали авровчиларнинг йўқолиши оқибатида чала авровчилар томонидан тўқилган матнлардан иборат. Шунинг учун ҳам бундай афсунларни айтувчи авровчилар ўз афсунларининг юз фоиз фойда кўрсатишига қафолат бера олмайдилар. Чунки улар ўзларининг авровчилик истеъдодларининг туғма ва тенгсизлигига ишонмайдилар. Дарҳақиқат, улар туғма истеъдодга эга эмаслар. Шунга қарамай, улар ўқиган афсун-дуолар қорақурт ёки бошқа захарли жондор чаққан кишиларга наф етказган. Бунинг сабаби беморнинг авровчи ва унинг ўқиган афсун-дуоларига нисбатан ихлос қилишда. Ихлос-халос деб халқимиз бекорга айтмаган, албатта. Демак, афсун-дуолар сеҳрли, уларнинг беморлар руҳиятига таъсири остида ўз-ўзини ва ўзгаларни афсунлар кучига ишонтириш ётади.

3. Илон, қорақурт, чаён ёки ари чаққанда ўқиладиган афсун-дуолар.

Маълумки, авраш махсус хатти-ҳаракат ва матнлар воситасида кишини сеҳрлаш, беморни соғайишига ишонтиришдан иборат. Демак, авраш маросимида ўз-ўзини ва ўзгаларни ишонтириш, уни сеҳрлаш (гипноз) элементлари етакчи ўрин эгаллайди. Маросимда ижро этилувчи матнларни ўқув шахслар авровчи (авровча, арбовчи) деб юритилади.

Авровчи шахсияти, унинг тайёргарлик даражаси ҳам авраш афсун-дуоларининг ижро даражасини белгилаб беради. Авровчи халқ тасавурида сеҳр-жоду қудратига эга бўлган шахс ҳисобланади. Шу сабабли кишилар авровчиларга қўрқув ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишган. Чунки авровчилар зараркунандалар захрини чиқарувчи

²³ Айтувчи: Дошқол Шамидова, ёзиб олувчи Б.Саримсоқов 1977.

²⁴ Богатырев П.Г. Вопросы теории народного искусства. М., 1971.-С. 188-190; Саримсоқов Б.И. Узбекский обрядовый фольклор, его жанровый состав, генезис и поэтика. АДД, Ташкент, 1987.-С.29.

кишиларгина эмас, балки кишиларга зарар етказиши мумкин бўлган кишилар ҳам ҳисобланадилар.

Авровчилар истаган шахсни тарбиялаб етиштириш мумкин бўлган касб эгалари эмас. Авровчи бўлиб етишиш учун энг аввало шахснинг ўзида табиий туғма қобилият ҳам бўлиши лозим. Шу сабабли авровчилар кўпроқ, бу касбни ота-боболаридан мерос сифатида қабул қилиб оладилар ва аста-секин бу қобилиятни ривожлантириб борадилар.

Баъзан авровчилик отадан болага мерос сифатида ўтмаслиги ҳам мумкин, чунки бундай қобилиятли кишилар авлодда учрамаслиги ҳам мумкин. Бундай пайтларда авровчилар бегона кишилар орасидан ҳам танлаб олинади.

Авраш афсун-дуолар асосан илон, қоракурт, чаён чакқанда махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар томонидан ижро этилади.

Авраш афсунлари асосан икки қисмдан-бошлаш ва очиш кабилардан иборат бўлади. Масалан: бирор кимсани заҳарли илон бутун танага тарқалиб кетмаслиги учун афсуннинг “боғлаш” қисмини ўқишга киришади. Бунда у бемор яшайдиган томонга (албатта, тахминан) қарата куф-суф қилиб, кафтларини бир-бирига уриб, уч марта “бастам, бастам, бастам”, баъзан ўзбек тилида “боғладим, боғладим, боғладим” деб айтади. Бу билан киши танасидаги илон заҳрининг бутун баданга тарқалиб кетишини тўхтатади. Узоқ масофада авровчи илон заҳрини тўхтатгач, тезлик билан бемор ётган жойга жўнайди, йўл-йўлакай “Ёсин” сурасини ўқиб, “боғладим, боғладим, боғладим” деб келади. Боғлаш афсун-дуолари қуйидагича: “Иннаҳума якудуна қайда, вакиду қайда, памаҳлил кофируна, амҳилиҳум ривойда! Бастам, бастам! Мори бастам! Зибойи гундойи мор, баҳаққи Сулаймон пайғамбар дами билан куф, чиқ! Бад кардам, бад кардам, бад кардам! Бастам, бастам, бастам”²⁵.

Авровчи бемор кишига етиб келгач, авраш маросимининг “ёзиш” ёки “ечиш” қисми бошланади. Бунда авровчи беморнинг ёнига ўтириб олиб, энг аввал “фотиҳа” сурасини бир нафас ичида кучи етганча тоқ марта (3,5,7,9 ва ҳ.к.) такрорлайди. Шундай сўнг қуйидаги афсунни ҳам бир нафасда кучи етганча тоқ марта такрорлаши лозим. Афсун қанча кўп такрорланса, шунча яхши “Айран, тайран, қирқ бошлик, қирқ кўзлик сарик илон, бақага туш, бақадан дарёга туш, баҳаққи Сулаймон пайғамбар дами билан куф-суф, чиқ!”

Шундан сўнг қуйидаги афсунни бир нафасда ўн бир марта такрорлаши лозим: “Отатурака бужур сарайи, бужур банди, гунда макр, чал-чалака, муллака, зивалака, алакони бисмиллоҳи мухр учун, қўлли қуръон юз учун, баҳаққи Сулаймон дами билан куф-суф, чиқ!”

Шу тариқа бемор ҳушига келгунга қадар “отатурака” афсуни билан “Ёсин” сураси галма-гал такрорланиб турилади.

Юқорида келтирилган афсунлардан кўриниб турибдики, авраш афсунларида муқаддас “Қуръон”дан олинган суралар билан бир қаторда қадимий мажусийликка алоқадор дуолар ҳам ўқилади. Улар бизнинг назаримизда, қадимги санскрит тилидан қолган бўлиб, тушунмай ижро этиш оқибатида жуда кўп сўзлар нотўғри шаклларга тушиб қолган. Шунинг учун уларнинг мазмунини шарҳлашнинг имкони йўқ. Бутун афсунлар мобайнида Сулаймон пайғамбар номи доим такрорланиб борилади. Бу нарса қадимги халқ тасаввурларига алоқадор бўлиб, уларга кўра, Сулаймон пайғамбар инс-жинс, ҳайвонот, қушлар ва ҳашоратларнинг тилини билган ва уларни ўз ҳукмига олган. Чунки Сулаймон Ҳазрати Довуд пайғамбарнинг ўғли бўлиб, отаси каби пайғамбар ва подшоҳ бўлгани, инс-жинслар, дев ва парилар, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар, илон ва ҳашоратлар, шамол ва сув ҳам унинг амрига тобе бўлган. Сулаймоннинг подшоҳлик муҳри ва мўъжизавий қудрати қўлидаги узукнинг сеҳрига боғлиқ экан. Бу узукнинг кўзи “қбрийи аҳмар” деган қимматли тошдан ясалган бўлиб, у тош ҳар қандай мўъжизаларга калид берар эмиш. Чунки у тошга тангрининг муқаддас исми ўйиб ёзилганлиги сабабли барча махлуклар Сулаймоннинг

²⁵ Айтувчи: Юсуф ота Хыжа=улов (Жиззац вилояти, Фориш туман, Илонди =ишло)и, ёзиб олувчи: Б.Саримсо=ов.

амрига бўйсунган. Мана шунинг учун ҳам барча авровчилар Сулаймон пайғамбарни ўзларининг пири ҳисоблашган ва ўз дуоларини ўқиш пайтида унга мурожаат этишиб, ундан мадад тилашган.

Илон чакқанда ўқиладиган афсун-дуоларнинг тожик тилидаги маҳаллий вариантлари ҳам бор. Бу афсун-дуоларни ўқишда бемор кийимлари ечилиб ялпиз устига ётқизилади, шундан сўнг қуйидаги афсуни ўқилади: “Зард ҳасти залил, ранг ҳасту хумор, чолок пойу чолок дум, бастам, барбастам, даҳани мору ғунзолу ғаждум. Баҳмри худо, баҳаққи Сулаймон пайғамбар, куф-суф, чик, куф-суф, чик!” таржимаси: «сап-сарик рангинг бор, бу ранг кишининг кўнглини айнитади, тўмтоқ думу оёгинг бор. Боғладим, яна боғладим илону қорақурту чаён оғзини. Худонинг амри билан, Сулаймон пайғамбарнинг ҳукми билан, куф-суф, чик-чик».

Хуллас, илон чакқанда ўқиладиган соф ўзбек (туркий) тилидаги афсун-дуолар учрайди. Мавжуд афсун-дуолар эса қадимги ҳинд ёки форс-тожик тилида. Бизнингча, бу нарса қадимги Ҳиндистонда сеҳргарлар, морбозлар кенг тарқалганлиги ва умуман, илон чакқанда афсун-дуолар ёрдамида муолажа қилишнинг ватани ҳам Ҳиндистон эканлиги билан боғлиқ бўлса керак.

Чаён чакқанда ўқиладиган афсун-дуолар ҳам мавжуд бўлиб, улар “Ёсин” сураси ҳамда қорақурт чакқанда ўқиладиган айтимлардан фарқланмайди. Шу боис биз мазкур афсун-дуолар ҳақида тўхталиб ўтирмадик.

Ўтмишда ари чакқанда ўқиладиган афсун-дуолар ҳам бўлган. Лекин ари чакиши фожиали тугамаганлиги сабабли кейинчалик бу хилдаги афсун-дуоларга мурожаат қилиш камайиб кетган эди. Шунга қарамай, халқ ўртасида ари чакқанда ўқиладиган афсун-дуоларнинг айрим намуналари сақланиб қолган. Қуйида улардан бир нечта нуманаларни келтирамыз:

**Занбуриман, зилолиман,
Мурчайиман-миёниман,
Дастак бура, дастак бура,
Оқ илоннинг дами билан,
Пайғамбарнинг сўзи билан
Куф-суф чик, куф-суф чик²⁶.**

Афсун-дуолар матнида кўриниб турибдики, унда арини мақташ, унинг ташқи қиёфасини мадҳ этишдан сўнг бирданига кишиларга оқ илон қиёфасида кўринувчи ҳомий азиз-авлиёлар шахсиятига, сўнгра пайғамбар (Сулаймон пайғамбар назарда тутилган-С.М.)га мурожаат этиш, уларнинг куч-қудратига таянган ҳолда ари захрини қувишга интилиш ифодаланган.

Бизнинг тахминимизга кўра, ари чакқанда ўқиладиган афсун-дуолар ҳам анча мураккаб тузилишга эга бўлган бўлса ҳам, бироқ уларга ҳаётда эҳтиёж кам бўлганлиги учун матн юқорида келтирилган шаклга келиб қолган.

Ари чакқанда ўқиладиган афсун-дуонинг бошқа бир намунаси фольклоршунос Б.Саримсоқов томонидан 1986 йилда Аҳмаджон Сойибназар ўғлидан ёзиб олинган бўлиб, бу афсун матни тожик тилидадир: «Зара ҳаста залил, ранг ҳасту хумор, миён басту халал замбур, мо бадохан, ту бокунат магази, куф-суф, чик-чик». Матн таржимаси қуйидагича мазмунни англатади: “Сап-сарик рангинг бор, бу ранг кишининг кўнглини айнитади, бела бўғик сарик ари, биз оғзимиз билан чақамиз, сен эса орқанг билан чақасан, куф-суф, чик-чик”.

Маълум бўладики, афсун ўзбек тилига ағдарилса, оддий гаплар йиғиндисига айланиб қолади. Шунинг учун ҳам афсунларнинг ҳеч ким тушунмайдиган тилларда бўлиши уларнинг беморга кўрсатадиган руҳий таъсир қудратини орттиради ва афсун-дуоларда сеҳрлилик, жоду қудрати сақланишига шохид бўламиз. Демак, таникли рус

²⁶ Айтувчи: Мирзатыраева Саломат (Фар)она вилояти, Олтиари= тумани), ёзиб олувчи: С.Мирзаева, 1990 йил.

фольклоршуноси П.Г.Богатирев ҳаққоний эътироф этганидек, халқ афсун-дуоларида тушунарсиз тилга хос сўзларнинг мавжуд бўлиши уларнинг кучли таъсир кўрсатиш кудратини таъминлайди²⁷. Шу боис ҳам халқ афсун-дуоларида “Қуръони карим» суралари, қадимги ҳинд, форс-тожик тилига оид сўз ва ифодалар кўп сақланган.

Хулоса қилиб айтганда, турли ҳашоратлар, илон, қорақурт, чаён қабилар чакқанда ўқиладиган афсун-дуолар, қай даражада бўлмасин, ҳозирга қадар сақланиб қолган, уларни тўплаш, маълум тўпламлар ҳолида чоп этиш фольклоршунослигимизнинг ҳозирги кундаги муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

4. Уйқудан олдин ўқиладиган афсун-дуолар. Маълумки, уйқу тирик мавжудот учун зарурий эҳтиёж ҳисобланади. Инсон ўзидаги ана шу физиологик ҳолат туфайлигина ҳам жисмоний, ҳар руҳий қувват олади. Бинобарин, қадимдан кишилар уйқуга алоҳида аҳамият берганлар. Уйқунинг тинч ва фароғатда ўтиши ҳар бир шахс учун жуда муҳим бўлган. Чунки киши уйқуси қадимги аجدодларимиз учун энг масъулиятли ҳисобланган. Бунинг сабаби шуки, узоқ аجدодларимиз назарида уйқу ярим ўлим бўлиб, бу ҳолатда унинг руҳи танасини тарк этади. Мана шу пайтда у қўрқитилса, албатта, уйғониб кетади ва ўлиб қолиши мумкин. Чунки қутилмаганда уйғотилган руҳ ўз эгасини топа олмай қолиши ва унинг танасига кира олмай қолиши мумкин. Натижада, у киши ҳалок бўлади. Кекса кишиларнинг ухлаган одамни қўрқитмай, оҳиста уйғотишга даъват этишлари ана шундай тасаввурлар билан изоҳланади.

Фрезернинг кўрсатишича, агар ухлаётган кишининг юзи бошқа ранга бўяб қўйилса, танани тарк этган руҳ уни топа олмай қолиши мумкин. Оқибатда, у ўлади. Айрим ҳолларда ёнма-ён ухлаётган икки кишининг руҳи бир бирига адашиб кириб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда бошқа руҳ кирган кишилар ўз вазифаларини янги руҳ талабларига мослаб ўзгартиришлари мумкин²⁸.

Қадимги аجدодларимиз уйқу пайтида кўриладиган воқеа, нарсаларни танани тарк этиб сайр қилиб юрган руҳнинг кўрган воқеа ва нарсаларидан иборат деб билганлар. Мободо киши уйқудан ҳамма ери оғриб, ҳориб уйғонса, унинг руҳи бошқа кишининг руҳи билан уришиб ҳориб қайтган бўлади ва ҳ.к.

Хуллас, ўтмишда кишилар ўзларининг уйқуларига алоҳида эътибор билан қараганлар ва бу фаолиятларини самарали кечишини таъминлашга интиланлар. Мана шундай интилишлар маҳсули сифатида уйқу олдидан ўқиладиган хилма-хил афсунлар яратилганки, улардан айримлари ҳозир ҳам кексалар томонидан фойдаланилади. Ана шундай афсунлардан бири қуйидагича: “Ўтдим тинч, ёстиғим нотинч, беҳиштда бир туп чинор, барглари маржон, мандан слом курай шохли илонга”.²⁹

Мазкур афсун асосида қадимги асотирлардан бири ётади. Ана шу асотирга кўра, жаннат эшигини улкан шохли илон қўриқлаб ётар эмиш. Агар ҳар бир киши уйқу олдидан афсун ўқиб, ана шу илонга йўлласса, у дунёда унинг жаннатга кириши осон бўлиб, уйқуси тинч ўтар эмиш.

Мана шу хилдаги афсун намуналари профессор М.Муродов томонидан ҳам ёзиб олинган бўлиб улар матн, образлар тасвиридаги айрим деталлар жиҳатидан бироз фарқлансалар ҳам, бироқ моҳият эътибори билан юқоридаги афсундан фарқланмайдилар. Мана улардан айрим намуналар:

**Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
Ўтдим, ё олло, тинч ухлай, иншолло,
Ёстиғим тагида каломулло, дейман астағфурилло.
Баҳиштда бир туп чинор, барглари гавҳар,
ўзи тилло, мандан саломлар бўлсин икки шохли,**

²⁷ Богатирев П.Г. Вопросы теории народного искусство. М., 1971-С.188-190.

²⁸ Дж. Фрезер. Золотая ветвь. кн.1. М., Изд-во «Атеист», 1928.-С. 23-33.

²⁹ Айтувчи: Муродилло Зиёдилло ыли (Наманган вилоят Янгикўр\он туман Хыжа шырхон =ишло\и), ёзиб олувчи: М.Муродов.

**мўйловдор ёлли илон подшога (ўнг томонга) куф-суф,
(чап томонга) куф-суф³⁰.**

Кейинги афсун эса юқоридагидан кескин фаркланиб туради. “Бисмиллохир раҳмонир раҳим, (дастлаб ўнг ёнида ётиб), чап ёнимда ётайин-тушумда беринг, ўнг ёнимда ётайин, ўнгимда беринг, илоҳо омин(ўнг ва чап томонларига қараб) куф-суф, ётойин ёним билан, турғазгин имоним билан, куф-суф”.

Ота-боболаримиз учун уйқу қанчалик масъулиятли бўлмасин ундан соғ-омон уйғониш ҳам шунчалик шодлик бахш этган. Чунки сокин, фароғатли уйқудан киши яхши тушлар кўриб, шод кайфиятда уйғонса, шу куни унинг ишида ҳам барор, барака бўлади. Шу боис ота-боболаримиз уйқудан туриш пайтида ўқиладиган афсунлар ҳам яратганлар:

**Бисмиллохир раҳмонир раҳим!
Кечаси кетиб тонг отди, шукур,
Уйқу кетиб кўз очилди, шукур,
Тушим келсин ўнгидан, шукур
Ишим келсин ўнгидан, шукур,
Уйқу ўлик, ўйғотган эгамга, шукур,
Тонг оқариб турғизган эгамга, шукур,
Ўнгим билан турдим, ишим ўнгли бўлсин деб,**

Баъзи халқ афсунларида ётиш ва уйқудан туриш пайтидаги айтимлар қўшиб юборилган, яъни уйқудан олдин ва уйқудан кейин туриш пайтида айтиладиган афсунлар биргаликда айтилган. Масалан:

**Бисмиллохир раҳмонир раҳим!
Ётдим ёталоқ, турдим туғалоқ,
Ётдим тинч, турай омон,
Ётдим, ё обло, турдим, иншолло,
Ётдим, ё обло, сақлагайсан, ё олло³¹.**

Хуллас, уйқу олдидан ўқиладиган афсунларга уйқунинг тинч ўтиши, яхши тушлар кўриш истаги ва уйқудан яхши кайфият билан уйғониш истаклари тиланади. Уйқудан турганда айтиладиган айтимларда ҳам янги меҳнат кунининг унумли ўтиши, барча ишлари ўнгидан келиши тиланади.

Уйқу олдидан айтиладиган афсун-дуолар қадимги диний китобларда ҳам мавжуд бўлиб, унинг айрим намуналарини С.Оташ ҳам таржимаси билан келтиради. Унинг кўрсатишича, ухлаш учун мўлжалланган дуолар ҳам бор бўлиб, бундай дуо матни қуйидагичадир: “Аллоҳума асломту важҳи илойҳи ва фавазту амри илайка ва олжаоту захри илайка рағбатан ва рағбатан илайка до молжаа вало монкаа минка илла илайк. Аманту бикитобикаллази анзамта ва бинобиййи-кллази арсоит, субҳоноллоҳ ваалҳамду лиллоҳи валаилоҳо иллолоҳу валлоҳу акбар. Астағфуруллаҳс ислози лойлоа ваалҳавваал қаюм”³².

Маъноси: «Оллоҳим, юзимни санга таслим эттим, ичимни санга бурақтим, сиртимни санга дедим, сандан ўлароқ ва кўрқоқроқ санга далдим. Сандан қочиб сиғиниладиган бир ер йўқтир. Индирдиган китобо, гундирдиган элчийа инондим, Аллоҳи тасбиҳ ва она ҳамдаларим, Аллоҳдан бошқа тангри йўқтур. Аллоҳ энг буюқдир. Буюк аллоҳдан мағфират диларимки, ундан бошқа тангри йўқдир. У тирик, ҳар нарсани яратувчидир».

³⁰ Айтувчи: Бибисора Худойберган =изи (Наманган вилоят, Наманган туман +ора полвон =ишло\и), ёзиб олувчи М.Муродов.

³¹ Айтувчи: Бобоева М. (Андижон вилояти, Шахрихон шаҳри), ёзиб олувчи: М.Муродов.

³² Сулаймон Ота. Қырсастилган асар, 99-10-бетлар.

Келтирилган дуо мазмунидан англашиб турибдики, ушбу дуо яратганнинг ўзига банданинг шукронасини, унинг кудрати олдида тобелигини тан олишдан иборат. Дарҳақиқат, инсон, уйқуга, яъни ўлимга борор экан, бу уйқудан уйқудан уйғонадими ёки йўқми, буни фақат олло таолонинг ўзи билади. Шунинг учун ҳам у уйқу олдидан яратганга тавба-тазаррулар қилиши, унинг марҳаматидан шукроналар қилиши ҳар бир мусулмон фарзанди учун фарздир.

Мана шу дуодан сўнг у ўз ўрнига кириб бошқа бир дуони ўқийди. Бу дуо юқоридаги дуога нисбатан анча қисқа бўлиб, уни уч марта такрорласа, янада яхши бўлади. Унинг матни қуйидагича: “Мўъмину биллоҳ, насиҳи биллоҳ наруду ҳавло қуввата илло биллоҳил алиюл азийм”. Маъноси: «Оллоҳга ишонингиз, оллоҳга қувонингиз, бутун ишларимизни оллоҳга ҳавола этамиз. Оллоҳ бизга етар, у на гўзал вакилдир. Қувват ва кудрат у улкан, буюк ва муқаддас оллоҳга оидир».³³

Маълумки, баъзан инсон бирор вақтда уйқудан уйғонишни истаб қолади. Чунки ана шу вақтда у бирор ишни мўлжаллаб қўйган бўлади. Бироқ аксига олиб у белгиланган вақтда уйғонолмай қолиши мумкин, яъни ухлаб қолиши мумкин. Шунинг учун дуолар ичида шундай суралар ҳам борки, киши ётиш олдидан белгиланган бирор вақтда уйғонишни ният қилиб уйғониши мумкин экан. Қуйида ана шу сурани келтирамиз: “Инна аттайна кал кавсар фасалли мераббика ван-ҳар инна шони маника ҳувал абтар»³⁴.

Албатта, юқоридаги сура шартли амалиётда синалгандагина тасдиқланади. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кишининг ўзи истаган соатда уйғониши унинг ҳушёр ётиши, чарчоклик даражаси каби ҳолатлар билан ҳам боғлиқдир, дуо эса инсон учун бир далда ва ўзини ишонтириш воситасидир.

Киши уйқуда босинқираши, даҳшатли тушларни кўриб кўрқиб уйғониши мумкин. Ана шундай ҳолатларда у қуйидаги дуони ўқиса, кўрқуви босилиб, руҳияти ором олади. “Аузу бикелимотиллоҳий-таимати мин бабибҳи вашарри ибодиҳи ва мин ҳамазатуш-шаусти-и ва ан яхдирун”. Маъноси: «Оллоҳнинг газабидан ва қулларнинг шафриндан, шайтонларнинг учрамасиндан ва галмасиндин тун калималарила аллога сиғинаман»³⁵.

Юқоридаги дуолардан ўзга яна уйқу учун мўлжалланган дуо ҳам мавжуд бўлиб, унда олло таолога тавбалар қилиш, унинг кудрати олдида бош эгиш, барча берган инъом-эҳсонлари учун шукроналар қилиш етакчилик қилади. Мана шу дуо матни: “Алҳамду лиллоҳилази атаамана васакана ва касана ва каалана муслимина. Аллоҳумма ханни-но ва борик тааомана ва маввир қудубана ваарҳамона варда анно ва отино тамома неъматина ва давома неъматина ва таома тавфиқиқа ва давома тавфиқиқа ва тамома муҳаббатина ва давома муҳаббатина ва тамома маърифатина ва давома маърифатина ва давома ридваника ва давома ридваника ва-ҳурмати таъамина ва кабибики ва ё илоҳа си-оламин валҳамду лиллоҳи раббил оламин”. Маъноси. «Бизни едирган, ичирган, кийдирадиган ва бизни мусулмонлардан якка-ю-ягона аллоҳга ҳамд бўлсун. Оллоҳим бизни офиятла яшат, ямоғимизни муборак айла, қалбларимизни нурлантир, бизга марҳамат айла, биздан рози бўл, бизга неъматингнинг тамомини ва давомини, тавқингнинг борини ва давомини севгингнинг борини ва давомини, маърифатингнинг барчасини ва давомини, ризолингнинг барини ва давомини эҳсон айла. Ямоғин ва севгилин юзу ҳурматига ва аламларин тангриси, ҳамма аламларнинг эгаси бўлган Оллоҳга махсус ҳамдлар бўлсин»³⁶.

Демак, ислом дини ва унинг муқаддас китобларида барча мўъмин-мусулмонларнинг барча хатти-ҳаракатлари, хусусан, уларнинг тинч ва фароғатда ухлашлари ҳам эътиборда тутилган бўлиб, уларни ўрганиш, ҳалол-пок ўринга ётиш, уйқу олдидан уларни ўқиб ётиш киши руҳига, унинг роҳат ва фароғатда ухлаб дам олиш учун кўмак бериши шубҳасиздир.

³³ Сулаймон Оташ, 100-бет.

³⁴ Ёша манба, 110-бет.

³⁵ Қырситилган манба. 100-бет.

³⁶ Қырситилган манба. 101-бет.

Хулоса қилиб айтганда, уйқу олдидан, уйқудан сўнг ўқиладиган халқ афсун-дуолари, диний суралар ҳам талайгина бўлиб, уларни тўплаш ва илмий нуқтаи назардан ўрганиш, кундалик турмушимизда амалий фойдаланиш эндигина фольклоршунослигимиз кун тартибига қўйилмоқда. Бу ишга рухшуносларимиз, тиббиёт ва педагогика каби фанлар ҳам ўз улушларини қўшсалар, яхши бўлур эди.

5. Осмон жисмлари билан боғлиқ афсун-дуолар.

Қадимги ота-боболаримиз коинот жисмларини хусусан қуёш, ой, юлдузларни муқаддас деб билганлар ва улар инсон ҳаётига, соғлиғига таъсир этади деб ишонганлар. Мана шундай қараш ва эътиқодий тасаввурлар ой ёки қуёш билан боғлиқ хилма-хил афсун-дуоларнинг, маросим ҳамда расм-русумларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Албатта, улар ҳақида талайгина илмий адабиётлар мавжуд бўлиб, биз уларнинг барчаси ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз³⁷.

Ўзбеклар ўртасида фақат янги чиққан ойни кўрганда айтиладиган афсун намуналаригина сақланиб қолган. Чунки ўзбеклар ҳам коинот жисмларидан ойга алоҳида муносабатда бўлганлар. Бунинг асосий сабаби шундаки, ойнинг турли кўриниш ҳолатлари кишиларнинг соғлиги, касб-кори ва хатти-ҳаракатига турлича таъсир кўрсатган. Мана шу таъсирни улар ойнинг кишиларга марҳамати ёки қаҳр-ғазаби деб тушунганлар. Улар учун ойнинг янгиланиши алоҳида эътиборга лойиқ саналган. Янги чиққан ойни кўрган ҳар бир киши унга қарата ўз истакларини қўшиб афсун айтса, унинг барча истаклари осон амалга ошишига ишонганлар. Қуйида келтирилган халқ афсунда кишиларнинг эзгу истаклари ифодаланган:

**Ой кўрдим, омон кўрдим,
Ойбоши олти кўрдим,
Янги йилга бошимни омон,
Бағримги бутун кўрдим.**

Бу хилдаги афсунлар турли вариантларда халқ ўртасида кенг тарқалган. Масалан; қуйидаги афсунда кишилар янаги янги ой чиқишига соғ-омон етишга, ишларининг барор олишига, омад кулиб боқишига истак тиланган: “Илоҳо омин, янаги ой, янаги йилгача эсон-омон, тугал-тўқис етишайлик, бошимиз яхшиликдан чиқмасин, ишимиз ўнгидан келиб омад кулиб боқсин, бола-чақа соғ-омон бўлсин, оймомо, сиздан сўрадим, омон-эсонлик тиладим, омин, оллоҳу-акбар”³⁷.

Юқоридаги афсун-дуо оддий олқиш шаклига тушиб қолган, яъни ҳақиқий халқ афсуннинг насрий мазмунидан иборат. Қуйидаги афсунда эса ҳақиқий халқ афсунга хос изчиллик сақланиб қолган.

**Қўл очиб омин денг
Осмондаги ойга.
Оймомо, сиздан сўрайман,
Омонлигу эсонлик.
Ёмонликмас, яхшилик,
Янги ойга, янги йилга,
Эсон-омон етайлик.
Патиха торттим юзимга,
Умр бергин ўзимга,
Патиха торттим юзимга,
Тинчлик бер элу юртга,
Патиха торттим юзимга,**

³⁷ Фрезер Дж. Золотая ветвь, выпуск IV, М., 1928, 164-166, 170-175, Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии. Л., 1936, с. 18; Саримсоков Б. Узбек маросим фольклори, Тошкент, 1986 ва бошқалар.

³⁷ Айтувчи: Биби Сора Худайберган =изи, ёзиб олувчи М.Муродов.

Соғлик бер ота-онамга, Омин, олоху акбар.

Диний афсунлар ичида ҳам янги чиққан ойни кўрганда ўқиладиган дуолар мавжуд бўлиб, улар С.Оташнинг юқорида зикр қилинган китобида илк бор таржимаси билан келтирилган. Мана ўша дуо: “Оллоху акбар, оллоху акбар, аллоху акбар, лоилоху иллоллох. Аллоҳума ахлилку мояна, бил-омни, вал-инони, вас-садомати вал ислом”. Мазмуни: «Оллоҳ энг буюқдир, оллоҳ энг буюқдир, оллоҳдан бошқа тангрим йўқдир, оллоҳим ойни бизга қувонч, ҳузур ва ислом ила ўтказган»³⁸.

Янги чиққан ойга қарата айтилган афсун-дуолар қайси шаклларда бўлмасин, уларнинг барчасида коинот қисмларига сиғиниш, улардан мадад тилаш, тангри қудрати олдида сажда қилиш каби мазмун етакчилик қилиши мавжуд.

Янги ойга қарата айтилган барча афсун-дуолар заминида коинот жисмлари, камарий культларга сиғиниш, уларнинг қудрати олдида бош эгиш руҳи ётади. Эндиликда ана шу афсун-дуоларнинг мавжуд намуналарини тўплаш, уларни жиддий илмий нигоҳдан ўтказиш вазифаси барча фольклоршунослар олдида турибди.

6. “Ойна кўрсатар” маросимида айтилувчи афсун-дуолар Халқ ҳаётида ойна катта ўрин тутган. Кўзгуда нурнинг синиши ва тасвирнинг айнан қайтиши қадимда кишиларни ҳайратга солган. Кўзгунинг физик табиати ҳақида маълумотга эга бўлмаган узоқ аждодларимиз ойнага ғайритабиий кучга кодир буюм сифатида қараганлар. Кўзгуда нисбатан ана шундай муносабат халқ ўртасида турлича тасаввурларнинг пайдо бўлишига, турлича айтим ва афсун-дуоларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Шунга қарамай халқ ўртасидаги ойна билан боғлиқ маросим ва расм-русумлар, айтим ва афсун-дуолар ҳақида ўзбек этнографияси ҳамда фольклоршунослигида айрим мақолалар бошқа жиддийроқ илмий фикр юритилган тадқиқот йўк³⁹.

Ушбу мақолаларда ойна билан боғлиқ тасаввурларнинг вужудга келиши, унинг турли таъбирномаларидаги талқини, тўй ва мотам маросимларидаги тутган ўрни, ойна билан боғлиқ қарашларнинг фольклор, ўзбек мумтоз адабиётида бадиий деталь сифатида бажарган вазифалари ҳақида илк бор жиддий мулоҳазалар билдирилган. Қуйида биз ана шу удум ҳақида ва унда айтиладиган афсунларнинг айрим намуналари ҳақида тўхталамиз.

Ойна инсонни ҳар хил зиён-заҳматлардан қутқарувчи восита сифатида ҳам қаралади. Чақалоқнинг бешигида ёстиғи остида бошқа нарсалар қатори ойна қўйишни ёки никоҳ тўйларида куёв-келинга ойна кўрсатилиши фақат эзгу мақсадларда қилинадиган удумлар ҳисобланади. Чунки қадимги ота-боболаримиз тасаввурича, кўзгудаги инсон акси унинг шаклидан тушган нурнинг синиши ва қайтишидан иборат эмас, балки унинг ойнадан жой олган руҳидан иборат. Бирор киши вафот этган хонадонда дарҳол ойнанинг юзига қора мато ёпиб қўйилишининг сабаби ҳам шундай қараш билан изоҳланади⁴⁰.

Қадимги тасаввурларга кўра, инсон авфот этса, унинг акси ойнага тушса, марҳумнинг руҳи ана шу кўзгуда жойланиб олади ва у кейинчалик хонадон ахлига тинчлик бермаслиги мумкин. Археолог Б.А.Литвинскийнинг Фарғона водийсида олиб борган қазишмалари бу ҳақда қимматли маълумотлар беради. Масалан, бевосита ҳозирги Фарғона водийси худудида яшовчи аҳолининг узоқ аждодлари ўзларининг марҳумларини икки бўлак қилиб синдирилган ойна билан дафн этишган, яъни бир бўлагини мурданинг чап қўлига қўйишса бир бўлагини марҳумнинг тирик қолган яқин кишиларида қолдирганлар⁴¹.

Бу удумни профессор Б.Саримсоқов икки нарса билан изоҳлайди. Биринчиси марҳум ва тирик қолган кишининг нариги дунёда бир-бирларини топиб олишлари,

³⁸ Сулаймон Оташ. Қырсабилган асар, 155-бет.

³⁹ Саримсоқов Б. Ойнада зуқр этган бахт // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, №4, 30-36 бетлар; Худой=улова Л. «Ойна қырсаатар» маросими фольклори // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, №5.

⁴⁰ Саримсоқов Б. Ёша ма=ола, 32-бет.

⁴¹ Саримсоқов Б. Қырсабилган ма=ола. 53-бет

иккинчиси, синдирилган ойна мархумнинг руҳини тириклар орасида пайдо бўлишидан сақлайди. Чунки, эътиқодларга кўра, ойна синдириш мархумнинг руҳини кучсизлантиради.

Кўзгу ҳақидаги эътиқодий қарашлар шу қадар ранг-баранг ва кучли экан, у ҳолда никоҳ тўйларида келин-куёвга ойна кўрсатиш удуми нима билан изоҳланади? Бизнингча, никоҳ, тўйларида куёв-келинга ойна кўрсатилиши ҳар икки ёшга бахтли ҳаёт кечириб, қўша қаришларини тилаш билан изоҳланади. Чунки ҳар иккисига кўрсатилган ойнадан уларнинг руҳи биргаликда жой олган.

Ойна кўрсатарда айтилган халқ айтимларидан бир варианты қуйидагича:

**Оптови бош-бош,
Хуш келдингиз.
Мулки сўзнинг раҳбари
Хуш келдингиз.
Ою-кунлар сиз учун
Муштоқ эдик.
Жон болам, жононаси
Хуш келдингиз.
Ойна бердик боқсин деб,
Хуш келдингиз.
Қўша қариб юрсин деб,
Хуш келдингиз.
Омин, оллоҳу акбар⁴².**

Албатта, ойна кўрсатар маросимида айтилувчи афсун-дуолар халқимиз ўртасида жуда кўп бўлиши лозим, бироқ улар ёзиб олинмаганлиги сабабли йўқолиб кетган. Ҳозирга қадар нисбатан тўлароқ сақланиб қолган юқоридаги вариант эса яккаю-ягонадир. Шу боис биз фақат ана шу мисол билан чегараланамиз.

Хуллас, ойна кўрсатар удумидаги афсун-дуо сеҳри бевосита кўзгу ҳақидаги узок аجدодларимизнинг эътиқодий қарашларига, ойнанинг сеҳр-қудрати ҳақидаги қарашларига бориб тақалади.

7. “Чироқ айлантитар” удумида айтилган афсун-дуолар.

Маълумки, айрим ерларда никоҳ тўйларида куёв-келинларнинг бошидан чироқ ёки ёнаётган шамни айлантирадилар ва бу удум “чироқ айлантитар” деб аталади. Худди ана шу пайтда айтиладиган махсус афсун-дуолар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпи унутилиб кетган.

“Чироқ айлантитар” удуми ўзининг тарихий асослари билан ўтга, оловга сиғиниш одатининг қолдиқларидан иборат бўлиши лозим. Чунки оловга қадимда икки хил қараш мавжуд бўлган. Булардан бири олов (ўт) ёруғлик манбаи бўлиб, у қуёшга сиғинишидан келган. Дарҳақиқат, қуёш бутун оламга иссиқлик ва ёруғлик берувчи ягона муқаддас манба бўлиб, унинг ҳарорати ва нурисиз ер юзида ҳаёт бўлмайди. Чиндан ҳам фақат қуёш нури ва ҳарорати билан бутун мавжудот тирикчилик қилади. Ёниб турган чироқ, шам ёки олов ана шу муқаддас коинот қисмининг бир парчаси ҳисобланган. Бу назария олов (ўт)нинг келиб чиқиши ва бажарган вазифаси кишидаги коинот қисмлари (соляр) назарияси деб аталади ва жуда кўп халқларнинг эътиқодий қарашларида ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Олов (ўт), бинобарин, чироқнинг сеҳрли, куч-қудрати ҳақидаги иккинчи хил қараш бу ўт билан руҳларни қувиш ва покловчилик хусусияти ҳақидаги назария ҳисобланади. Бундай қараш қадимги шаманликда олов воситасида даволаш, қўл воситасида кинна

⁴² Айтувчи: Мъғмина момо Зиёдулло =изи (+аш=адарё вилояти, +арши туман Таслимаром =ишло\и), ёзиб олувчи: Б.Саримсо=ов.

силаш, кишини олов атрофида айлантириш, ёниб турган исирикни бош атрофида айлантириш, ўт билан алас-алас қилиш, қабристон ва бошқа муқаддас жойларда, мурда чиққан хонадонларда чироқ ёқиш каби ҳолатларда сақланиб қолган. Албатта, сиғиниш ва унинг тарихий асослари ҳақида жуда ҳам кўп илмий адабиёт яратилганлиги сабабли биз улар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз⁴³.

Чироқ айлантирар удуми асосида ёш куёв-келинларга ёруғ умр йўли, бир-бирларига иссиқ меҳр тилаш истаги ётади. Шу билан бирга ушбу удум асосида уларни ёмон кўзлардан асраш, ёмон руҳлар зиён-заҳматдан поклаш каби ниятлар ҳам ётадики, бундай қарашлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг қадимий эътиқодий қарашлари билан алоқадорликда яшаб келади. Удум пайтида айтиладиган айтимлар турли жойларда турлича вариантларда тарқалган бўлишига қарамай улардан фақат ягона қуйидаги намуна ёзиб олинган:

**Чироқ чироқдан айлансин,
Чимилдиқ қуроқдан айлансин,
Жуфт тангасини бермаса,
Куёв қиздан айлансин,
Жуфт тангасини берса,
Қиз куёдан айлансин,
Чироқ чироқдан айлансин,
Чимилдиқ қуроқдан айлансин,
Куёв харжини берса,
Янгаси куёвдан айлансин,
Келин харжини берса,
Янгаси келиндан айлансин,
Умрлари узун бўлсин,
Меҳрлари иссиқ бўлсин,
Йўллари ёруғ бўлсин,
Ризқ-рўзи мўл бўлсин,
Болалари кўп бўлсин.
Омин, оллоху акбар⁴⁴.**

Хулоса қилиб айтганда, чироқ айлантирарда айтилувчи афсун-дуоларда ёш куёв-келинга меҳр-муҳаббат, узоқ-умр, серфарзанд бўлиш, тўкин-сочинлик, баракали ризқ тилаш истаклари ифодаланган. Бу тилакларнинг қай даражада амалга ошиши эса айлантирилаётган чироқдаги муқаддас оловнинг покловчилик, хомийлик куч-қудратига ишонч орқали мустаҳкамланади.

8. Йиртқич хайвонларнинг оғзаки боғлаш учун айтиладиган афсун-дуолар.

Маълумки, ўтмишда Ўрта Осиё халқлари овчилик билан ҳам шуғулланишган. Шу боис бу халқлар ҳаётида чорвачилик ҳам кенг тарқалган. Чорвани йиртқич хайвонлар тажовузидан сақлаш, айна пайтда ўзларининг жонларини ҳам омон сақлаш мақсадида айтилувчи бундай афсун-дуолар ҳаётда қай даражада фойда етказган бу бизга қоронғу. Аммо ана шу хилдаги афсун-дуоларни истифода этиш орқали узоқ ажодларимиз ўзларига таскин берганлар.

⁴³ Фрезер Дж. Золотая ветвь. выпуск IV, гл. XIII, XIV ; Штернберг Л.Я. Первобытная религия в свете этнографии Л., 1936; Аргинбаев Х. Народные обычаи и поверья казахов, связанные со скотоводством. //Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., 1987.-С. 194-205; Сухарева О.А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков. //Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1975,-С. 5-93; Полянов С.П., Черемных А.И. Погребальные со оружия населения долины Зарафшана. Кырсатилган тыплам, 261-297-бетлар; Лобачева Н.П. Различные обрядовые комплексы в свадебном церемониале народов Средней Азии и Казахстане. Кырсатилган тыплам, 298-333-бетлар; Саримсо=ов Б. Ызбек маросим фольклори. Тошкент, 1986, 194-бет.

⁴⁴ Айтгучи: Турдимова Бувишой (Самар=анд вилояти, +ушработ тумани, +уштам\али =ишло\и) ёзиб олувчи: Б.Саримсо=ов

Ҳозир йиртқичларнинг оғзини боғлаш учун айтилган афсурларнинг ягона нусхаси сақланиб қолган, холос. Ушбу афсунда йиртқичларнинг оғзи, ўғриларнинг кўзини боғлаш ҳақидаги истак ифодаланган. Мана ўша афсун: “Қулху оллоху ҳазор-ҳазор, аятул курси ҳазор-ҳазор, гирди мулки ман Ҳисор, Муҳаммад расулу чорёр, бастам барбастам, даҳани гургон ва чашми дўздон ва гургон дарандагон, Худоё, баста кардам, кулф кардам ба кулху оллоху аҳад, калид кардам ва бисмиллоҳир-рахмонир-рахим, куф-суф”⁴⁵.

Афсун матни тожик тилида бўлиб унинг ўзбекча таржимаси қуйидагича: “Қулху оллоҳ минг-минг, оятил курси минг, минг, мулкимнинг атрофи Ҳисор, Муҳаммад Расулу чорёр, боғладим яна боғладим, буриларнинг оғзи ва ўғриларнинг кўзини ва жамики йиртқичларнинг оғзини. Э худо, боғладим, кулху оллоху аҳад билан кулфладим, бисмиллоҳир-рахмонир-рахимдан калид қилдим, куф-суф”.

Афсун мазмунидан маълум бўладики, афсунда “Қуръони карим”даги “сураи ихлос” ва “оятил курси” каби суралар ҳамда пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳамда унинг издошлари-чорёрлар Абубакир, Умар, Усмоғ, Алилар шахсиятига илтижо қилиниб, йиртқич ва ўғриларнинг оғзи ва кўзи боғланиши сўралади.

Бу афсуннинг амалий таъсири қай даражада эканлигини биз билмаймиз. Аммо кўпгина кексаларнинг тасаввурича, “сураи ихлос”ни ўқиб, тўрт томонига куф-суф қилинса, ўша кимсага йиртқичлар тажовуз қилишмайди, ўғриларнинг назари унинг мол-мулкига тушмайди. Мана шу тасаввур ва ишонч туфайли юқоридаги афсун халқ ўртасида ҳамон сақланиб келади.

Эндиги вазифа халқ афсун-дуоларининг бундай кўринишларини турли жойлардан ёзиб олишдан иборат.

9. Чақалоқни бешикка белашда айтиладиган халқ афсун-дуолари.

Ўзбек халқи-болажон халқ, шу боис ҳар бир ота-онанинг ўз боласига айниқса, янги туғилган чақалоққа бўлган муносабати ўзгача. Чақалоқнинг чилласи даврида, айниқса, унинг илк бор бешикка белашда айтиладиган афсунлар талайгина. Бундай афсунларда болага узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, тўкин-сочинлик, ризқи улуғлик тиланади. Мана шундай айтимлардан бири:

**Бешиклари олчадандир,
Олдалаб олсин ота-момоси,
Бешиклари шоптолидандир.
Жаранглаб олсин эна момоси,
Бешиклари олмосдандир,
Суйиб олсин аммажониси,
Кўзилари қўй бўлсин,
Йиққанлари тўй бўлсин,
Отажони бой бўлсин,
Уловлари той бўлсин,
Оллоху, акбар⁴⁶.**

Ўтмишда бу хилдаги узундан-узоқ айтилган экан, бироқ ҳозирда улар унутилиб, жуда қисқа ҳолга келиб қолган. Чунки болани бешикка солишда айтиладиган афсунларнинг аксарияти фақат кекса аёллар хотирасидагина сақланиб қолган, холос.

Бундай афсунлар турли жойларда турлича кўринишларда айтилган. Масалан, қуйидаги айтим ўзининг шакли ва характери билан юқорида келтирилган афсундан фарқланиб турса ҳам, аммо моҳият ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир хилдир:

Коралидандир бешиги,

⁴⁵ Айтувчи: Саибназаров Ашмаджон, ёзиб олувчи: Б.Саримсо=ов.

⁴⁶ Айтувчи: Болаева Ханифа (Бухоро вилояти, +ора=ул тумани, Жи\ачи =ишло\и), ёзиб олувчи: Б.Саримсо=ов.

**Қайрилиб олсин онаси,
Тилла қамишдан бешиги
Товланиб олсин бувиси.
Шафтолидандир бешиги,
Шопиллаб ўпсин опаси,
Жийда дарахтидандир бешиги
Кўтара қолсин акаси,
Худойим кўйдан берсин,
Фақатгина уйдан берсин,
Базми жамшид тўйдан берсин,
Пахлавондай бўйдан берсин.
Оллоху, акбар⁴⁷.**

Кўриниб турибдики, ҳар икки афсун ҳам мазмун, моҳият эътибори билан бир биридан фарқланмайди. Улар ўртасидаги асосий тавофут мисраларидаги сўзларнинг ўрни, сатрларнинг синтактик қурилиши, деталларнинг миқдори ва тартиби, тиланаётган эзгу истакларнинг тартибида кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбеклар ўртасида чақалоқни бешикка белашда айтиладиган афсунлар ранг-баранг бўлиб, унинг энг кўп тарқалган вариантлари юқоридагилардан иборат. Бундай, афсунлар қандай шаклда бўлмасин, уларда ягона кўзланган мақсад-бешикка солинаётган болага соғлиқ, узоқ умр, сихат-саломатлик, тўкин-сочинлик тилашдан иборат. Халқ афсунларининг бундай кўринишлари узоқ йиллар мобайнида кўпчилик оғзида айтилаверганлигидан бўлса керак, изчил шеърӣй шаклга тушиб қолган. Албатта, унинг шеърӣй тузилиши, бадиияти ҳақида ишимизнинг навбатдаги бобида батафсилроқ тўхталамиз.

Биз юқорида ўзбек халқ афсун-дуоларининг турли муносабатлар билан турли ҳолатларда ижро этиладиган тўққиз хилини келтирдик. Албатта, ўзбеклар ўртасида ҳам уларнинг хиллари анча кўп бўлиши лозим. Масалан, профессор Б.Саримсоқов батафсил таҳлил этган бадик ва кинна кабиларни кўшиб ҳисобласак, ўзбек халқ афсун-дуоларининг миқдори ундан ортиб кетди. Ўтмишда эса уларнинг миқдори анча кўп бўлган. Бироқ турли даврларда турли идеологик муносабатлар таъсири остида халқ афсун-дуоларининг бир қанча хиллари унутулиб кетганлиги аниқ. Ҳозир у ёки бу даражада сақланиб қолган халқ афсун-дуоларининг ўн бир хили ўзларининг ижро этилиш ўрни ва бажарган вазибаларига қараб қуйидаги уч гуруҳга ажралади.

I. Апотропик (қувловчи) афсун-дуолар

Бу хилдаги афсун-дуоларда сеҳр-жоду қудратига эга бўлган тумор, доира, пичок, игна, туз, пиёз, саримсоқ, нон, исирик, пул каби воситалар ёрдамида киши танасига кириб олган ёмон руҳлар қувилади. Бундай матн ижроси пайтида афсун-дуолар турли туман пирларга, вали ва пайғамбарга мурожаат этилиб, оллоҳ-таолодан мадад тиланади. Масалан: кинна, бадик, кўз оғриғи, кўчирик, алас-алас каби афсунларни бунинг ёрқин намунасини кўриш мумкин.

2. Картик (химоя қилувчи) афсун-дуолар.

Бу хилга турли аврашлар: уйку олдидан, уйқудан сўнг, йиртқичларнинг оғзини боғловчи афсун-дуолар мансуб бўлиб, улар бизга қадар тўлиқ сақланиб қолмаган, балки қолдиқ ҳолда етиб келган.

⁴⁷ Айтувчи: Ма=сумова Робия (Анджон вилояти, Шаҳрихон шаҳри, Нур машалласи), ёзиб олувчи: С.Мирзаева.

«Ойна кўрсатар», болаларни бешикка солганда, шунингдек чироқ айлантиришда ўқиладиган афсун-дуолар ҳам шу турга мансубдир. Чунки уларнинг барчаси ёш куёв-келиннинг, чақалоқнинг зиён-заҳматлардан, инс-жинслардан, ёмон назарлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладилар.

3. Метеорологик (коинот жисмлари, табиат ҳодисалари ҳақидаги) афсун-дуолар.

Бу хилдаги афсун-дуоларда табиат ҳодисалари, коинот жисмлари олдида узларини ожиз деб билган кишиларнинг раҳм-шавқат сўраб қилган илтижо-истаклари ўз ифодасини топган. Ёмғир чақириш, шамол тўхтатиш ёки шамол чақириш дуолари шулар жумласидандир.

Хуллас, ҳозиргача сақланиб қолган ўзбек халқ афсун-дуоларини асосий йўналиши ва бажарган вазифаларига қараб юқорида қайд этилган гуруҳларга бўлиш мумкин. Бироқ, бу ўзбек халқ афсун-дуоларининг охириги таснифи дегани эмас. Кейинчалик олиб бориладиган изланишлар, янги топилган афсун-дуолар юқоридаги таснифини тўлдириши мумкин. Масалан, касб-кор билан боғлиқ, зиён-заҳмат етказишга хизмат қилувчи каби афсун-дуолар бўлиши ҳам мумкин. Бу эса келажакдаги вазифаларимиздан ҳисобланади.

ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСУН-ДУОЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ.

Ўзбек халқ афсун-дуолари қадимги аجدодларимизнинг табиат ҳодисалари, кишиларнинг сеҳр-жоду қудратларига ишонч-эътиқодлари натижасида вужудга келгандир. Шу боис афсун-дуоларга кишилар эстетик лаззат олиш истаги билан эмас, балки кундалик маиший эҳтиёж туфайли мурожаат этганлар. Масалан, кимдир кўзикиб қолади, кимдир бирор заҳарли жондор чақиб олади ва ҳ.к. Мана шундай пайтларда кишилар чорасизликдан ота-боболари қачонлардир кашф этган ва сеҳр-жоду қудрати бор деб тахмин этилган айтимларга, хатти-ҳаракат ва нарсаларга мурожаат қилганлар. Маълум бўладики, халқ афсун-дуолари эстетик вазифа бажарувчи жанрлар бўлмай, балки соф маиший-амалий вазифа ўтовчи жанрлар ҳисобланади.

Бироқ узоқ даврлар мобайнида такрор ва такрор қўлланиш оқибатида бу айтимлар муайян катъий бадиий шаклларга келиб қолган. Узоқ вақтлар ўтиши натижасида айтимлар таркибида учрайдиган исмлар ҳам ўз тарихийлигини йўқотиб, соф бадиий тўқима образлар даражасига келиб қолган. Қолаверса, афсунлар матнидаги такрорлар, параллелизмлар, бир хил маром (ритм), синонимларидан фойдаланиш, боғловчиларнинг кўп қўлланиши ушбу матнларга муайян даражада ҳиссий таъсир кўрсатиш хусусиятини ҳам бағишлаганки, бу хусусият ҳам афсун-дуоларни фольклорнинг амалий вазифа ўтовчи жанрлари сифатида ўрганиш ҳуқуқини беради. Мана шу мулоҳазалардан келиб чиқилган ҳолда биз ишимизнинг мазкур бобида ўзбек халқ афсун-дуоларининг бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, «поэтика» термини икки маънода, яъни назария ва бадиийлик маъноларида қўлланилади.¹ Биз ушбу терминни фақат иккинчи маънода ишлатамиз. Худди шу маънода бошқа халқларнинг афсун-дуолари анча ўрганилган².

Келтирилган адабиётлардан кўриниб турибдики, рус халқ афсун-дуолари турли жиҳатдан, поэтик табиати нуқтаи назаридан ҳам анча жиддий ўрганилган. Ўзбек фольклоршунослигида эса Б.Саримсоқовнинг бадик, кинна каби афсун-дуолар ҳақидаги тадқиқотидан бошқа бу соҳада қилинган махсус бирорта ҳам тадқиқот кўзга ташланмайди³.

Мана шу ҳолатни ҳисобга олиб биз қуйида ўзбек халқ афсун-дуоларининг бадиийлиги ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, афсун-дуолар бадиияти масалалари ҳам ниҳоятда кенг қамровли масала бўлиб, у асл маънода афсун-дуоларнинг ҳам мазмуний жиҳатларидаги, ҳам шаклий жиҳатларидаги бадииятини қамраб олади. Бу икки жиҳатнинг барча муаммоларини ҳал этиш анча мушкул. Шуни ҳисобга олиб биз афсун-дуолар бадииятидаги уч масала ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Булар, афсун-дуоларнинг композицияси, образлар тизими, шаклий хоссаларидан иборат. Бу уч масала афсун-дуоларнинг жанрий хоссаларини, образлар дунёси ва бадиий-тасвирий, бадиий-ифодавий хусусиятларини тўла ифодалай олади.

Маълумки, афсун-дуоларнинг тузилиши кўпгина тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келади. Жумладан, рус олими Е.Г.Кагаров афсун-дуоларни беш қисмдан иборат тузилишга эга деб изоҳлайди⁴. Унингча, ҳар бир афсун-дуо қуйидаги қисмлардан: 1) худо ва пайғамбарларга мурожаат, улардан мадад сўраш, 2) эпик қисм, 3) лирик қисм, 4) мистик қисм, 5) яқундан иборат. Эпик қисмнинг ўзи эса: 1) афсунхон томонидан қилинадиган хатти-ҳаракатга кўрсатма бериш; 2) дўқ-пўписа қилиш; 3) руҳларга мадҳ ва мактовлар қилиш; 4) душманга, яъни ёмон руҳларга зарба бериш; 5) беморга раҳм-шавқат уйғотиш; 6) илохий қудратга ишора қилиш; 7) ҳикоя қилиб бериш каби қисмлардан ташкил топган. Лирик қисм эса тўрт қисмдан иборат деб кўрсатилади.

¹ Хотамов Н.Т., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент, 1979, 242-бет.

² Буслаев Ф.И. О народной поэзии в древней русской литературе. //Исторические очерки русской народной словесности и искусства. СПб, 1861, т. 2-С. 31-32; Афанасьев А.Н. Поэтические воззрения славян на природу. Т. Я. М., 1867-С.. 43-44; Потевня А.А. Малорусская народная песня по списку XVI в Воронеже, 1877, с. 1-53; Зелинский Ф.О. О заговорах История развития заговора и главные его формальные черты М., 1897-С.. 4-24; Астахова А.М. Художественный образ и мировоззренческий элемент в заговорах. М., 1964; Кагаров Е.Г. Словесные элементы обряда. //Из истории русской советской фольклористики. М., 1981-С. 66-76; Познанский Н. Заговорах. Опыт исследования происхождения и развития заговорных формул. Пг, 1917-С. 142-153; Кружаевский Н. Заговоры как вид русской народной поэзии. Варшава, 1876-С. 31; Власов З.И. К изучению поэтики устных заговоров. Русский фольклор. Т. XIII.Л., 1972, с. 194-202; Ильинская В.Н. Заговоры и исторические действительность //Русский фольклор, т. XVI. Л., 1976-С. 200-207; Патров В.П. Заговоры. Из истории русской советской фольклористики. Л., 1981-С. 77-142.

³ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори, Тошкент, 1986, 139-211-бетлар.

⁴ Кагаров Е.Г. Словесные элементы обряда //Из истории русской советского и фольклористики, Т., 1981-С. 73.

Афсун-дуолар тузилиши ва таркибий қисмлари юзасидан кузатишлар олиб борган З.И.Власова, В.Н.Ильинскаялар эса халқ афсун-дуолари уч қисмдан-бошланма, эпик қисм ва тугалланмадан ташкил топган деб кўрсатадилар⁵.

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг таркибий қисмлари ҳақида профессор Б.Саримсоқов ҳам алоҳида тўхталиб, уларнинг уч қисмдан: бошлама, баён қисми ва тугалланмадан иборат деб кўрсатади⁶.

Ўзбек халқ афсун-дуолари устида олиб борган кузатишларимиз танлаган материалларимиз шуни кўрсатадики, халқ афсун-дуолари асосан уч қисмдан-бошлама, баён қисми ва тугалланма каби қисмлардан ташкил топганлар. Агар бошламада афсунхон худога, пайғамбарга, авлиёларга, пирларга мурожаат қилиб, уларнинг мададига таяниб у ёки бу ишга қўл ураётганлигини маълум қилса, баён қисмида бевосита ёмон рухларга мурожаат қилиб, уларни бемор танасини тарк этишга ундайди. Якунловчи қисмида эса яна илоҳий кучлар, пирларга шукроналар қилишиб, беморга соғайиб кетиш тилаклари билдирилади.

Хулоса қилиб айтганда, афсун-дуолар тузилиши, уларнинг асосан уч қисмдан иборатлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Балки ўтмишда ўзбек халқ афсун-дуолари ҳам Е.Г.Кагаров кўрсатганидек, мураккаб таркибий қисмлардан иборат тузилишига эга бўлгандир. Бироқ, даврлар ўтиши, моҳир афсунгарларнинг аста-секин йўқолиб ёки камайиб кетиши, афсун-дуолар матнларининг унутилиши оқибатида бизга қадар уч қисмдан иборат тузилишга эга бўлган материаллар етиб келган. Афсун-дуолар матнларининг таркибий қисмлари ва уларнинг бажаражак вазифаларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, уч қисмдан иборат таркибий қисм қадим-қадимдан сақланиб, бевосита амал қилиб келаётган афсун-дуоларнинг узвий қисмлари бўлиб, уларсиз ҳар қандай афсун-дуолар таркибининг мураккаб қисмларига бўлиниши ҳақидаги қарашлар қандай матнларга асосланиши ана шу матнларни ижро этувчиларнинг профессионаллик даражалари, матндаги ҳар бир узвнинг тарихан ишонарлилиги ёки ишонарли эмаслиги каби масалалар ҳам етарли текширилмаганлиги сабабли афсун-дуоларнинг таркибий қисмлари мураккаб эканлиги ҳақидаги фикрларга биз қўшила олмаймиз. Бинобарин, ўзбек халқ афсун-дуоларининг поэтикаси ҳақидаги барча фикр-мулоҳазаларимиз юқорида кўрсатилган уч қисм ҳақидаги қарашлардан иборат бўлади.

Ўзбек халқ афсун-дуолари уч қисмдан ташкил топган экан, уларнинг ҳар бири қатъий ва ўзгармасдир. Аммо, афсун-дуолар ягона бир жанрни ташкил этмай, аксинча, ягона вазифа ўтовчи, ҳар бири ўзига хос мазмуний қамров ҳамда бадий хусусиятларга эга бўлган жанрлар туркумини ташкил этади. Уларнинг ягона вазифа ўташларига қараб барча афсун-дуоларни ташкил этувчи узвларга жиддий диққат қилсак, барча афсун-дуолар ўз таркибидаги узвлар яхлитлиги билан бир бирларига боғлиқлик ҳам касб этганликларини кўраемиз. Масалан, ҳар бир афсун-дуо ижро этилиши уч нарсанинг мавжудлигини талаб этади. Биринчиси-муайян тартибда такрорланувчи хатти-ҳаракат. Иккинчиси-айтилиши зарур бўлган барқарор матн, учинчиси-сеҳр-жоду қудратига эга деб тасаввур этилган нарсалар.

Олимлар ўртасидаги ушбу узвлардан қай бири биринчи деган масалада ҳам ягона қараш йўқ. Масалан, Н.Крушевский, М.Астахова, Е.Кагаров, В.Власова, Б.Саримсоқов каби тадқиқотчилар афсун-дуолар таркибидаги сўз, хатти-ҳаракат, сеҳрли буюмларнинг барчаси бирламчи, улар фақат биргаликдагина амал қилувчи узвлар ҳисобланадилар, деб қарайдилар⁷. Н.Познанский эса афсун-дуоларда хатти-ҳаракат бирламчи, сўз ва нарсалар сеҳр-жодуси иккиламчи, деган фикрни илгари суради⁸.

⁵ Власова Э.И. Изучению поэтики устных заговоров //Русская народная проза. Русский фольклор, Т. XIII. Л., 1972.-С. 194-202; Ильинская В.Н. Заговоры и историческая действительность //Историческая жизнь народной поэзии. Русский фольклор. Т. XVI, Л., 1976.-С. 200-207.

⁶ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклорининг жанрлар састави, генезиси ва поэтикаси филология фанлари док. диссертацияси. Тошкент, 1987, 220-бет.

⁷ Астахова М. Художественный образ и мировоззренческий элемент в заговорах. М., 1964.-С. 3; Кагаров Е.Г. Словесные элементы.-С. 66-76; Власов З.И.К изучению поэтики.-С. 194-201; Крушевский Н. Заговоры как вид русской народной

Албатта, афсун-дуоларнинг турли тараққиёт босқичларида бу узвларнинг бажарган вазифалари ҳар хил бўлган. Аммо умуман принцип нуқтаи назаридан қаралса, афсун-дуоларнинг вужудга келишида сўз, ҳаракат ва сеҳрли буюмларининг бир хил аҳамият касб этгани аниқ. Масалан, сеҳр-жоду қудратига эга деб билинган айланма ҳаракат, яъни бирор нарсанинг атрофида айланиш, ўз ҳолича сеҳрли ҳаракат ҳисобланади. Бироқ бу ҳаракат муайян матнларисиз ўзининг мазмунини, вазифаларини адо эта олмайди. Демак, сўз ва хати ҳаракат бирлашгандагина бир-бирларининг сеҳрли таъсир қудратини кучайтирадилар. Аммо шундай ҳолатларда ҳам бўладики, уларда хатти-ҳаракат ҳам, сўз ҳам ожизлик қилиб қолади. Бундай пайтларда афсун-дуоларнинг сеҳр-жоду кучи нон, пичоқ, қалампир, кўз тикан, кекса кишининг кийими, чорраҳа тупроғи, пул, майда тош, танга пул каби тарихан сеҳр-жодуга эга деб тасаввур қилинган нарсалар воситасида янада кучайтирилади. Чунки қадимги ота-боболаримиз сеҳрли буюмларни қай даражада моддий деб билсалар, кишилардаги турли касалликларни ҳам шу даражада моддий нарса сифатида тасаввур қилганлар. Демак, моддий нарсага моддий нарсанинг таъсири анча кучли ва фойдали бўлади. Мана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтилса, афсун-дуолар ижроси пайтида иштирок этадиган барча узвлар тенг-ҳуқуқли ва бир хилдаги тарихий аҳамиятга молик.

Хулоса қилиб айтганда, афсун-дуолар поэтикасини биз матн бадиияти, мазмун бадиияти жиҳатидан таҳлил этамиз, хатти-ҳаракат, буюмлар бадииятини текшириш бизнинг вазифамизга кирмайди. Шу боис афсун-дуоларнинг бу узвининг бадиияти масалалари ҳақида биз сўз юритмаймиз.

Маълумки, афсун-дуолар ҳам қадимги инсонларнинг ўз саломатликлари, тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари йўлида олиб борган курашларини, хатти-ҳаракатларини, интилишларини акс эттиради. Бироқ бу кураш ва интилишлар ўз даврининг ҳукмрон дунёқараш, эътиқодий тасаввурлари доирасидан ташқарига чиқа олмаган. Мана шунинг учун афсун-дуолардаги образлар тизимида мифологик образлар (жин, дев, пари, ёмон рухлар) билан бир қаторда реал инсон образи (афсун ўқийдиган шахс ёки бемор) иштирок этади. Бундан ташқари афсун-дуоларда инсонга зарар етказган қорақурт, илон ёки ари, чаён каби газандалар билан бир қаторда кишиларга хайрихоҳ қалдирғоч образи ёхуд коинот жисмларидан оймомо образлари ҳам мавжудки, улар афсунлар таркибида муҳим магик вазифа бажарадилар.

Ёмон рухлар ҳамма вақт кишиларга зарар етказишга, уларнинг соғлигига путур етказишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам кишилар бирор нарса билан касаллансалар, дарҳол бахши (қушноч), парихон ва азайимхонларга мурожаат этиб, улардан мадад тилаганлар. Чунки қадимда кишилар бундай шахсларда сўз ва жоду қудратини бениҳоя деб билганлар. Инсон танасидаги хасталикни эса улар ёмон рухларнинг таъсирида кириб олган моддий нарса сифатида тасаввур қилганлар. Шу боис бахши (қушноч) ёки парихонлар афсун-дуолари воситасида хасталикка буйруқ оҳангида мурожаат этиб, уларни бемор танасини тарқ этишга даъват этганлар.

Афсун-дуоларнинг ўзига хосликлари яна шунда кўзга ташланадики, уларда инсон танасига кириб олган хасталик ҳам моддий борлик, яъни жонли нарса сифатида тасаввур этилган. Бундай хусусият нафақат ўзбек, балки жуда кўплаб халқларнинг афсун-дуоларида ҳам учрайдиган типологик ходиса саналади. Рус халқ афсун-дуоларини текширган В.П.Петров бу ҳақда қуйдагича ёзади. «Афсун-дуоларда хасталик моддий мавжудот сифатида тасаввур этилади ва у инсонга ёпишиб олиб, уни қийнайди, емиради ва ейди»⁹.

Мана шундай тасаввурларга кўра, касаллик қадимги кишилар онгида фақат ё хайвонга, ё инсон киёфасида тасаввур этилган. Афсун-дуолардаги касалликни қувиб

поэзии. Варшава, 1875.-С. 31; Саримсаков Б.И. Узбекский обрядовый фольклор его жанровый состав, генезисе и поэтика, АДД, Тошкент.-С. 25-27.

⁸ Познанский Н. Заговоры. Опыт исследования происхождения и развития заговорных формул. Пг. 1917.-С. 142-153.

⁹ Петров В.П. Заговоры. //Из истории русской советской фольклористики. Л., 1981.-С. 97.

чиқариш, ҳайдаш билан боғлиқ бўлган ундовлар, даъватлар бевосита ана шундай тасаввурларга асосланади. Шунинг учун ҳам афсун-дуоларда касалликни қувиш, уни бошқа нарсаларга ёки ўзга кишиларга кўчириш каби усуллар мавжуд.

Демак, халқ афсун-дуоларидаги ёмон рухларга, хасталикка қарши қўлланиладиган воситаларда сўзнинг сеҳр-жоду қудрати қаторига хатти-ҳаракат, магик кучга эга бўлган нарсаларнинг кўшилиши, энг аввало, афсун-дуоларнинг таъсир кучини орттиришдан иборат бўлса, иккинчи томондан, моддий тузилишига эга бўлган хасталикка бевосита моддий нарсалар орқали зарба беришдан иборат.

Ўзбек халқ афсун-дуоларида кишиларга зиён етказувчи, унинг соғлигига зарар берувчи, барча ишларига халал берувчи образлар билан бир қаторда унга фақат кўмак берувчи, ишларида омад, сиҳат-саломатлик бахш этувчи оймомо, қалдирғоч, Сулаймон пайғамбар, Хизр каби хайрихоҳ образлар ҳам борки, улар қадимги аждодларимизнинг мифологик тасаввурлари, диний эътиқодлари заминидан вужудга келиб, афсун-дуолардан мустаҳкам ўрин олгандир.

Айрим афсун-дуоларда эса жаннат эшигини қўриқлаб турувчи шохли мифологик илон образи ҳам тилга олиниб ўтиладики, бу образ ота-боболаримизнинг нариги дунё, хусусан, дўзах ва жаннат каби икки бир-бирига бутунлай зид бўлган маконлар ҳақидаги қарашлари билан алоқадор.

Ўзбек халқ афсун-дуоларидаги мавжуд образлар бевосита ўзбек халқининг эмас, балки жуда кўплаб халқларнинг, айниқса, Ўрта Осиё ва бошқа жойларда истиқомат қилувчи халқларнинг тафаккури маҳсулидир. Бу образларнинг ўзаро бир-бирига қарама-қарши бўлган томонлари ўртасидаги кураш ва зиддиятлар бевосита афсун-дуолар асосида ётувчи конфликтни ташкил этади.

Бу конфликт ҳозир фан-техника тараққиёти натижасида бироз суствлашган, маълум даражада ишончсизлик туғдира бошлаган бўлса ҳам, бироқ моҳият эътибори билан афсун-дуолардаги доимий-абдий конфликтни ташкил этади.

Юқоридагилардан ташқари афсун-дуоларда турли-туман азиз-авлиёлар, пайғамбарлар, пирлар ва руҳ-арвоҳларга ҳам ўрни-ўрни билан мурожаат этилади. Бирок бу образлар шунчаки қайд этилиб ўтилганлиги учун ҳам, улар афсун-дуолар таркибида фаол ҳаракат этмайдилар. Натижада, улар афсун-дуолардаги мурожаат этилувчи, доим хайрихоҳ образлар сифатида афсунлар матнида барқарор сақланиб турадилар.

Хуллас, ўзбек халқ афсун-дуоларидаги образлар тизими жуда кўп халқлар афсун-дуолари таркибидаги образлар тизими билан тарихий-типологик жиҳатларга, мазмун-моҳият жиҳатидан муштаракликларга эга. Бундай типологиянинг сабаби инсоният қайси ирқ, қайси уруғ ва қабила ёки миллатга мансублигидан қатъий назар, ўз тарихий тараққиётида муайян эътиқодий тасаввурлар босқичларини босиб ўтган. Мана шу босиб ўтилган умумий эътиқодий қарашлар тизими эса ўз-ўзидан тарихий типологияни келтириб чиқарган.

Ҳозирга келиб турли халқлар, элат ва миллатларда алоҳидалашиш, ажралиш кучайиб кетди. Натижада, ўтмишда барча томонидан бир хил тасаввур этилган ҳодисалар эндиликда ҳар бир халқда алоҳида, ўзига хос талқин этилиб, ўзига хос тарзда қабул этилмоқда. Мана шунинг оқибатида ўзбек халқ афсун-дуолари таркибидаги образлар талқинида ҳам муайян фарқланишлар, хиралашишлар юз бермоқда.

Фольклоршунослар ва этнографларнинг муқаддас вазифаси сўниш томон бораётган халқ афсун-дуоларини тўплаш ва системали ўрганишдан иборат.

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг бадиияти ҳақида сўз юритилганда, уларнинг шаклий тузилишини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Чунки ҳар бир афсун-дуонинг оханги, ритмикаси, қофияланиш хусусияти, бадиий-тасвирий ҳамда ифода воситалари бевосита афсун-дуоларнинг шаклий тузилиши билан бевосита боғлиқликда воқеа бўлади. Мана шу мулоҳазадан келиб чиқиб биз ўзбек халқ афсун-дуоларининг шаклий тузилишидаги бадиияти ҳақида қуйида алоҳида тўхталишни лозим топдик.

Ўзбек халқ афсун-дуолари тузилишларига кўра икки хил шаклдан ташкил топганлар:

1. Насрий тузилишдаги афсун-дуолар.
2. Шеърый тузилишдаги афсун-дуолар.

Насрий тузилишдаги афсун-дуолар ўзбек фольклорида катта ўрин эгаллайди. Чунки аксарият афсун-дуолар дастлаб насрда вужудга келиб, кейинроқ шеърый шакл касб этиши мумкин, қолаверса, ўзбек фольклоридаги деярли барча насрий шаклдаги афсун-дуолар ўзга тилларга мансуб материаллардан иборат. Бу нарса халқ афсун-дуолари учун қонуний ҳол ҳисобланади. Чунки, биринчидан, ўзга тилларга, айниқса, кўпчилик учун тушунарли бўлмаган афсун-дуо матнлари узоқ яшовчан бўлиб, уларнинг таъсир кучи баланд бўлади. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, ўзбек халқ афсун-дуоларининг жами ўзга тилларда ўтиб ўзлашгандир.

Иккинчидан, афсун-дуолар халқнинг амалиётида, кундалик турмушида қўлланишга ихтисослашганлиги учун уларни қўллашда афсунларнинг мазмуни эмас, балки рухий таъсир кўрсатиш кучи етакчи аҳамият касб этади.

Насрий тузилишдаги афсун-дуоларнинг ўзларига хос ритмикаси, оҳанги, бадий тасвир воситалари мавжуд. Масалан, бу хилдаги афсунларда сўз такрори устунлик қилади. Сўз такрори эса матнни бир-бирига нисбатан яқин ёки бутунлай тенг бўлақларга бўлиб ташлайди. Оқибатда, ҳар бир афсун матни ўзига хос ритмик наср намунасини юзага келтиради. Илон чакқанда ўқиладиган афсун матнига диққат қилинг: «Иннаҳума якудуна кайда, ваақуду кайда, памаҳлил кофируна, амҳилиҳум ривойда, бастам, бастам, мари, бастам! Бад кардам, бад кардам, бад кардам! Бастам, бастам, бастам!»

Келтирилган матнга диққат қилинса, кичик бир парчада ўн бир ўринда сўз ва гап такрори қўлланилган. Бундай такрорлар афсунгар ёки дуохон истаги билан эмас, балки киши танасига кирган илон захрини қувиб чиқаришга хизмат қилувчи таъкид, ундов, даъват руҳи билан афсун матнидан ўрин олган.

Такрор амалий аҳамиятдан ташқари афсун-дуолар матнида бадий санъат сифатида ҳам маълум вазифалар ўтайди. Чунки улар матнга муайян оҳангдошлик, уйғунлик, даъваткорлик, ритмик изчиллик бағишлайди. А.Диваев томонидан қозоқлардан ёзиб олинган афсун-дуо матнидан келтирилган кичик бир парчага аҳамият берилса, унда такрорларнинг қай даражада муҳим роль ўйнаганлигини кўриш қийин эмас: «Арўсўнў, курўсўнў, мурўтўнў, чуртўнў, кўрганў, кўрўтканў чужа-чужа, чига-чига, бара-бара, дава-дава, ашўндау-бушундау, дариндау-мирандау, килгони, килу сасўр, барў-була, барў-була, исиндау, фишиндау, мандау, шимандау, чинў-чинў чнў бў, чни хожа, тнў би, худой башдан, ман жастан чиқа берсун, бари бошдан».¹⁰

Афсун-дуолар матнидаги такрорлар аксарият ҳолларда уч рақами билан алоқадорликда қўлланилади. Уч рақами эса халқнинг қадимий тасаввурлари тизимида сеҳр-жоду қудратига эга бўлган рақам саналади¹¹.

Профессор Б.Саримсоқовнинг ҳақли таъкидлашича, бу рақам одамнинг вретикал тузилишига, яъни ер ости (руҳлар дунёси) ер ости (тирик мавжудот дунёси), осмон (илоҳий кучлар дунёси) ҳақидаги тасаввурларга бориб боғланади. қолаверса, уч рақами омад, бахт рақами ҳам саналади¹².

Шунинг учун ҳам кўп ишларни амалга оширишда кишилар уч марта уриниб кўрадилар. Биринчи, иккинчи уринишда амалга ошмаган ишлар учинчи уринишда амалга ошиши мумкин. Биринчи уриниш ер ости, иккинчи уриниш ер юзи, учинчи уриниш илоҳиёт билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам кўпинча учинчи уринишда қийин ишлар амалга ошади. Мана шунинг учун ҳам халқ ўртасида «Уч, учдан кейин пуч» деган мақол яратилган. Чунки учинчи уринишда ҳам омад келмаса, демак, бу ишни илоҳий қудрат ҳам

¹⁰ Дивваев А. Киргизский заговор против укуса ядовитых насекомых и пресмыкающихся. «Этнографическая обозрения», 1910, вып. 1-2, с. 128-130.

¹¹ Бу ша=да =аранг: Жыраев М. «Сещрли» ра=амлар сири.-Тошкент, Ўзбекистон, 1991

¹² Саримсо=ов Б. Эпик жанрлар диффузияси. Ўзбек фольклорнинг эпик жанрлари. Тошкент, 1981.

хушламаганлигини, қўллаб-қувватламаганлигини англатади. Мана шундан кейин кишилар учинчи уринишдан сўнг бу ишга ҳаракат қилмай қўя қолганлар.

Халқ афсун-дуоларидаги уч марта такрорлаш ҳам афсундаги мазмуннинг даъваткорлигини, таъсир кучини, таъкидини алоҳида бўрттиришга хизмат қилса, иккинчидан, уч марта такрор илоҳий, ғайритабиий кудратнинг иродасини ифодалайди. Ана шу икки сабабга кўра, ўзбек халқ афсун-дуолари таркибида микдорий такрорнинг уч такрор усули кенг истифода этилган.

Насрий тузилишдаги афсун-дуоларда кенг қўлланилган бадий санъатлардан яна бири сажъ (мусажжаъ) ҳисобланади. Сажъ ва унинг турлари, ўзбек фольклори ва ёзма насрида вужудга келиши тарихий тараққиёти Б.Саримсоқов томонидан батафсил тадқиқ этилганлиги сабабли¹³ биз бу масалалар хусусида тўхталиб ўтирмаймиз.

Маълумки, сажъ уч хил кўрнишга: сажъи мутавозий (тўлиқ сажъ), сажъи мутараф (қофияли сажъ), сажъи мутавозин (вазndoш сажъ) эга.

Уларнинг барчаси матнга ритмик изчиллик, оҳангдошлик ва кучли таъкид руҳини бағишлайди. Шунинг учун ҳам афсун-дуолар матнида ҳар уч турдаги сажъ намуналари қўлланилган. Масалан, сажъи мутавозий (тўлиқ сажъ) «Иннаҳумма якудуна, кайда, вааҳулу кайда, памаҳлил кофируна». Келтирилган мисолдаги «якудуна», «Кофуруна» сўзлари вазнда тенг бўлишлари билан бирга қофия унсури-равийда ҳам бир хилдир. Чунки уларда «н» ҳарфи равий ҳисобланади.

Сажъи мутараф талабларига кўра, сажъланувчи сўзлар вазнда тенг бўлмасалар ҳам, бироқ улар қофия унсурига-равийга эга бўладилар. Масалан, «Иннаҳума якудуна кайда, вааҳуду кайда, памаҳлил кофируна, амхилихум ривойда».

Келтирилган парчалардаги «кайда», «ривойда» сўзлари ягона равийга («й») эга бўлсалар ҳам, бироқ, улар вазнда тенг келмайдилар. Шунинг учун ҳам сажънинг бу тури қофияда сажъ деб юритилади.

Афсун-дуоларда ўрни билан мутавозин (вазndoш) сажъ ҳам қўлланилган. Масалан, «Иннаҳума, якудуна кайда». Келтирилган парчадаги «иннаҳума», «якудуна» сўзлари вазн жиҳатидан тенг бўлсалар ҳам (ҳар иккала сўз ҳам тўрт бўғиндан ташкил топган), бироқ уларда умумий равий йўқ. Хулоса қилиб айтганда, афсун-дуоларда сажъ санъати ва фарқ оҳангдошлик, равонликни таъминлашга, балки афсун-дуолар мазмунини таъкидлаш, улардаги даъваткорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Насрий шаклдаги афсун-дуоларнинг бир қисмини диний афсун-дуолар ташкил этади. Бу дуолар эса бошдан-оёқ сажъ усулида яратилган. «Қуръон» ва бошқа муқаддас диний китоблардан келтирилган оятларда эса сажънинг мукамал намуналари қўлланилган. Масалан, ҳар бир шахс бирор иш қилишни хоҳласа ва шу яхши натижага олиб келадими ёки ёмон натижага-хуфтон номозидан сўнг бу дуони ўқиса, унга иш натижаси маълум бўлади «Оллоҳума инни асаликка би ҳаққи Муҳаммадин набийил уими ан тубаййина ма фи-замирим хайри ва салоҳи фа-арони байдан ва қадран ва мо хумратан ва мо саводан би раҳматика йо арҳамар-роҳимин.¹⁴»

Хуллас, насрий шаклдаги афсун-дуолар кенг қўлланиладиган такрор, сажъ санъатлари шу афсун-дуоларнинг равонлиги, оҳангдорлигини, энг муҳими, уларнинг таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади, афсун-дуоларнинг хотирада мустаҳкам сақланиб қолишини таъминлайди. Чунки сажъ ва такрор фақат шаклий ҳодиса бўлмай, улар афсун-дуолар мазмунини, уларнинг вазифасини, амалий аҳамиятини таъкидлаш учун хизмат қилади.

Ўзбек халқ афсун-дуолар шеърий шаклга ҳам эга. Бунинг сабаби шундаки, бу хилдаги дуолар халқ ўртасида узоқ вақт истифода этилганлиги сабабли изчил шеърий шаклга тушганлар. Шеърий шакл эса афсун-дуоларга ўзига хос оҳанг ритм ва таъсирчанлик бахш этган.

¹³ Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент. «Фан» нашриёти, 1978.

¹⁴ Дуолар ҳосияти. Тошкент. «Нур». 1992, 39-бет.

Ўз-ўзидан маълумки, шеърий шакл муайян вазн ва қофияга таянади. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, қорақурт чакқанда ўқиладиган қуйидаги афсун саккиз бўғинли бармоқ вазнида айтилган.

Олагина-булагина,	-8
Чақир-чуқур майдагина	-8
Чўп бошида майдагина,	-8
Қўй келади, қўзи билан,	-8
Пайғамбардинг сўзи билан,	-8
Арбайтиган олим ўзим,	-8
Қўймайтиган золим ўзим,	-8
Куф-суф, чик. Куф-суф чик	-8

Саккиз мисрадан иборат бу афсун бандининг етти мисраси саккиз бўғиндан ташкил топган бўлса, саккизинчи мисраси афсуннинг асосий моҳиятини англаувчи нақорат сифатида олти бўғиндан ташкил топган. Нақоратнинг бошқа мисраларидан вазн жиҳатидан фарқланиб туриши афсун моҳиятини, унинг вазифасини алоҳида таъкидлашга хизмат қилади.

Саккиз бўғиндан ташкил топган мисраларда тароқлар тўртинчи бўғиндан кейинги нуқтага тўғри келса, олти бўғиндан иборат нақоратда эса туроқ учинчи бўғиндан кейинги нуқтага тушади.

Афсуннинг иккинчи бандидаги вазн тузилишида бирор ўзгариш кўзга ташланади. Шунга қарамай афсунни ижро этиш жараёнида вазндаги камчилик, нуқсон у қадар сезилмайди:

**Ола ғундол, бало ғундол,
Кал келди, кеди келди,
Пайғамбардинг сўзи билан,
Худойимнинг амри билан,
Арбойтиган олим ўзим,
Қўймайтигон золим ўзим
Куф-суф, куф-суф, чик!**

Иккинчи мисра вазни ҳам нақоратдаги мисрага ўхшаб олти бўғиндан ташкил топган. Шу боис унинг ижросида етишмайдиган икки бўғин камчилиги сезилмай кетади. Худди ана шу мисрада ҳам тўлароқ учинчи бўғиндан кейинги ўринга тушади.

Биринчи банддаги мисраларда қофияланиш тартиби а, б-б, в-в, г-г тартибида бўлиб, иккинчи-еттинчи мисралар ўзаро тўлиқ қофия (сойдагина-майдагина, қўзи-сўзи, олим-золим) воситасида уйғунлашган бўлсалар, биринчи мисра кейинги мисраларга фақатгина қўшимчаси орқали уйғунлашган яъни оч қофия характериға эга.

Иккинчи бандда эса биринчи ва иккинчи мисралар кейинги мисралар билан мутлақо уйғунлашмайди, учинчи ва тўртинчи мисралар эса оч қофия (амри, сўзи) воситасида, бешинчи ва олтинчи мисралар эса тўлиқ қофия (олим, золим) воситасида уйғунлашган.

Вазн ва қофияланишда кўзга ташланган нуқсонлар жанр табиати, унинг амалий вазифа бажариши билан изоҳланади. Чунки афсунлар соф эстетик вазифа адо этувчи жанр эмас, балки бевосита амалий (утилитар) вазифа адо этувчи жанр саналади. Қолаверса, бу афсунларни шеърият қонун-қоидаларидан бохабар бирор шоир тўқигани йўқ. Улар афсун ва дуохонлар томонидан кўп йиллар мобайнида такрор ва такрор қўлланиш оқибатида

шеърий шаклга тушган. Афсунлар вазни ва қофиядаги нуқсонлари ижро пайтида умуман сезилмай кетади.

Қорақурт чакқанда ўқиладиган айрим шеърий афсунлар эса ҳам ички қофия, ҳам мисра охиридаги қофиялар воситасида уйғунлаштирилган. Масалан:

Бийма кўр, бийрама кўр,	-7
Хайдама кўр, жудама кўр,	-8
Садима кўр, мадима кўр,	-8
Олотой коржима кўр.	-7
Калла бўжи, ўрпак бошли,	-8
Сахро сиздан, куф-суф, биздан	-8

Афсун матнида келтирилган олти мисранинг биринчи ва тўртинчи мисралари етти бўғинли, қолган мисралар эса саккиз бўғинли вазнга эга. Мазкур бандининг дастлабки уч мисраси ички тўлиқ қофия (бийма, бийрама, хайдама, жудама, садима, мадима) ҳамда «кўр» сўзининг такрори воситасида уйғунлашган. Бу уч мисра эса тўртинчи мисра билан уч қофия (мадима-каржима) ҳамда «кўр» сўзининг такрори орқали уйғунлашган. Бешинчи ва олтинчи мисралар ўзаро умумий қофиялар орқали уйғунлашмаган, уларнинг ҳар бири мустақил ички қофияга эга. Масалан, бешинчи мисра оч ички қофия (бўжи-бошли), олтинчи мисра эса тўлиқ ички қофия (сиздан-биздан) воситасида уйғунлашган.

Албатта, соф шеърият нуқтаи назаридан бу нарса кечириб бўлмас ҳол саналади, аммо халқ шеърияти, айниқса, афсунлар шеъриятида бу у қадар катта нуқсон ҳисобланмайди. Чунки бу афсунларни бирорта истеъдодли шоир яратмаган, қолаверса, афсуннинг вазифаси шеър ўқиб киши ҳиссиётига таъсир кўрсатиш эмас, балки уни қорақурт заҳаридан омон сақлашдан иборат. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, юқоридаги афсун вазн ҳамда қофиясидаги нуқсонлар, айниқса, мисраларнинг ўзаро ички қофиялар воситасида, муайян бир тартибга тушмаган ҳолда уйғунлашиши афсуннинг таъсир кучини ошришга яхшироқ хизмат қилади.

Ана шу мисраларнинг туроқларга бўлинишини олиб кўрсак, қуйидагича ҳолатни кўраимиз:

Биринчи мисра:	3Қ4
Иккинчи мисра:	4Қ4
Учинчи мисра:	4Қ4
Тўртинчи мисра	3Қ4
Бешинчи мисра	4Қ4
Олтинчи мисра	4Қ4

Демак, вазндаги, қофиядаги уйғунликнинг муҳим ва барқарор бўлмаслиги афсунлар шеърияти учун қонуний ҳол саналади ва бу нарса маълум даражада бошқа халқлар афсун-дуолар поэзияси учун ҳам типологик ҳодисадир¹⁴.

Шеърий тузилишдаги халқ афсунлари ранг-баранг бўлиб, бу ранг-баранглик нафақат уларнинг мавзу доирасига, балки ритмикаси, вазн тузилиши, образлар тизими, қофия табиатига ҳам тааллуқли. Масалан, янги ой чиққанда айтиладиган афсунларда кишилар ойга мурожаат қилишиб, ундан тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик тилашади:

Қўл очиб омин денг,	6
Осмондаги ойга.	6
Оймомо, сиздан сўрайман	8
Омонлигу эсонлик,	7

¹⁴ Кагаров Е.Г. Словесные элементы обряды. . . -С. 66-76; Астахова А.М. Художественный образ и мировоззренческий элемент в заговорах. М., 1964; Богатырев П.Г. Вопросы и теории народного искусства, М., 1971.-С. 175-196; Саримсо=ов Б. Ўзбек маросим фольклори, Тошкент, 1986, 205-207-бетлар

Ёмонликмас, яхшилик,	7
Янги ойга, янги йилга	8
Эсон-омон етайлик	8

Келтирилган афсуннинг етти мисрасида икки мисра олти, икки мисрасида, саккиз, уч мисрасида етти бўғинли бармоқ вазни иштирок этган. Бундай ҳолат афсуннинг изчил ритмик тизимига тушганлигидан, унинг ижро пайтида бадиҳа йўли билан ижро этилганлигидан далолат беради. Вазндаги ноизчиллик эса мисраларнинг туроқ тузилишида ҳам акс этган. Биринчи ва иккинчи мисраларнинг туроқ тузилиши 3Қ3, 4Қ2 нисбатида бўлса, учинчи мисра 3Қ5, тўртинчи мисра 4Қ3, бешинчи мисра 4Қ3, олтинчи мисра 4Қ4, еттинчи мисра 4Қ3, нисбатига эга.

Демак, афсун парчасининг беш мисрасида биринчи туроқ тўрт бўғиндан, икки мисрасидаги уч бўғиндан иборат. Бу нарса умуман мазкур афсуннинг ритмик тузилишида биринчи туроқ тўрт бўғиндан иборат бўлишлигини кўрсатади. Биринчи, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи-жами бўлиб тўрт мисрада иккинчи туроқ уч бўғиндан, иккинчи мисрада икки, учинчи мисрада беш, олтинчи мисрада эса тўрт бўғиндан ташкил топган. Агар афсун ритмик жиҳатдан қайта тартибга солинса, умуман ушбу парчадаги иккинчи туроқ уч бўғиндан иборат тузилишга эга бўлиши, парчанинг ўзи эса етти бўғинли бормоқ вазнида бўлиши лозим. Энди ушбу тахминни афсуннинг кейинги қисми асосида таҳлил қилиб кўрайлик:

Потиха торттим юзимга,	8
Умр бергин ўзимга	6
Потиха торттим юзимга,	8
Умр бергин болаларимга,	7
Потиха торттим юзимга,	8
Тинчлик бер элу юртга,	7
Потиха торттим юзимга,	8
Соғлик бер ота-онамга,	8
Омин, оллоху акбар.	7

Келтирилган тўққиз мисралик афсуннинг иккинчи мисраси олти, тўртинчи, олтинчи ва тўққизинчи мисралари етти бўғинли, қолган мисралар эса саккиз бўғинли вазнга эга. Уларнинг туроқ тузилиши: биринчи мисра 5Қ3, иккинчи мисра 3Қ3, учинчи мисра 5Қ3, тўртинчи мисра 2Қ5, бешинчи мисра 5Қ3, олтинчи мисра 3Қ4, еттинчи мисра 5Қ3, саккизинчи мисра 3Қ5, тўққизинчи мисра 2Қ5 нисбатидаги туроқ тузилишига эга.

Маълум бўладики, биргина афсун матнининг иккинчи қисмида асосан 7-8 бўғинли вазн етакчилик қилади. Бундай вазн ўзгариши афсун матнидаги мазмун ўзгариши билан боғлиқ ҳолда юз берган. Агар юқоридаги парчада фақат ойга мурожаат қилиш ва умумий тилаклар тилаш устунлик қилган бўлса, кейинги тўққиз мисрада эса кишиларга соғлик, умр тилаш аниқ айтилган. Мана шунинг учун ҳам афсун вазнида бирор оғирлашиш, яъни бир бўғинга чўзилиш юз берган.

Энди умуман афсун матнининг ҳар икки парчасидаги қофияланиш тартибига яхши назар солсак, қуйидаги ҳолат кўзга ташланади. Дастлабки етти мисрада умуман қофия йўқ. Барча мисраларни аффиксал-қўшимчаларга асосланган қофия оҳангдошлиги бирлаштириб турибди. Масалан, иккинчи ва олтинчи мисралар жўналиш келишиги қўшимчаси-га орқали, тўртинчи, бешинчи ва еттинчи мисралар-лик қўшимчаси орқали уйғунлашган.

Кейинги тўққиз мисра эса фақат такрор сўзлар ва – га қўшимчаси воситасида оҳангдошлик касб этган. Ёзма адабиётлардаги шеърят талабларига кўра, бундай такрорлар, хоҳ сўз ёки гап, қўшимча бўлсин, қофия сифатида тан олинмайди. Аммо

туркий халқлар оғзаки шеърляти билан шуғулланган жуда кўп тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, шеърлий мисраларнинг муайян ритмик ўрнида такрорланиб келувчи қандай сўз, қўшимча қофия вазифасини ўтайди¹⁵.

Қофия вазифасини ўтовчи оддий такрорлар туркий халқлар эпик поэзияси учун қадимий ва одатдаги ҳол экан, бу хилдаги қофиянинг шеърлий шаклдаги афсунлар таркибида ҳозирга қадар сақланиб қолганлиги халқ афсунларини жуда ҳам қадимийлигидан далолат берибгина қолмай, уларнинг эстетик вазифа эмас, балки амалий вазифа ўташларини ҳам англатади.

Шеърлий тузилишдаги афсунлар орасида никоҳ тўйларидаги «ойна кўрсатар» маросимида айтиладиган халқ афсунлари ўзларининг ритмик табиати, қофияланишидаги алоҳидалиги билан ажралиб туради. Бундай афсунларда ҳар бир мисрадан сўнг «хуш келдингиз» ибораси такрорланиб келиб, афсунга алоҳида оҳангдорлик бағишлайди:

Оптови бали-бали,	3Қ4к7
Хуш келдингиз.	1Қ3к4
Мулки сўзнинг раҳбари,	4Қ3к7
Хуш келдингиз.	1Қ3к4
Ою-кунлар сиз учун	4Қ3к7
Муштоқ эдик.	2Қ2к4
Жон билан, жононаси,	3Қ4к7
Хуш келдингиз.	1Қ3к4
Ойна бердик боқсин деб,	4Қ3к7
Хуш келдингиз	1Қ3к4
Қўша қариб юрсин деб,	4Қ3к7
Хуш келдингиз.	1Қ3к4
Омин, оллоху акбар.	2Қ5к7

Юқоридаги мисрадан кўриниб турибдики, афсуннинг янги маъно англатувчи туюқ тузилишидаги айрим фарқлардан қатъий назар. Фақат етти бўғинли, нақорат вазифасини ўтовчи такрорланиб келувчи мисралар эса, фақат бўғинли икки туюқдан ташкил топган бормоқ вазнида яратилган.

Етти бўғинли мисраларда оч қофия (бали-бали, раҳбари, боқсин деб, юрсин деб) ҳукмронлик қилсалар ҳам, улар такрорланиб келувчи сўзлар таъсирида яхшигина оҳангдошликка эга бўлганлар. Бу нарса «ойна кўрсатар» маросимининг қадимийлигидан поэтик жиҳатдан муайян ишловларга учраганлигидан, маросим таъсири туфайли бўлса керак, афсун матнининг ўзгартирилмай ижро этилишидан далолат беради.

Бундай ҳолни никоҳ тўйларидаги «чиноқ айлантлар» маросими пайтида айтиладиган афсунлар поэтикаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан:

1. Чиноқ, чиноқдан айлансин,	2Қ3Қ3к8
2. Чимилдик қуроқдан айлансин,	3Қ3Қ3к9
3. Жуфт тангасини бермаса,	1Қ4Қ3к8
4. Куёв қиздан айлансин.	2Қ2Қ3к7
5. Жуфт тангасини берса,	1Қ4Қ2к7
6. Қиз куёвдан айлансин.	1Қ3Қ3к7

¹⁵ Корш. Ф.Е. Древнейший народный стих турецких племен //ЗВОРАО, т. XIX, ч. П-Ш, СПб, 1909; Ахматов З.А. Рифма в казахской поэзии //Изв. АН. Казахской ССР, сер. филолог. 1961, вып. I (17); Жирмунский В.М. Ритмико-синтаксический параллелизм как основа древнетюркского народного эпического стиха//Вопросы языкознания, М., 1964, №4, с. 3-24; Жирмунский В. М. О некоторых проблемах теории тюркского народного стиха. //Тюркологический сборник. М., 1970.-С. 29-69; Жирмунский В.М. Рифма, ее теория и история. Петроград, 1923; Саримсоков Б. Ызбек адабиётида сажъ. Тошкент, 1978, 30-38 бетлар; Саримсоков Б. Ызбек маросим фольклори, Тошкент,1986, 175-176 бетлар; Рысалиев К. Кыргыз ырларынын тузулушу. Фрунзе, 1965, 50-121-бетлар, Шербек А.М. Соотношение эллитерации и рифма в тюркском стихосюжении.//Народы Азии и Африки, 1961, №2, 146-153-бетлар.

- | | |
|--------------------------------|---------|
| 7. Чироқ, чироқдан айлансин, | 2Қ3Қ3к8 |
| 8. Чимилдиқ куроқдан айлансин, | 3Қ3Қ3к9 |
| 9. Куёв харжини берса, | 2Қ3Қ2к7 |
| 10. Янгаси куёвдан айлансин. | 3Қ3Қ3к9 |
| 11. Келин харжини берса, | 2Қ3Қ2к7 |
| 12. Янгаси келиндан айлансин. | 3Қ3Қ3к9 |
| 13. Умрлари узун бўлсин, | 3Қ2Қ2к7 |
| 14. Меҳрлари ёруғ бўлсин, | 3Қ2Қ2к7 |
| 15. Йўллари ёруғ бўлсин, | 3Қ2Қ2к7 |
| 16. Ризқ-рўзи мўл бўлсин, | 3Қ1Қ2к6 |
| 17. Болалари кўа бўлсин, | 3Қ1Қ2к6 |
| 18. Омин, оллуха акбар. | 2Қ3Қ2к8 |

Юқоридаги тахминдан кўриниб турибдики, ҳар бир шеърий мисра уч туроқдан ташкил топган бўлиб, уларнинг умумий вазни 7,8,9 бўғинлидир. Дастлабки икки мисра тўлиқ қофия (чироқ-куроқ)дан ва «айлансин» сўзининг такрори воситасида уйғунлашган бўлиб, кейинги тўрт мисра фақат тарорлар уйғунидаги орқали оҳангдошлик (-дан айлансин) касб этади.

Еттинчи, саккизинчи мисраларида яна тўлиқ қофия ва ткорор иштирок этган бўлса, тўккизинчи,ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи мисралар ўзаро сўз такрорлари (харжини берса айлансин) воситасида оҳангдошлик касб этадилар.

Ўн учинчидан, ўн еттинчи мисраларга қадар эса фақат «бўлсин» сўзининг такрори қофия вазифасини ўтайди. Маълум бўладики, афсуннинг фақат такрорлар воситасида оҳангдошлик касб этиши ҳам унинг нисбатан қадимийлигидан далолат беради.

Афсун-дуорларнинг шеърий тузилиши, ритм товланишлари жуда бой. Бунинг сабаби халқ афсунларининг барчаси бир жанрга мансуб эмаслигидан, балки бир хил амалий вазифа адо этишган турли жанрларнинг йиғиндисидан, «афсун-дуо» атамаси жанрлар туркумини англатувчи атамадан иборат эканлигини англатади. Демак, афсун жанрларининг шаклий аломатлари уларнинг алоҳида-алоҳида эканликларини англатади, уларнинг бир-бирига ўхшаш вазифалари барча афсун-дуоларни бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан умумлаштириб туради.

Мана шу нуқтаи назардан уйқу олдидан ўқиладиган қуйидаги афсуннинг шеърий тузилишини таҳлил қилиб кўрсак, юқоридаги фикримиз тўла тасдиқланади.

Афсун матни уйқунинг ярим ўлик ҳолат эканлиги, уйқудан соғ-омон уйғотган олло-таолога шукурлар қилиш мазмунини англатади, бироқ биргина матннинг ўзи икки хил ритм, икки хил вазн, икки хил қофияланиш хусусиятига эга.

**Кечаси кетиб, тонг отди, шукур,
Уйқу кетиб, кўз очилди, шукур,
Тушим келсин ўнгидан, шукур,
Ишим келсин шу топдан, шукур,
Уйқу ўлик, уйғотган эгамга, шукур,
Тонг орттириб тургизган эгамга, шукур.**

Келтирилган олти мисралик банднинг дастлабки икки мисраси ўн, учинчи ва тўртинчи мисраси тўққиз, бешинчи ва олтинчи мисралари ўн икки бўғинли бармоқ вазида яратилган. Бир банднинг ўзида 9, 10, 12 бўғинли вазнларнинг иштироки вазн жиҳатидан афсуннинг изчил эмаслигидан далолат беради. Бироқ унинг уч туроқдан иборат ритмик тузилишидаги уйғунлик вазидаги ҳар хилликни яшириб, матнга кучли уйғунлик бағишлаб туради. Ана шу матннинг туроқ тузилиши билан боғлиқ ритмик тузилиши қуйидагича: 5Қ3Қ2, 4Қ4Қ2; 4Қ3Қ2; 4Қ3Қ2; 4Қ3Қ5; 4Қ3Қ5;

Агар биринчи мисрадаги беш бўғинли туроқ ҳисобга олинмаса, қолган беш мисранинг ҳам биринчи туроғи тўрт бўғиндан иборат. Иккинчи мисрадаги тўрт бўғиндан иборат иккинчи туроқ ҳисобга олинмаса, қолган беш мисра уч бўғиндан иборат тузилишига эга. Учинчи туроқ эса биринчи-тўртинчи мисраларда икки бўғиндан, бешинчи ва олтинчи мисраларда эса беш бўғиндан иборат. Бир туроқ устини доирасида 2-5 нисбатдаги, яъни уч бўғиндан иборат айирма фарқ бўлишига қарамай афсун матни ижросида ритмик изчиллик сақланади. Бунинг бош сабаби биринчидан, матндаги дастлабки икки туроқнинг нисбатан эканлигида, иккинчидан, қисқа ва чўзиқ вазнли туроқлар мисра охирида муайян изчилликда, яъни дастлаб икки бўғинлилар, кейин беш ҳижолилар келган. Катта айирмада икки хил туроқлар аралаш қўлланилмаган. Бу нарса ижрочи учун охириги туроқни истаган вақт, истаганча чўзиш имконини беради. Натижада, вазндаги айирма ижро пайтида сезилмай кетади.

Энди худди шу афсуннинг иккинчи бандига аҳамият берсак, унинг тамоман ўзга вазн, ўзгача ритмига эга эканлигини кўрамыз:

**Ўнгим билан турдим,
Ишим ўнгли бўлсин деб.
Минг шукур дей худога,
Насибам бутун бўлсин деб.**

Ушбу афсунни яқунловчи тўртинчи бандининг биринчи мисраси олти, иккинчи ва учинчи мисраси етти, тўртинчи мисраси саккиз бўғинлидир. Демак, дастлабки мисра билан тўртинчи мисра ўртасида икки бўғин айирма мавжуд. Аммо ўртадаги икки мисра (2,3-мисралар) бир хил етти бўғинли бўлиб, олти бўғинли мисра билан саккиз бўғинли мисралар ўртасидаги икки бўғин айирмани ўзаро яқинлаштириб, уйғунлаштириб туради.

Банднинг ритмик тузилиши куйидагича туроқ тузилишида ифодаланган: 4Қ2; 4Қ3; 4Қ3; 5Қ3.

Кўриниб турибдики, дастлабки уч мисранинг биринчи туроғи тўрт бўғиндан, охириги мисра эса беш бўғиндан ташкил топган. Иккинчи туроғи эса, биринчи мисрадаги икки бўғинли туроқ ҳисобга олинмаса, асосан уч бўғиндан иборат. Маълум бўладики, биринчи мисра билан тўртинчи мисра ўртасидаги икки бўғиндан иборат вазндаги фарқнинг бир бўғини биринчи мисранинг иккинчи туроғида, тўртинчи мисранинг биринчи туроғида келиб, ижро ритмида «текислаб», яъни уйғунлаштирилиб юборилмоқда.

Энди афсуннинг икки банди ўртасидаги вазндаги айирма сабабларига келганда шуни айтиш керакки, бу нарса кейинги тўрт мисрали банднинг афсунни яқунловчи банддан иборат эканлиги билан, яқунловчи банднинг эса ўзгача вазнга эга бўлиши лозимлиги, чунки унинг алоҳида оҳанг, алоҳида таъкид кучига эга бўлиши лозимлиги билан боғлиқдир.

Мазкур афсуннинг қофияланиш хусусиятига келганда шуни айтиш керакки, афсундаги барча қофиялар оч қофия ва такрорлардан иборат. Дастлабки олти мисра а-а (отди-очилди), б-б (ўнгидан-топдан), в-в (-ган эгамга –ган эгамга), яъни тартиб нуқтаи назардан маснавий шаклида қофияланган, иккинчи тўрт мисрали банд эса а-б, в-б, тартибида, яъни ғазалнинг матласидан, кейинги мисралардаги қофияланиш тартибида қофияланган, аммо барча қофиялар оддий сўз такрорларидан ташкил топган.

Хулоса қилиб айтганда, шеъринг шаклидаги ўзбек халқ афсунлари асосан туркий тилдаги матнлардан ташкил топган бўлиб, бу нарса уларнинг қадимийлигидан далолат беради.

Вазн, ритм тузилиши жихатидан қаралса, ўзбек халқ афсун-дуолари ранг-баранг бўлиб, бу уларнинг турли-туман ўрин ва вазиятларда, турлича мақсад ва вазифаларда қўлланилиши талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиққан.

Ўзбек халқ афсун-дуоларининг вазн, ритм тузилишини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўзбек халқ афсун-дуоларигина эмас, балки умуман халқ поэзиясининг барча

кўриниши ҳамда турлари ранг-баранг ритмик товланишларга, вазний имкониятларга, кофияланиш хусусиятларига эгаллиги, махсус, жиддий тадқиқ этилишига мухтождир.

Халқ афсун-дуолари фольклор жанри сифатида олиб қаралар экан, улар ўзига хос бадиий тасвирий, ифодавий воситалар, усулларга ҳам эгаки, улар ҳақида тўхталмай туриб афсун-дуонинг бадиияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди.

Афсунларда кенг қўлланилган бадиий усуллардан бири миқдорий такрор усули афсун мазмунини, ундан кузатилган мақсадни таъкидлаш, бўрттириш учун хизмат қилади. Чунки миқдорий такрор афсунларда мурожаат қилинувчи объектнинг диққатини ўзига жалб этиш учун ҳам хизмат қилади:

**Алланг-салланг ола қурт,
Бағри қора қорақурт.
Ё к и:
Ола ғундол, бало ғундол ва бошқалар.**

Миқдорий такрор мурожаат қилинаётган объектга таҳдид солиш, унга буйруқ қилинувчи ўринларда ҳам қўлланилади:

**Чодирингни бузайин,
Тирковингни бузайин. . .
Ё к и:
Мор-мор қилмасам,
Зор-зор қилмасам.**

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, миқдорий такрор асосида объектга дўк қилиш ва уни ўзининг измига бўйсундириш мақсади ётса, афсунхон мадад сўраб мурожаат қиладиган пайғамбар, олло ёки бошқа пирларининг номлари афсуннинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Айрим афсунларда образни, таъкидни кучайтириш икки-уч миқдорий такрор асосида эмас, балки кўп миқдорни англатувчи сўзларни келтириш ҳисобига амалга оширилади. Масалан, «Қулху оллоҳ минг-минг, оятул курси ҳазор-ҳазор ва ҳ.к.»

Хуллас, афсундаги муайян образни кучайтириш, афсуннинг аҳамиятини ошириш икки, уч ёки кўп миқдорий такрор усули воситасида амалга оширилади.

Халқ афсунларининг оҳангдошлигини кучайтириш уларнинг ёдда қолиши осонлаштириш, таъсир кучини орттиришдаги муҳим фонетик воситаларидан бири аллитерация усулидир. Маълумки, аллитерация икки хил бўлади, яъни унлилар ва ундошлар аллитерацияси мавжуд. Ҳар икки хил аллитерацияда ҳам оҳангдошлик, афсуннинг таъсир қудрати кучли бўлади. Чунки бир хил товуш билан бошланган аллитерация киши диққатини кучли жалб этади: Масалан, қуйидаги афсунда мисра боши (анафорик) аллитерация мавжуд:

**Ола-була қўзичок, бурий-бурий,
Ола қўзга оқ тушмас, бурий-бурий,
Опа-сингил эл бўлмас, бурий-бурий,**

Қуйидаги афсунда эса «ё» ҳамда «т» товушларининг такрори афсун матнига муайян оҳангдорлик, таъкид руҳини бағишлаб турибди:

**Ётдим ётолок, турдим туғалок,
Ётдим тинч, турай омон,
Ётдим, ё обло, турдим иншолло,
Ётдим, ё обло, сақлагайсан, ё олло.**

«Ё» ҳамда «т» товушларининг такрори афсун матнига ўзига хос таъкид ва ритмик изчиллик бағишлаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, аллитерация халқ афсунларининг ташкил топишидан тортиб уларнинг ритмик ўзига хослигини таъминлашгача кенг қўлланилган. Чунки аллитерация айрим тадқиқотчиларнинг кўрсатишларича¹⁶, қофиянинг юзага келишида муҳим роль ўйнаган фонетик санъатлардан бири ҳисобланади.

Ўхшатиш халқ афсун-дуоларида қисман учрайдиган бадиий-тасвирий воситалардан саналади. У афсундаги муайян образнинг айрим сифатларини, белгиларини, хатти-ҳаракатини бошқа нарсага ўхшатиш орқали тасвирга аниқлик бағишлайди. Масалан, илон чакқанда айтиладиган афсуннинг бир вариантыда (А.Сойибназаров вариантыда) илоннинг ранги, оёғи, думи кабилар ўхшатишлар воситасида тасвирланган ва бу тасвир кишида илонга нисбатан жирканиш ҳиссини янада кучайтиради: «Зард хаста залид, ранг ҳасту хумор, чолок пойу чолок дум, бастам, барбастам. . . »

Салбий жиҳатдан ёмон нарсаларга ўхшатиб тасвирланган образга нисбатан беморда, яъни илон чакқан кишида салбий реакция кўзгалади. Мана шунинг натижасида унинг баданида илон захрининг тарқалиши секинлашади. Хуллас, ўхшатиш халқ афсун-дуоларида у қадар кўп бўлмаса ҳам, аммо баъзан-баъзан учраб турадиган бадиий санъат ҳисобланади.

Афсунларда тасодифий қўлланилган сифатдошлар (эпитетлар) бўлмайди. Чунки афсунлардаги ҳар бир сўз, ҳар бир тафсил (деталь) каби сифатдошлар ҳам жанрнинг амалий мақсадига боғлиқ ҳолда танланади. Чунки эпитет, рус фольклоршуноси В.Я. Пропп тўғри кўрсатганидек, нарсадаги асосий хусусиятни бўрттириб, аниқлаштириб кўрсатиш учун ҳаракат қилади ва у халқнинг ана шу нарсага бўлган ё салбий, ё ижобий муносабатини ҳам ифодалаб туради¹⁷. Шунинг учун ҳам халқ афсунларида илонга, чаёнга нисбатан-сарик, қоркуртга нисбатан-қора, кўзга тушган оққа нисбатан «ола-була» каби киши руҳига таъсир этадиган сифатдошлар қўлланилган.

Афсунларда қўлланилган эпитетлар яхшилик учун хизмат қилувчи нарса ва образларни мақташ, унинг яхши сифатларини бўрттириш учун хизмат қилади. Масалан, чақалоқни бешикка солганда айтиладиган қуйидаги афсун матнида бешик ясалган дарахт мақтови билан боланинг севимли бўлиши, бахтли умр ўтказиши сўралган.

**Қаролидандир бешиги,
Қайрилиб олсин онаси,
Тилла қамишдан бешиги,
Товланиб олсин бувиси,
Шафтолидандир бешиги,
Шопиллаб ўпсин опаси.
Жийда дарахтдан бешиги,
Кўтара қолсин акаси. . .**

Кўриниб турибдики, бешик ясалган дарахт номининг бош ҳарфи билан уйғун ҳолда чақалоққа яқинлари қилган муомала, муносабат билдирувчи сўз олинган. Масалан, қароли-қайрилиб, тилло-товланиб, шафтоли-шопиллаб ва ҳ.к.

Бу нарса, яъни эпитетнинг бош товуши билан муносабат ифодаловчи сўзнинг бош товуши мослиги ўзаро бир-бирларини кучайтиришга хизмат қилади. Масалан, эпитет муносабатини ва аксинча муносабат эпитетни кучайтириш, бўрттириш, таъкидлашга хизмат қилади.

Мана шу нарсанинг ўзи кўрсатиб турибдики, эпитет (сифатлашлар) халқ афсун-дуоларида кейин киритилган бадиий тасвирий воситалар эмас, балки жуда ҳам қадимий

¹⁶ Шербек А.М. Соотношение аллитерация и рифмы в тюркском стихосложении. //Народы Азии и Африки, 1961, №2.-С. Саримсо=ов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент, 1978, 20-45 бетлар.

¹⁷ Пропп В.Я. Русский героический эпос. М., 1958.-С. 524-527.

ходиса саналади. Шу боис эпитетларнинг афсунларда тутган мавқеи, бажарадиган ғоявий-бадий вазифаси жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Баъзан афсунлардаги айрим эпитетлар шунчаки оддий сифатлашлардан иборат бўлмай, улар қадимги эътиқодий қарашлар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан, образлардан иборат бўлади. Улар афсунларнинг таъсир кучини орттиришга, афсунларга нисбатан бўлган кишиларнинг ихлосини, ишончини оширишга хизмат қиладилар. Масалан, ари чаққанда айтиладиган қуйидаги афсунда ана шундай сўзлардан бири иштирок этган:

**Замбуриман-зилолиман,
Мурчайиман-миёниман.
Дастак бура, дастак бура,
Оқ илоннинг дами билан,
Пайғамбарнинг сўзи билан,
Куф-суф, чик, куф-суф, чик**

Келтирилган мисоллардаги оқ илон образига диққат қилинса, унинг афсун матнидан бекорга жой олмаганлиги маълум бўлади. Чунки оқ рангли илон бу мусулмон дунёсида кишиларга бахт, соғлиқ ва бойлик келтирувчи рамзий образ саналади. Уни кўп ўринларда Ҳазрати Хизрнинг зоолатрик (хайвон, жондор) қиёфада намоён бўлиши ҳам деб талқин қилинади. Қандай бўлмасин, оқ илон туркий халқларда муқаддас образ саналади. У кишиларга фақат яхшилик келтириш учун хизмат қиладиган рамзий образ саналади. Шунинг учун ҳам афсунда оқ илонга мурожаат қилиб, ундан мадад тиланган. Хуллас, эпитетлар халқ афсунларида ҳам ғоявий ҳам бадий вазифа ўтовчи бадий восита саналган.

Умуман олганда, халқ афсунларининг бадиияти ўзига хос бўлиб, уларни соф эстетик вазифа ўтовчи жанрларга тенглаштириб бўлмайди. Чунки афсунлар маиший амалий вазифа ўтовчи жанрлар туркумидан иборат. Шу сабабли афсунларнинг поэтикаси ҳақидаги мулоҳазаларимиз юқоридаги қайдлар билан чегараланади.

Х О Т И М А

Табиат кучларига қарши кураш чораларини аниқ билмаган ибтидоий аجدодларимиз ўзи ва ўзгаларни ишонтирувчи турли-туман восита ҳамда усулларни кашф этган. Афсун-дуолар ҳам қадимги аجدодларимизнинг ўзи ва ўзларини турли бало-офатлардан ҳимоя қилиш учун худоларга, азиз-авлиёлар руҳига илтижо қилиш эҳтиёжидан яратилган воситалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ афсун-дуоларида ҳар хил руҳларга, табиат кучларига, мифологик персонажларга, кейинроқ яратилган афсун-дуоларда эса ёлғиз оллоҳга, пайғамбар ва авлиёларга илтижо қилиш руҳи устунлик қилади.

Хуллас, ўзи ва ўзгаларни ёвуз кучлар хуружидан, офат ва балолардан муҳофаза қилиш эҳтиёжи туфайли яратилган афсун-дуолар узоқ вақтлар мобайнида оғзаки яратилиш ва яшашлари туфайли муайян даражада бадиийлик унсурларини касб этган. Мана шу туфайли ҳам афсун-дуоларни фольклор жанрлари сифатида олиб қараш ва баҳолаш тўла илмий-назарий ҳамда амалий аҳамият касб этиши табиийдир.

Афсун-дуолар халқ маиший, маънавий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Афсунларни мавзу ва вазифадошлик нуқтаи назаридан тасниф этиш шуни кўрсатадики, улар, умуман олганда халқ ҳаётининг йигирмадан ортиқ соҳасида жуда кенг ва оммавий тусда истифода этилади. Аммо афсун-дуоларга нисбатан турли ғоявий муносабат туфайли уларнинг айрим намуналари унутилган ёки истифода этилмай қолган.

Афсун-дуолардаги образлар силсиласи ҳам кескин икки қарама-қарши гуруҳга ажралади. Биринчи гуруҳ образлар инсонга барча юмушларда кўмак берувчи, уни ҳар хил хасталиклардан, офатлардан ҳимоя қилувчи яхши (раҳмоний) руҳлардан ёки азиз-авлиёлар образларидан иборат. Кишилар бирор хасталик ёки оғир ҳолатларга дуч келиб қолса, бевосита мана шу гуруҳ образларга мурожаат қиладилар. Шунинг учун ҳам улар бу хилдаги образларга мурожаатда чиройли сифатлаш (эпитет)лар, ташбеҳлар, муболағалар қўллайди.

Иккинчи гуруҳ образлар эса инсонларга ёмонлик, бахтсизлик, хасталик олиб келувчи ёмон (шайтоний) руҳлардан иборат бўлиб, улар ўзларининг ёмон ният, мақсадлари туфайли кишиларнинг лаънат ва нафратларига сазовор бўладилар. Мана шу туфайли ҳам бу хилдаги образлар салбий руҳдаги сифатлашлар, ўхшатишлар, муболаға ва киноялар билан тавсифландилар.

Халқ афсун-дуолари, айрим муаллифлар айтганларидек, ҳеч қандай биологик нур тарқатмайдилар. Уларнинг таъсир кўрсатиш кучи энг аввало ўзи ва ўзгалар руҳига таъсир кўрсатиш, ишонтира олишда кўзга ташланади. Бинобарин, афсун-дуолар қадимги аждодларимизнинг «руҳий терапия»си, яъни руҳий даволаш воситалари ҳисобландилар.

Афсун-дуоларга ишониш, уларга турли ҳолатларда мурожаат қилиш халқ руҳий даҳосининг бу кашфиёти узоқ вақтлар мобайнида сақланиб қолишини таъминлайди. Фольклоршунослигимизнинг муҳим вазифаси ҳам халқ афсун-дуоларининг нодир намуналарини тўплаш, уларнинг шаклий ва мазмуний хоссаларини, бадий сўз сеҳрини ўрганиш орқали уларни унутилишдан сақлаб қолишдан иборат. Мазкур тадқиқотимиз ана шу йўлдаги дастлабки қадам, интилишлардан бири ҳисобланади.